



**USAID**  
FROM THE AMERICAN PEOPLE



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLYIY SUDI



**50**  
YEARS

*Empowered lives. Resilient nations.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ

**ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БҮЙИЧА  
СУДГА МУРОЖААТ  
ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

амалий қўлланма





**USAID**  
FROM THE AMERICAN PEOPLE



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



**50  
YEARS**

*Empowered lives. Resilient nations.*

# Фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш тартиби амалий қўлланма

**Baktria press**

**ТОШКЕНТ – 2016**



УЎК 342.56(575.1)

КБК 67.71(5Ў)

Ф 98

Фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш тартиби [Матн] / X. Ёдгоров  
[ва бошқ.] -Тошкент : Baktria press, 2016. — 224 б.

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси **Ш.Газиев** раҳбарлигига тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Конситуциясининг 44-моддасига асосан ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-харакатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 1-моддасига асосан ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашлаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан кўриклиданадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли.

Мазкур қўлланма Ўзбекистон Республикаси фуқаролик судлари, уларга аризалар билан мурожаат қилиш ва фуқаролик судларида ишларни кўриш тартиби амалдаги қонун хужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми Қарорлари ва бошқа норматив ҳуқуқий хужжатлар талаблари эътиборга олинган ҳолда, кенг аҳоли қатламларига тушунарли бўлиши учун соддалаштирилган тилда тайёрланган.

Ушбу қўлланмада, фуқаролик ишлари бўйича судлар тизими, мазкур судларда аризаларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш босқичлари, судларга топшириладиган аризалар тузилиши ва намуналари, судларга тўланадиган давлат божи миқдорини аниқлаш тартиби, амалиётдан мисоллар ва бошқа масалалар ёритилган.

Қўлланма нафақат судьялар, адвокатлар, ҳуқуқшунослик соҳасидаги мутахассисларга, балки судлар фаолиятига ва процессуал қонунчиликка қизиқувчи китобхонларга ҳам мўлжалланган.

**УЎК 342.56(575.1)**

**КБК 67.71(5Ў)**

#### **Нашр учун масъуллар:**

**Х. Ёдгоров** – Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

**Б. Сайдмуратов** – амалиётчи ҳуқуқшунос

**А. Салаев** – “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” лойиҳаси мутахассиси

#### **Тақризчилар:**

**О. Оқюлов** – Тошкент давлат юридик университети Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси профессори, юридик фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

Мазкур нашр Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва БМТ Тарракқиёт Дастирунинг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” кўшма лойиҳаси доирасида тайёрланган. Нашр мазмуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID), АҚШ ҳукумати ва БМТ Тарракқиёт Дастирунинг расмий нуқтаи назарини акс эттирамайди.

Қўлланманинг электрон нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий судининг [www.supcourt.uz](http://www.supcourt.uz) ва БМТ Тарракқиёт Дастирунинг [www.uz.undp.org](http://www.uz.undp.org) интернет сайтида жойлаштирилган.

Қўлланмада келтирилган мисоллардаги номлар, саналар ва далиллар ўзgartирилган. Ҳар қандай мос келишлар тасодифий ҳисобланади.

ISBN 978-9943-4570-7-2

© Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2016

© Baktria press, 2016



# Мундарижа

## I БОБ. ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БҮЙИЧА СУДЛАР

<b>§ 1.1. СУД ТИЗИМИ . . . . .</b>	15
1.1.1. Ўзбекистон Республикаси суд тизими . . . . .	15
1.1.2. Фуқаролик ишлари бўйича судлар тизими . . . . .	16

## II БОБ. СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ

<b>§ 2.1. СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ . . . . .</b>	23
2.1.1. Судга мурожаат қилиш хукуқи . . . . .	23
2.1.2. Судга мурожаат қилишдан олдин ҳал қилинадиган масалалар . . . . .	25
2.1.3. Судга мурожаат қилишнинг мақсадга мувофиқ эканлиги . . . . .	29
2.1.4. Фуқаролар ва юридик шахслар манфаатида судга ариза билан мурожаат қилиш ваколатига эга бўлган идора ва ташкилотлар . . . . .	31
2.1.5. Муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахслар тушунчаси, уларнинг манфаатида судга мурожаат қилиш тартиби . . . . .	33
<b>§ 2.2. ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БҮЙИЧА СУДЛАРНИНГ СУДЛОВИГА ТААЛЛУҚЛИ ИШЛАР . . . . .</b>	34
2.2.1. Фуқаролик ишлари бўйича судларнинг судловига тааллукли ишлар . . . . .	34
2.2.2. Ариза топшириладиган судни аниқлаш масаласи. Судловга тааллуклилик . . . . .	39
<b>§ 2.3. СУДГА ТОПШИРИЛАДИГАН АРИЗАНИ ТУЗИШ (ЁЗИШ) . . . . .</b>	43
2.3.1. Арз қилинадиган талаб турини аниқлаш . . . . .	43
2.3.2. Аризани ёзиш тартиби, унинг мазмунига қўйиладиган талаблар . . . . .	44
2.3.3. Даъво аризаси тушунчаси, даъво тартибида иш юритиш . . . . .	46
2.3.4. Шикоят тушунчаси, шикоят тартибида иш юритиш . . . . .	47
2.3.5. Алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган ариза тушунчаси, алоҳида тартибида иш юритиш . . . . .	48
2.3.6. Суд бўйруғи чиқариш тўғрисидаги ариза тушунчаси, суд бўйруғи тартибида иш юритиш . . . . .	50
2.3.7. Аризага илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар . . . . .	51
2.3.8. Аризаларнинг намуналари . . . . .	54



<b>§ 2.4. СУД ХАРАЖАТЛАРИ ТУШУНЧАСИ, МИҚДОРИ ВА ИМТИЁЗЛАР</b> .....	62
2.4.1. Суд харажатлари тушунчаси .....	62
2.4.2. Даъвонинг баҳоси тушунчаси .....	64
2.4.3. Давлат божи ставкалари. Давлат божидан қисман озод қилиш, уни тұлашни кечикириш ёки бўлиб-бўлиб тұлашга оид қоидалар .....	65
2.4.4. Давлат божи тўловидан озод қилиш .....	68
<b>§ 2.5. АРИЗАНИ СУДГА ТОПШИРИШ ТАРТИБИ</b> .....	69
2.5.1 Аризани судга топшириш тартиби .....	69
2.5.2 Судларда фуқароларнинг қабули .....	70
<b>III БОБ. АРИЗАЛАРНИНГ СУДДА КЎРИЛИШИ</b>	
<b>§ 3.1. АРИЗАНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ФУҚАРОЛИК ИШИ ҚЎЗҒАТИШ</b> .....	75
3.1.1. Ариза бўйича суд томонидан қабул қилинадиган қарорлар ..	75
3.1.2. Судга тақроран мурожаат қилиш .....	76
<b>§ 3.2. ФУҚАРОЛИК ИШИННИНГ СУДДА КЎРИЛИШИ</b> .....	77
3.2.1. Фуқаролик суд ишларини юритишнинг тамойиллари .....	77
3.2.2. Аризачининг суддаги мақоми, унинг ҳуқук ва мажбуриятлари .....	79
3.2.3. Фуқаролик процессининг иштирокчилари .....	81
3.2.4. Иш кўрилиши ҳақида иштирокчиларни хабардор қилиш тартиби .....	86
3.2.5. Фуқаролик ишини судда кўришга тайёргарлик жараёни ..	87
3.2.6. Фуқаролик ишини кўриш муддатлари .....	90
3.2.7. Ишни суд мажлисида кўриш тартиби, ишни мазмунан кўришга тайёргарлик жараёни .....	92
3.2.8. Ишни судда мазмунан кўриш тартиби, суд мажлисидаги иштирок этиш, саволлар бериш ва илтимосномалар келтириш тартиби .....	95
3.2.9. Даиллар тушунчаси. Даилларни тўплаш ва судга тақдим этиш тартиби .....	96
3.2.10. Ишни судда кўришда гувоҳлар тушунчаси, уларни таклиф этиш тартиби, гувоҳларнинг мажбуриятлари .....	100
3.2.11. Иш ҳужжатлари билан танишиш, улардан нусхалар олиш ..	102
3.2.12. Арз қилинган талабни тўлдириш, ўзгартириш ёки воз кечиш тушунчаси, тартиби .....	102



3.2.13. Келишув битими тушунчаси . . . . .	105
3.2.14. Эътирознома тушунчаси . . . . .	105
3.2.15. Қарши даъво аризаси тушунчаси, тақдим этиш тартиби ва шартлари . . . . .	106
3.2.16. Даъвони таъминлаш чоралари тушунчаси, мақсади ва турлари. . . . .	107
3.2.17. Судда вакил орқали ёки вакил билан бирга иштирок этиш, вакилнинг ваколатларини расмийлаштириш тартиби . . . . .	110
3.2.18. Прокурор иштирок этиши шарт бўлган ишлар . . . . .	113
3.2.19. Судья ва процесснинг бошқа иштирокчиларини рад қилиш тартиби ва асослари . . . . .	115
3.2.20. Суд экспертизаси тушунчаси, тайинлаш ва ўтказиш тартиби . . . . .	117
3.2.21. Судда иш юритишни тўхтатиб туриш тартиби ва асослари . . . . .	123
3.2.22. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг судга келмаслиги оқибатлари . . . . .	124
3.2.23. Ишни тарафнинг иштирокисиз кўриш асослари . . . . .	126
3.2.24. Жавобгарнинг яшаш жойи номаълум бўлгандан ишни судда кўриш тартиби . . . . .	127
3.2.25. Жавобгар Ўзбекистон Республикасидан ташқари бўлганида ёки озодликдан маҳрум қилиш муассасасида бўлгандан ишни судда кўриш тартиби . . . . .	128
3.2.26. Тараф судга келишга тўсқинлик қиласидиган касал бўлгандан ёки вафот этганда ишни судда кўриш тартиби . . . . .	129
3.2.27. Сиртдан иш юритиш тушунчаси ва тартиби . . . . .	130
3.2.28. Суд музокараси тушунчаси, музокара нутқи . . . . .	133
3.2.29. Прокурор фикри тушунчаси . . . . .	134
3.2.30. Ишни мазмунан кўришни тиклаш . . . . .	134
3.2.31. Суд маслаҳатлашувининг сир тутилиши тушунчаси ва талаблари . . . . .	135
<b>§ 3.3. СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ . . . . .</b>	<b>137</b>
3.3.1. Суднинг ҳал қилув қарори тушунчаси . . . . .	137
3.3.2. Кўшимча ҳал қилув қарори чиқариш ва ҳал қилув қарорини тушунтириш тартиби . . . . .	141
3.3.3. Ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши тушунчаси . . . . .	142
3.3.4. Ҳал қилув қарорининг ва ижро варақасининг тарафларга берилиши тартиби . . . . .	142



## IV БОБ. СУД ҚАРОРЛАРИНИНГ ИЖРОСИ

§ 4.1. ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИНИ ИЖРОГА ҚАРАТИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ . . . . .	147
§ 4.2. ДАРҲОЛ ИЖРО ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ БҮЛГАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ . . . . .	149
§ 4.3. ДАРҲОЛ ИЖРО ЭТИЛИШИ МУМКИН БҮЛМАГАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ . . . . .	151
§ 4.4. ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИНИНГ ҚАЙТАРМА ИЖРОСИ ТУШУНЧАСИ, АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ . . . . .	151

## V БОБ. СУД ҚАРОРЛАРИ УСТИДАН ШИКОЯТ БЕРИШ ВА УЛАРНИ КҮРИШ ТАРТИБИ

§ 5.1. СУД ҚАРОРЛАРИГА НИСБАТАН ШИКОЯТ БЕРИШНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ . . . . .	157
5.1.1. Суд қарорларига нисбатан шикоят бериш ҳуқуқи . . . . .	157
5.1.2. Суд қарорларига нисбатан протест келтириш ҳақида прокуратурага мурожаат қилиш ҳуқуқи . . . . .	158
5.1.3. Суд қарорларига нисбатан шикоят беришда түланадиган суд харажатлари . . . . .	160
5.1.4. Суд қарорларини бекор қилиш асослари . . . . .	160
§ 5.2. СУД ҚАРОРЛАРИНИНГ АПЕЛЛЯЦИЯ ВА КАССАЦИЯ ТАРТИБИДА КҮРИЛИШИ . . . . .	162
5.2.1. Суд қарорларига нисбатан апелляция шикояти келтириш тартиби ва муддатлари . . . . .	162
5.2.2. Апелляция шикояти келтириш учун ўтказиб юборилған муддатни тиклаш тартиби ва асослари . . . . .	163
5.2.3. Апелляция шикоятининг мазмунига қўйиладиган талаблар	163
5.2.4. Апелляция шикоятининг намунаси . . . . .	165
5.2.5. Апелляция шикоятига илова қилиниши лозим бўлган хужжатлар . . . . .	171
5.2.6. Апелляция шикоятидан воз кечиш тушунчаси, тартиби ва оқибатлари . . . . .	171
5.2.7. Ишни апелляция тартибида кўришда даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечиши, жавобгарнинг даъвогар талабларини тан олиши ва тарафларнинг келишув битими тушунчаси ва амалга ошириш тартиби . . . . .	172
5.2.8. Апелляция шикоятини судда кўриш тартиби ва муддатлари . . . . .	174



5.2.9. Апелляция шикояти юзасидан суд томонидан қарор қабул қилиш тартиби . . . . .	177
5.2.10. Апелляция инстанцияси қарорларининг қонуний кучга кириши ва ижрота қаратилиши тартиби . . . . .	178
5.2.11. Биринчи инстанция судининг ажримлари устидан апелляция тартибида шикоят бериш ҳамда уларни кўриш тартиби . . . . .	178
5.2.12. Суд қарорларига нисбатан кассация тартибида шикоят келтириш ва шикоятни судда кўриш тартиби. . . . .	179
<b>§ 5.3. НАЗОРАТ ТАРТИБИДА ПРОТЕСТ КЕЛТИРИШ ТЎҒРИСИДА АРИЗА ВА ПРОТЕСТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ . . . . .</b>	<b>181</b>
5.3.1. Суд қарорларига нисбатан назорат тартибида протест келтириш ҳақида ариза келтириш тартиби ва муддатлари . . . . .	181
5.3.2. Назорат тартибида протест келтириш ҳақидаги аризанинг мазмуни ҳамда илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар . . . . .	183
5.3.3. Назорат тартибида протест келтириш ҳақидаги аризани ўрганиб чиқиш тартиби. . . . .	184
5.3.4. Назорат тартибидаги шикоятни қаноатлантириш рад қилинганда шикоят қилиш тартиби . . . . .	185
5.3.5. Назорат тартибидаги шикоят қаноатлантирилганда ишни кўриш тартиби. . . . .	186
<b>§ 5.4. ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРГАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ, АЖРИМЛАР ВА ҚАРОРЛАРНИ ЯНГИ ОЧИЛГАН ҲОЛАТЛАР БЎЙИЧА ҚАЙТА КЎРИШ . . . . .</b>	<b>189</b>
5.4.1. Қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тушунчаси ва асослари . . . . .	189
5.4.2. Қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тартиби . . . . .	191
<b>ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ, ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ВИЛОЯТ СУДЛАРИ ҲАМДА ТУМАНЛАРАРО, ТУМАН (ШАҲАР) СУДЛАРИ БИЛАН БОҒЛАНИШГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР . . . . .</b>	<b>197</b>



## “Фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш” амалий қўлланмасига

### **ТАҚРИЗ**

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни 1-модда-сида Ўзбекистон Республикаси суд тизими таркибига кирувчи судлар келтирилган.

Ушбу моддага кўра Ўзбекистон Республикаси суд тизимига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ҳамда тегишли қути турувчи судлар киради.

Суд тизими таркибига кирувчи фуқаролик ишлари бўйича судлар фуқаролик-хукуқий муносабатлардан келиб чиқувчи турли низоларни, башарти бундай низоларни кўришнинг ўзгача тартиби қонун ҳужжатларида белгиланган бўлмаса, кўриб чиқадилар.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексида келтирилган бундай судловга тааллуқлилик қоидаси фуқаролик ишлари бўйича судларнинг фуқароларнинг хукуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда алоҳида ўрин эгаллашини билдиради.

Фуқаролик ишлари бўйича судлар ҳар қандай фуқаронинг кундалиқ ҳаётида вужудга келган низоларни кўради. Бундай низолар меҳнат, оила, никоҳ, мерос, шартномавий ва бошқа хил ҳукуқий муносабатлардан келиб чиқиши мумкин.

Ушбу судларга келиб тушадиган даъво аризалари, шикоятлар ва аризалар фуқаролик процессуал қонунчилиқда ўрнатилган тартибда кўриб чиқилади ва ҳал қилинади. Белгиланган процессуал хукуқ нормаларига кўра фуқаролик ишлари бўйича судларда ишларни кўриш ва ҳал қилув қарори қабул қилиш 3 та босқичдан иборат:

- аризани қабул қилиш ва фуқаролик иши қўзғатиш;
- фуқаролик ишини судда кўришга тайёрлаш;
- фуқаролик ишини суд мажлисида кўриш ва ҳал қилув қарори қабул қилиш.

Ҳар бир босқич муҳим процессуал аҳамиятидан ташқари, ўзининг алоҳида мақсад ва вазифаларига ҳам эгадир. Масалан, аризани қабул қилиш ва фуқаролик иши қўзғатиш босқичида судья аризанинг мазмуни ва аризага илова қилинган ҳужжатлар Фуқаролик процессуал кодекси 149-моддаси талабларига жавоб беришини, ариза судда кўришга тегишлилигини, аризачи мазкур низо бўйича олдин судга мурожаат қилган ёки қилмаганлигини ва бошқа ҳолатларни текширади. Фуқаролик ишини судда кўришга тайёрлаш босқичида судья низони ҳал қилиш учун



тадбиқ қилиши лозим бўлган қонун ҳужжатларини, тарафларнинг талаб ва эътиrozларини асословчи, шунингдек низони тўғри ҳал этиш учун аҳамиятта эта бўлган бошқа ҳолатларни, ишни ҳал этиш учун зарур бўлган далиллар доирасини аниқлаши, далилларнинг ўз вақтида суд мажлисига тақдим этилишини таъминлаши, шунингдек, ишда иштирок этиши мумкин бўлган шахслар таркиби масаласини ҳал этиши керак.

Хозирги кунда фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилиш тартибини соддалаштириш ҳамда кўрилаётган ишларнинг сифатини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур қўлланмада айнан фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилиш ва ушбу мурожаатни кўриб чиқишида фуқаролар қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эканликлари, нималарни билиши лозимлиги масаласи ёритилган. Жумладан, унда фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилишдан олдин ҳал қилиниши керак бўлган масалалар, судларга таллуқли ишлар доираси, судларга мурожаат қилиш тартиби, судга мурожаат қилиш бўйича расмий ҳужжатларнинг шакли ва мазмунига қўйиладиган талаблар, фуқаролик ишларини судда кўриш тартиби, суднинг қарорлари, ажримларининг шакли ва мазмуни, суд қарорларини қайта кўриш тартиби ва асослари содда, равон тилда берилган.

Қўлланмада ёритилган масалаларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб олиш учун турли хил схемалар, кўргазмали намойиш материаллари (иллюстрация) ҳам берилган.

Ушбу амалий қўлланмани нашр этиш ва уни кенг аҳоли оммаси учун танишиш имкониятининг яратилиши биринчидан, кишиларни ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, иккинчидан, одил судлов соҳасида фаолият юритаётган мутахассислар, профессионал судьялар, шунингдек судьяликка номзодлар томонидан ўз малакаларини ва ҳуқуқий билимларини ошириш учун муҳим аҳамият касб этади.

Хуроса қилиб айтганда, “Фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш тартиби” амалий қўлланмаси фуқаролар учун тушунарли тилда ёзилган, мавзулар кетма-кетлиги бузилмаган, қўлланма мазмунида хатоликларга йўл қўйилмаган, айни пайтда китобнинг тайёрланиши ва чоп этилиши суд-ҳуқуқ испоҳотлари шароитида ҳуқуқшунос кадрлар олдига қўйилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадига қаратилган бўлиб, мазкур амалий қўлланманинг чоп этилишини илмий жамоатчилик қўллаб-куватлайди.

**Тошкент давлат юридик университети  
Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси профессори,  
юридик фанлари доктори,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист**

**О.Оқюлов**



## Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир.

*И.Каримов*

### КИРИШ

Мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилаётган кенг қамровли испоҳотлар мажмуасида суд-ҳуқуқ испоҳотлари, хусусан, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтириш борасида амалга ошириб келинаётган ишлар алоҳида муҳим ўрин эгаллайди.

Зеро, жамиятнинг фаровонлиги ва демократиянинг устуворлиги аввало, жамиятда тартиб-қоиданинг ҳукмонлиги билан боғлиқ бўлиб, ушбу жараёнда нафақат жамиятда мавжуд қонунларнинг мукаммаллиги, уларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши ва назорати, шу билан бирга инсон ва фуқароларнинг мавжуд тартиб-қоидалар, қонунларни тан олиши, уларга онгли равишда риоя қилиши, бўйсуниши, ижроси жараёнида бевосита фаол иштирокчи бўлиши ҳам ҳал қилувчи муҳим омиллардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидағи “Мамлакатимизда демократик испоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” бўйича маъruzасида Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган испоҳотларга тўхталар экан, жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган испоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ эканligини, бу аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан хурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлашини алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти томонидан суд-ҳуқуқ соҳасидаги испоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланган аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг кўлами ва самарадорлиги кун сайин ортиб бормоқда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари, таълим муассасалари ва турли жамоат ташкилотларига қадар жамиятнинг деярли барча бўғинлари фаол иштирок этаётган ушбу жараёнда ҳуқуқни қўллаш амалиётини бевосита амалга оширувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг иштироки ва таъбир жоиз бўлса ташаббускорлиги табиий зарурат ҳисобланади.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан ишлаб чиқилган “Фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш тартиби” номли мазкур амалий қўлланмани ишлаб чиқишида, мақсад аҳолининг ҳукуқий саводхонлигини ошириш, фуқаролик-ҳукуқий муносабатлари жараёнида юзага келадиган низолар бўйича судга мурожаат қилиш ҳукуқларини амалга оширишларида кўмаклашишдан иборат. Қўлланмада маҳсус ҳукуқий билимга эга бўлмаган инсонларнинг фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилишлари учун зарурий бўлган маълумотлар, тушунтиришлар ва тавсиялар ёритилган.

Фуқаролар ушбу қўлланма орқали суд, унинг тизими ва турларига оид умумий тушунчалар, фуқаролик-ҳукуқий муносабатларига оид мурожаатларни кўриб чиқувчи фуқаролик ишлари бўйича судларнинг фаолияти, уларнинг тизими ва ваколатлари, фуқаролик тартибида иш юритишнинг тамойиллари ва тартиби, қандай ариза ва шикоятларнинг фуқаролик ишлари бўйича судларга тааллуқли эканлиги, мурожаатларни тақдим этиш тартиби, мурожаатлар билан бирга топширилиши лозим бўлган илова ҳужоатлар, низоларни судда кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари, ушбу жараён иштирокчиларининг ҳуққ ва мажбуриятлари, суд томонидан қабул қилинадиган қарорларни ижрога қаратиш, суд қарорларига нисбатан шикоят қилиш тартиби ҳақидаги зарурий маълумотларни оладилар.

Қонун талабларини амалиётда тадбиқ қилиш маҳсус ҳукуқий билим, кўнікма ва тажрибани талаб қиласди. Қўлингиздаги қўлланмани тайёрлашда асосий эътибор унинг содда ва равон тилда бўлишини таъминлашга, қонун талабларини кенг омма учун тушунарли тарзда шарҳлашга қаратилди.

Зеро, буюк юонон мутафаккири Цицерон айтганидек, қонунларни билиш унинг сўзларини ёдда тутишда эмас, унинг маъносини уқиш, англай олишда ифодаланади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. Каримов ҳукуқий маданият даражасига таъриф берар экан, унинг фақатгина қонунларни билиш, ҳукуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмаслигини, у қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсуниш маданияти, одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳукуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи, деб таъкидлаган эди.

Хурматли Китобхон! Қўлингиздаги қўлланма қонун тили билан ёзилган қоидаларнинг мазмунини тушуна олиш, улардан амалда ўз ҳукуқларингизни суд орқали ҳимоя қилишда фойдаланишингиз учун дастур вазифасини ўтайди, Сизга яқин ҳукуқий маслаҳатчи бўлади, деган умиддамиз.

Қўлланма кенг омма учун мўлжалланган.





**І БОБ.  
ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ  
БҮЙИЧА СУДЛАР**





## § 1.1. СУД ТИЗИМИ

### 1.1.1. Ўзбекистон Республикаси суд тизими

Ўзбекистон Республикасида судлар фаолият йўналишига кўра Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик судига бўлинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради. Яъни давлат ҳокимияти идораларининг барча бўғинлари томонидан қабул қилинаётган норматив-хукуқий ҳужжатларнинг мазмуни ва талабларининг Конституцияга мослигини назорат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. Яъни фуқаролик, меҳнат, уй-жой ва оила муносабатларига оид низоларга, жиноий ва маъмурий хукуқбузарликларга оид суд ишлари Олий суд ва унинг таркибига кирувчи қўйи судлар ваколатига тааллуклидир.

Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.



Суд – давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи бўлиб, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи



ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади.

### **1.1.2. Фуқаролик ишлари бўйича судлар тизими**

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонуни қабул қилиниши мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-хуқук соҳасидаги исплоҳотларнинг энг аҳамиятли босқичларидан бири бўлиб, ушбу янги таҳрирдаги қонун билан одил судлов самарадорлиги ва сифатини ошириш мақсадида умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича алоҳида судлар ташкил этилди.

Фуқаролик ишлари бўйича судлар ҳам ўз навбатида ишларни кўриш, суд қарорларининг қонуний ва асослиигини текшириш ваколатларига кўра тизимга ажратилган.

Фуқаролик ишлари бўйича судлар маъмурий-худудий тизимга кўра:

- туманлараро, туман (шаҳар) судлари;
- Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судлари;
- Ўзбекистон Республикаси Олий судидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги қонунининг 37-моддаси 1-қисмига кўра, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) суди қонун билан унинг ваколатлари доирасига берилган фуқаролик ишларини кўриб чиқади, шунингдек, суд буйруқлари чиқаради.

Мазкур қонуннинг 30-моддасига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судлари ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанция суди сифатида, апелляция, кассация тартибида ва назорат тартибида кўриб чиқади.

“Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, вилоят, туманлараро, туман, шаҳар судлари ва ҳарбий судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш хуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишларини барча босқичларда кўриб чиқиш ваколатига эга.



Шунингдек, юқоридаги қонунга кўра Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришлари судлар томонидан бажарилиши устидан назоратни амалга оширади, суд амалиёти ва суд статистикасининг тизимли таҳлилини амалга оширади ҳамда суд кадрлари малакаси оширилишини ташкил қиласди.



## I БОБ. ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БҮЙИЧА СУДЛАР

### ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИНГ СУДЛАР ТОМОНИДАН КЎРИЛИШИ



#### БИРИНЧИ ИСТАНЦИЯ СУДЛАРИ

Фуқаролик ишлари бўйича туманинадаро.  
туман (шахар) судлари



#### БИРИНЧИ ИСТАНЦИЯ СУДЛАРИ

Судлари таупулло фуқаролик ишлари туманинадаро,  
туман (шахар) судородида бўйича, Кончук бўйича  
ишларни бўйича бўйича судар язасига деялган  
харбар бўйича мустсано. (Зар.Ф.К.141-моддас)



#### БИРИНЧИ ИСТАНЦИЯ

Фуқаролик  
ишилдишини биринчи  
истанциядада  
булурни

#### БИРИНЧИ ИСТАНЦИЯ

Кончук бўйича вилоят (вилойта тегмаштирилган)  
судларниң судловка телими фуқаролик ишлари  
таридаги олинига ва вилоят (вилойта тегмаштирилган)  
судларниң ортукуга табуб милиян фуқаролик  
ишлари (Зар.Ф.К.142-моддас)

Кўйдаги сархижматларни услублантиришган  
шартномага противствар:

- туманинадаро, туман (шахар) судлариниң ҳал угув  
иҳкорлари, ахволлари;
- вилоят (вилойта тегмаштирилган) судларниң биринчи  
ишилдишини орфандада бўйича шиллар бўйича ҳал угув  
иҳкорлари, ахволлари.

Фуқаролик ишилдишини биринчи  
истанциядада  
булурни

Апелляция  
ишинчаликса  
ши бўйича

Кассация  
ишинчаликса  
ши бўйича

Народ  
тармоқбада иш  
бўйича

Вилоят  
(вилойта тегмаштирилган)  
судларниң раёсларидан

#### БИРИНЧИ ИСТАНЦИЯ / КАССАДАР

Туман (шахар) судороди тегмаштирилган  
фуқаролик ишилдишини тасмандан  
фуқаролик ишилдишини тегмаштирилган  
ишларни бўйича (Зар.Ф.К.142-моддас)

Кўйдаги сархижматларни услублантиришган  
шартномага противствар:

- туманинадаро, туман (шахар) судлариниң ҳал угув  
иҳкорлари, ахволлари;
- вилоят (вилойта тегмаштирилган) судларниң биринчи  
ишилдишини орфандада бўйича шиллар бўйича ҳал угув  
иҳкорлари, ахволлари.

Кўйдаги сархижматларни услублантиришган  
шартномага противствар:

- биринчи босини судларниң апелляция ёки кассация  
таридаги орниндан ҳал ҳал угув иҳкорлари, ахволлари;
- ишларни бўйича одарийнинг апелляция / кассация  
таридаги орниндан ҳал ҳал угув иҳкорлари, ахволлари.

Апелляция  
ишинчаликса  
ши бўйича

Кассация  
ишинчаликса  
ши бўйича


Народ  
тармоқбада иш  
бўйича

Вилоят  
(вилойта тегмаштирилган)  
судларниң раёсларидан

#### НАЗОРАТ ИСТАНЦИЯСИ

Кўйдаги суд хукумлари услублантиришган наорат  
таридаги противствар:

- биринчи босини судларниң апелляция ёки кассация  
таридаги орниндан ҳал ҳал угув иҳкорлари, ахволлари;
- ишларни бўйича одарийнинг апелляция / кассация  
таридаги орниндан ҳал ҳал угув иҳкорлари, ахволлари.







## II БОБ. СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ





## § 2.1. СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

### 2.1.1. Судга мурожаат қилиш ҳуқуқи

Судга мурожаат қилиш – суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш кафолатларидан биридир. Суд орқали ҳимоя қилиш давлат томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг асосий воситаларидан бири ҳисобланиб, одил судловни таъминлаш орқали амалга оширилади.

ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ ТАБИИЙ ҲУҚУҚЛАР ДАРАЖАСИГА КҮТАРИЛГАН БўЛИБ, “ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ”НИНГ 8-МОДДАСИГА КЎРА ҲАР БИР ИНСОН УНГА КОНСТИТУЦИЯ ЁКИ ҚОНУН ОРҚАЛИ БЕРИЛГАН АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ БУЗИЛГАН ҲОЛЛАРДА НУФУЗЛИ МИЛЛИЙ СУДЛАР ТОМОНИДАН БУ ҲУҚУҚЛАРНИНГ САМАРАЛАИ ТИКЛАНИШИ ҲУҚУҚИГА ЭГА.



#### АРИЗАЛАРНИ СУДГА ТОПШИРИШ ВА СУДДА КЎРИБ ЧИҚИШНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ

1-ҚАДАМ	2-ҚАДАМ	3-ҚАДАМ	4-ҚАДАМ	5-ҚАДАМ	6-ҚАДАМ
Аризани тайёрлаш	Аризани судга топшириш	Суд томонидан фуқаролик ишини кўзгатиш ёки аризани қабул қилишини рад қилиш	Суд томонидан аризани суд маҳлисида кўришга тайёрлаш	Суд томонидан аризани суд маҳлисида кўриш ва ҳал қилув қарорини эълон қилиш	Ҳал қилув қарорини ижро қилиш

Ўзбекистон Республикасида ҳам судга мурожаат қилиш ҳуқуқи фуқароларнинг энг асосий ва узвий ҳуқуқларидан бири сифатида эътироф этилган бўлиб, мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ, яъни 1991 йил 30 декабрда мамлакатимизнинг “ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ”га қўшилганлиги бунинг амалдаги тасдиғидир.

Асосий қомусимиз Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида судга мурожаат қилиш ҳуқуқининг мустаҳкамланганлиги фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг юксак кафолати бўлди. Конституциянинг 44-моддасига кўра, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг



ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Конституцияда белгиланган ҳар бир шахснинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқининг кафолати фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва суд ишларини юритиш борасида қабул қилинган маҳсус қонунларда ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддасига мувофиқ, ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ўз ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг судга мурожаатларини кўриб чиқиши тартибга солувчи процессуал қонунлар ҳам фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини энг асосий тамоилилардан бири сифатида белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексининг 1-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар бир шахсга ўз ҳуқук ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли.

Судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан  
воз кечиш ҳақиқий эмас.<sup>1</sup>

Судга мурожаат қилиш шахснинг ажралмас ҳуқуқи бўлиб, ҳеч ким бундай ҳуқуқдан маҳрум этилиши мумкин эмас. Шахснинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқининг ажралмаслиги шунда ифодаланади, ҳатто шахснинг ўзи ҳам бундай ҳуқуқдан воз кечиши мумкин эмас. Шахс муайян масала юзасидан судга мурожаат қилишни лозим топмаслиги ва судга мурожаат қилмаслиги мумкин, зеро, бу шахснинг мажбурияти эмас, ҳуқуқидир. Лекин судга мурожаат қилишни лозим топмаслик билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан воз кечиш фарқли тушунчалар ҳисобланади ва қонун судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан воз кечишни истисно этади.

1 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 1-моддасининг 3-қисми.



### 2.1.2. Судга мурожаат қилишдан олдин ҳал қилинадиган масалалар

Давлат органлари давлат томонидан уларга берилган вазифа ва функцияларнинг амалга оширилиш хусусиятига қараб бир-биридан фарқланади. Давлат органларида фуқаролар мурожаатларининг тегишлилик бўйича амалга оширилиши ушбу жараён самарадорлигининг дастлабки муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни 16-моддасининг биринчи қисмига кўра, мурожаатлар уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ўз ваколати доирасига кирадиган давлат органига бевосита ёхуд бўйсунув тартибида юқори турувчи органга берилади.

Суднинг ўзига хос хусусияти эса манфаатдор шахснинг бузилган ёки низолашилаётган хукуқи юзасидан ҳар қандай мурожаатини кўриб чиқишига ваколатли эканлигидир.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов фуқароларнинг манфаатлари ва хукуқларини суд орқали ҳимоя қилиш соҳасини мумкин қадар кенгайтириш масаласига тўхталар экан, "Фуқаро, агар унинг қонуний манфаатлари ва ҳақ-хукуклари поймол этилган



тақдирда, ҳар қандай масала бўйича ҳимоя учун судга мурожаат қилиш ҳукуқига эга бўлмоғи даркор!", деб таъкидлаган эди.<sup>2</sup>

Шу билан бирга, мурожаатларни судда кўришнинг асосий шартларидан бири низонинг ва бузилган ҳукуқнинг мавжудлиги ёки арз қилинган талабнинг аризачининг манфаатларига дахлдорлигидир. Шу сабабли шахс фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш вақтида дастлаб арз қилинаётган талаб бўйича низо ёки бузилган ҳукуқнинг мавжудлиги ёхуд арз қилинган талабнинг аризачи манфаатларига дахлдор эканлигини аниқлаши лозим.

Агарда мурожаат қилинган масала бўйича низо мавжуд бўлмаса, шахснинг ҳукуқлари бузилган бўлмаса ёки унинг манфаатларига дахлдор бўлмаса, ариза судга тааллуқли эмас ҳисобланади.

Айтайлик, шахс вафот этган бўлиб, унинг меросхўрлари меросни эгаллашга киришаётган бўлсалар, қонунга мувофиқ, ушбу жараён маъмурий тартибда амалга оширилади, нотариус томонидан меросга бўлган ҳуқук тўғрисида гувоҳнома берилади.

Меросхўрлар ўзаро келишувга эришмаган тақдирда, меросни тақсимлаш суд тартибда амалга оширилади. Ушбу тартиб умумий мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ муносабатларга, шу жумладан, эр-хотиннинг биргалиқдаги умумий мулкни тасарруф этишига ҳам тааллуқлидир.

Мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрнинг илтимосига кўра унга меросга бўлган ҳуқуки тўғрисида гувоҳнома бериши шарт.<sup>3</sup>

Судга қилинаётган мурожаатларнинг муайян қисми давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бўлиб, судга ушбу мазмунда шикоят қилишдан олдин ғайриқонуний хатти-ҳаракат ёки қарорга асос бўлган мурожаат фуқаро томонидан маъмурий тартибда амалга оширилган бўлиши лозим. Фуқаронинг ушбу мурожаати натижаси бўйича унинг ҳукуқларининг бузилиши судга шикоят қилиш учун асос бўлади. Масалан, шахсга тегишли тартибда ажратилган ер участкасида қурилган иморатга мулк ҳуқуқини белгилаш маҳаллий давлат ҳокимияти ваколатига тааллуқли бўлиб, иморатга мулк ҳуқуқини эътироф этиш ҳақидаги мурожаат рад этилганидан

2 - И.Каримов. "Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари".

3 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1146-моддасининг биринчи қисми.

кейин ушбу қарор устидан маъмурий тартибда ёки бевосита судга шикоят қилиниши мумкин.

Шахс фуқаролик ҳолати тўғрисидаги ёзувга тузатиш киритиш (масалан, исм ёки фамилиядаги нотўғриликларни тузатиш) ҳақидаги мурожаатига ФХДЁ органидан рад жавоби олганидан ёки умуман жавоб олмаганидан кейин у ушбу ҳаракат ёки ҳаракатсизлик устидан судга шикоят келтиришга ҳақли бўлади.

Фуқаронинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириш учун маъмурий тартибда тегишли идораларга мурожаат қилмасдан, тўғридан-тўғри судга мурожаати унинг ҳуқуқлари бузилиши юзага келганлигини инкор этади. Зеро, ушбу ҳолатда фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига дахлдор масала юзасидан ўз муносабатини ифодаловчи давлат органи ёки мансабдор шахснинг хатти-ҳаракати (қарорлари) мавжуд бўлмайди.

Шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш юзасидан маъмурий тартибда тегишлилик бўйича мурожаат қилиши, аввало, мурожаатнинг тез ва самарали ечимини таъминлаш билан бирга фуқаронинг ортиқча сарсонгарчилигининг олдини олади. Ушбу мурожаат шахс манфаатларига зид тарзда ҳал қилинган тақдирда, давлат органи ёки мансабдор шахснинг хатти-ҳаракати (қарорлари) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.

Алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган ишлар бўйича судга мурожаат қилишда аризачи суднинг ҳал қилув қарори билан белгиланадиган ҳолат унга қандай мақсадлар учун зарур эканлигини кўрсатиши лозим. Фуқаронинг мурожаатига асосан суднинг ҳал қилув қарори билан белгиланадиган ҳолат аризачига нисбатан муайян ҳуқуқий оқибатларни юзага келтириб чиқармаса (мерос ҳуқуқига киришиш, нафақа расмийлаштириш, меҳнат стажини белгилаш, мол-мulkни бошқариб туриш ва ҳ.к.), аризада сўралган ҳолат унинг манфаатларига дахлдор эмас, деб ҳисобланади ва тегишли ҳуқуқий баҳо берилади.

Қонун қариндошлик муносабатларини, бу муносабатлар бевосита юридик оқибатларни келтириб чиқаргандагина, яъни уларни тасдиқлаш аризачига меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома олиш учун, боқувчисини йўқотиш муносабати билан нафақа расмийлаштириш учун зарур бўлса ва бошқа ҳолларда белгилашга йўл қўяди.<sup>4</sup>

4 - Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми “Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” 1991 йил 20 декабрдаги 5-сонли қарори 7-бандининг 3-кисми



Судга ариза билан мурожаат қилишдан олдин бундай заруратнинг амалда мавжудлигини аниқлаш, аввало, фуқаронинг тегишлилик бўйича тўғри мурожаатини таъминлаб, ортиқча сарсонгарчиликнинг олдини олади, шахс манфаатига дахлдор масаланинг тез ва самарали ечилиши кафолати бўлади.

Ўз ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кўзлаб судга мурожаат этаётган шахс муайян бир фуқаролик иши юзасидан манфаатдор бўлиши, яъни ишга дахлдор тараф бўлиши лозим. Шахснинг ишга дахлдорлиги тушунчасини қўйидагича изоҳлаш мумкин: мулк ҳукуқини ҳимоя қилиш юзасидан мулқдор, битимларни низолашиб юзасидан ушбу битим иштирокчиси, зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар юзасидан зарар кўрган шахс, ходимнинг меҳнат ҳукуқларини ҳимоя қилиш юзасидан ходимнинг ўзи ёки ваколатлари давлат органлари ва ташкилотлар бевосита ёки ваколатли вакиллари орқали судга мурожаат қилиши мумкин.

Агарда судга қилинган мурожаат бўйича шахс (аризачи) дахлдор тараф бўлмаса, манфаатдор шахс номидан аризани иш юритиш ваколатига эга бўлмаган шахс берган бўлса, қонун қатор ҳукуқий оқибатларни назарда тутади:

- ариза кўрилмасдан қолдирилади;<sup>5</sup>
- аризани қабул қилиш рад этилади.<sup>6</sup>

Шу сабабли судга ариза билан мурожаат қилишдан олдин фуқаролар аризада кўрсатилган ҳукуқий муносабатга нисбатан ўзларининг бевосита ҳукуқий жиҳатдан дахлдорлигини аниқлашлари лозим.



### СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ

1-ҚАДАМ	2-ҚАДАМ	3-ҚАДАМ	4-ҚАДАМ	5-ҚАДАМ
Талабни аниқлаш	Ариза (даъво ариза, шикоят) ёзиш	Аризага илова қилинадиган хужматларни тайёрлаш ва аризага илова қилиш	Давлат боки микдорини аниқлаш ва давлат божини тўлаш	Аризани судга топшириш

5 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 97-моддасининг 2-банди.

6 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 152-моддаси биринчи қисмининг 7-банди.

### 2.1.3. Судга мурожаат қилишнинг мақсадга мувофиқ эканлиги

**Ҳар бир ишда асосий мақсадни аниқ кўра олиш – ортиқча уринишлардан воз кечишимконини беради.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий тамоилларидан бири Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлаш вазифаларининг давлат томонидан амалга оширилишидир. Мазкур жараёнда қонунийликни таъминлаш барча ҳуқуқий нормаларни бажариш, улар бузилган ҳолатларни аниқлаш, қонун бузилишининг олдини олиш, қонунни бузган кишиларга нисбатан тегишли жавобгарлик чораларини, яъни интизомий, маъмурий, фуқаролик ва жиноий жазони қўллаш тарзида амалга оширилади.

Қонунийликнинг бузилиши фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига таъсир кўрсатгандан, бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва тиклаш давлатнинг ваколатларига тааллуқли ҳисобланади. Фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини тиклаш ва ҳимоя қилиш юзасидан судга мурожаат қилишлари ушбу жараёнда самарали восита ҳисобланади.

Фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш эҳтиёжининг ортиб бориши жамиятда ҳуқуқий маданият юксалиб боришининг асосий белгиларидан бири бўлиб, фуқароларнинг қонунларга ҳурмат ва итоаткорлик руҳида тарбияланишида зарурӣ омил ҳисобланади. Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига эҳтиёж туғилганда турли восита ва кучларни инкор этган ҳолда судга мурожаат қилишлари қонуний йўл ҳисобланади.

Шу билан бирга ҳар доим ҳам судга мурожаат қилиш ҳуқуқини суюистеъмол қилмаслик, асоссиз талаблар билан судга мурожаат қилишдан воз кечиш лозим. Суд амалиётининг таҳлили фуқаролар мурожаатларининг барчаси ҳам асосли эмаслигини кўрсатади.

Судга қилинган мурожаатларнинг асослилиги кўп жиҳатдан фуқаронинг ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ ҳисобланади.

Судга асоссиз талаблар билан мурожаат қилиш ушбу талабларнинг рад қилинишига, мурожаатнинг қониқарсиз яқун топишига, фуқаронинг асоссиз талаб орқасидан вақти ва кучи сарф қилинишига, суд харажатлари кўринишида моддий зарар кўришига олиб келади.

Фуқаролик процессуал қонунчилигига ишни судда кўриш билан боғлиқ харажатлар назарда тутилган бўлиб, ушбу харажатлар тарафларнинг зиммасига юкланади. Айрим тоифадаги аризалар бўйича тарафлар суднинг ҳал қилув қарори билан белгиланадиган ҳолатни муқобил тарзда,



маъмурий тартибда белгилашлари мумкин бўлса-да, ўзаро келишувга эриша олмаганликлари ёки муросага бориш истагининг йўқлиги сабабли судга мурожаат қилишни лозим топишади. Лекин фуқароларнинг ушбу қарори ҳар доим ҳам тўғри бўлмайди. Масалан, эр-хотин биргаликдаги умумий мол-мулкни бўлиб, ундаги улушларни белгилашга қарор қилишган бўлиб, низоли мулкнинг қиймати 100 000 000 сўмни ташкил этади. Мазкур тоифадаги аризаларни судда кўриш учун ундириладиган давлат божининг қиймати эса низоли мулк баҳосининг 20 фоизини<sup>7</sup>, қайд этилган ҳолатда эса 20 000 000 сўмни ташкил этади.



### СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШНИНГ МАҶСАДГА МУВОФИҚЛИГИНИ ТЕКШИРИШ

- арз қилинаётган талаб бўйича шахснинг ҳақиқатдан ҳам ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганми, қонуний манфаатларига зарар етганми?
- арз қилинаётган талаб бўйича амалда низо мавжудми?
- ҳуқуқ бузилиши ҳолати юзасидан шахс ариза билан мурожаат қилишга ваколатлими?
- арз қилинаётган талаблар асослими?
- шахс арз қилаётган талабларни исботловчи далилларга эгами?
- арз қилинаётган талабни маъмурий тартибда ҳал қилиш мумкинми?
- низо юзасидан жавобгар билан музокара ўтказиш масаласи муҳокама қилинганми, арз талабларини ихтиёрий равища бажариш учун жавобгарга талабнома (муайян ҳолатлар бўйича) юборилганми?
- арз қилинаётган низо бўйича тарафлар келишувга эришишлари, муросага кела олишлари мумкинми?
- арз қилинаётган талаб бўйича даъво муддати ўтказиб юборилмаганми?
- арз қилинган талаб қаноатлантирилган тақдирда амалда ижро қилиш имконияти мавжудми?
- арз қилинаётган талабларнинг моҳияти фуқарога қанчалик даражада тушунарли?

Мол-мулкни бўлиб, улушларни белгилашнинг маъмурий тартиби ҳам мавжуд бўлиб, эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуки тўғрисида гувоҳнома уларнинг ёзма аризасига асосан нотариал

7 - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли “Давлат божи ставкалари ҳақида”ги қарори.

тартибда берилиши мумкин.<sup>8</sup> Бундай гувоҳномани берганлик учун давлат божи миқдори эса энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фойзини ташкил этади. Эр-хотиннинг мол-мулқдаги улушларини белгилаш ҳақидаги қарори қатъий бўлгани ҳолда, бундан воз кечмасдан туриб, ушбу жараённи расмийлаштиришда тарафларнинг муросага келишлари мазкур муносабатнинг судсиз, муқобил тарзда нотариал идора орқали ҳам қисқа муддатда, ҳам кам маблағ сарфлаган ҳолда ҳал қилинишига имкон беради.

Фуқаролик процессуал қонунчилигига мувофиқ, ишни кўриш натижасига кўра, ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан, гарчи бу тараф давлат даромадига тушадиган суд харажатларини тўлашдан озод этилган бўлса-да, иш бўйича қилинган ҳамма харажатларни ундириб беради.<sup>9</sup>

#### **2.1.4. Фуқаролар ва юридик шахслар манфаатида судга ариза билан мурожаат қилиш ваколатига эга бўлган идора ва ташкилотлар**

Давлат органлари ва ташкилотлар, шунингдек прокурорлар фуқароларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясида судга ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Давлат органлари ва ташкилотлар ҳар қандай ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли бўлган прокурордан фарқли равищда фақатгина қонун билан ўзларига берилган ваколат доирасига судга мурожаат қиладилар. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчиларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 24, 25-моддаларига кўра истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлардаги ҳокимият органлари, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги идоралари истеъмолчилар ҳукуқлари ҳимоясида судга мурожаат қилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари, улар фаолиятининг ҳукуқ ва кафолатлари” тўғрисидаги Қонунининг 11-моддасига кўра, касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг меҳнат ҳукуқлари ҳимоясида судга ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.


Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддасига кўра, фуқаролар йигини

8 - Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Йўриқноманинг 22-боби.

9 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 116-моддасининг 1-қисми.



оқсоқоли судга фуқарони спиртли ичимликларни, гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни сунистеъмол қилганлик учун муомала лаёқати чекланган ёки руҳий ҳолати бузилганлиги (руҳий касаллиги ёхуд ақлий заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақида ариза билан мурожаат қилишга ҳақли.



Фуқаро манфаатларида судга мурожаат қилишда кенг ваколатларга эга идоралардан бири васийлик ва ҳомийлик органлари бўлиб, улар судга: никоҳ ёшига етмаган шахс билан тузилган, шунингдек, никоҳ тузишга монелик қиласидан ҳолатлар мавжуд бўлганда тузилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида, ота-оналик ҳуқуқини чеклаш ва маҳрум қилиш ҳақида, ота ёки онадан вояга етмаган фарзанд манфаатларида алимент ундириш ҳақида, фарзандликка олишни бекор қилиш ҳақида ариза билан мурожаат қилишга ваколатлидирлар.

Ота-оналик ҳуқуқидан марҳум қилиш ҳақида судга ариза билан мурожаат қилишга, шунингдек, вояга етмаганлар иши бўйича комиссиялар, етим болалар ва ота-она қарамоғидан четда қолган болалар муассасалари, қонунда вояга етмаган болалар ҳимоясини амалга оширувчи бошқа муассасалар ваколатлидирлар.

Юқорида қайд этилганидек, прокурор шахс манфаатларида ҳар қандай ариза билан судга мурожаат қилишга ваколатли бўлиб, агар даъвогар рози бўлмаса, прокурор ўзи арз қилган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларининг миқдорини кўпайтириш ёхуд камайтиришга ҳақли эмас.



**ПРОКУРАТУРА ВА АДЛИЯ ОРГАНЛАРИГА БУЗИЛГАН  
ХҮҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУН БИЛАН ҚЎРИҚЛАНАДИГАН МАНФААТЛАРИНИ  
ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ СЎРАБ МУРОЖААТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

Прокуратура ёки адлия органига мурожаатни тузиш

Мурожаатни юбориш

Мурожаатни кўриб чиқиш муддати 15 кун

Тегишли органдан манфаатини кўзлаб судга мурожаат қилиши рад қилиш ҳақида хат

Судга мурожаат қилишини рад қилиш устидан ююри турувчи органа шикоят қилиш

Тегишли органдан манфаатини кўзлаб судга мурожаат қилинганлик ҳақида хат

Прокурорнинг бошқа шахснинг ҳуқуқини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун берган ўз аризасидан воз кечиши, бу шахсни суддан Фуқаролик процессуал кодексининг 104-моддаси қоидаларига риоя этган ҳолда ишни мазмунан кўриб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.<sup>10</sup>

### **2.1.5. Муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахслар тушунчаси, уларнинг манфаатида судга мурожаат қилиш тартиби**

Фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати (муомала лаёқати) у вояга етгач, яъни ўн саккиз ёшга тўлғач тўла ҳажмда вужудга келади.<sup>11</sup>

Фуқаронинг муомалага лаёқатлизлиги эса унинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқатига эга эмаслигини англатади.

Руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқарони суд қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топиши мумкин ва бундай фуқарога васийлик белгиланади.

10 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 47-моддаси.

11 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 22-моддаси.



Муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро номидан битимларни унинг васийи амалга оширади.<sup>12</sup>

Фуқаро муомала лаёқатининг чекланганилиги деганда унинг спиртли ичимликларни ёки гиёхвандлик воситаларини суистеъмол қилиши натижасида ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўйиши оқибатида унга ҳомийлик тайинланиши, майда маиший битимлардан бошқа битимларни ҳомийнинг розилиги билангина тузиши мумкинлиги англашилади.

Қонунга мувофиқ муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатлари судда уларнинг ҳомийлари томонидан ҳимоя қилинади.

Қонун фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш оқибатида бундай фуқарога васийлик белгилашни назарда тутган бўлиб, бундай шахснинг ҳуқуқ ва манфаатлари судда унинг васийи томонидан ҳимоя қилинади.

## § 2.2. ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛАРНИНГ СУДЛОВИГА ТААЛЛУҚЛИ ИШЛАР

### 2.2.1. Фуқаролик ишлари бўйича судларнинг судловига тааллуқли ишлар

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ, ҳуқуққа оид ишлар ва ҳуқуққа оид низоларни ҳал қилиш турли идораларнинг ваколатларига киради. Мазкур идоралар биринчи навбатда суд ҳокимиютини амалга оширувчи давлат органлари: умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судлари, қонунда назарда тутилган айрим ҳолатларда ижро ҳокимиюти идораларидир.<sup>13</sup>

Фуқаронинг ҳуқуққа оид иш ёки низо бўйича мурожаатининг фуқаролик судларига тааллуқли бўлишининг энг асосий шарти ҳуқуқий муносабат тарафларининг ҳеч бўлмаганда биттасининг фуқаро эканлигидир (қонунда бундай низоларни ҳал қилиш хўжалик суди ёки бошқа органларга топширилган ҳоллар бундан мустасно).

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 279-моддасида белгиланган алоҳида иш юритиш тартибида

12 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 30-моддаси.

13 - Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига шархлар.

кўриладиган ишлар, шунингдек, қонун билан ваколатига берилган бошқа ишлар фуқаролик ишлари бўйича судларга тааллуқлидири.

Қонунда фуқаролик ишлари бўйича судларга тааллуқли мурожаатлар тоифаларининг қатъий доираси белгиланмаган ва чегараланмаган бўлиб, фуқаро бузилган ёки низолашлаётган ҳуқуқи, манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масала билан судга мурожаат қилиши мумкин (қонунда назарда тутилган айрим чеклашларни инобатга олган ҳолда).

Фуқаролик процессуал қонунчилиги фуқаролик суд ишларини юритишнинг буйруқ тартибидаги ишлар, даъво тартибидаги ишлар, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоятлар бўйича ишлар, алоҳида тартибда кўриладиган ишлар кўринишидаги турларини назарда тутади.

Фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли асосий талаблар қўйидагилардан иборат:

#### **Даъво тартибida кўриладиган талаблар —**

a) битимларга оид низолар, шу жумладан:

- битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида;
- битимларни ҳақиқий деб топиш ҳақида;

b) мулк ҳуқуқига оид низолар, шу жумладан:

- ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи билан боғлиқ низолар;
- мол-мулкка эгалик ҳуқуқини белгилашга оид низолар;
- умумий мол-мулкка эгалик қилиш ва тасаррuf этиш билан боғлиқ низолар;
- умумий мулкни тақсимлаш ва ундан улуш ажратиш ҳақидаги низолар;
- мол-мулкни ҳимоя қилиш билан боғлиқ низолар;

b) мажбуриятларни бузишдан келиб чиқадиган низолар, шу жумладан:

- неустойка ёки зарар ундириш ҳақида;
- гаров муносабатларига оид, хусусан, ундирувни гаровга кўйилган мол-мулкка қаратиш ҳақида;
- кафиллик шартномасидан келиб чиқадиган низолар бўйича даъволар;
- кафолатдан келиб чиқадиган низолар;
- закалат билан таъминланган мажбуриятни бажармаслик оқибатида келиб чиқадиган низолар;



– шартномаларни бекор қилиш ёки ўзгартиришга оид низолар (уларни бекор қилиш, ўзгартириш ёки ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида);

– зарарни ундириш, хусусан, моддий ва маънавий зарар ундириш ҳақидаги даъволар;

г) интеллектуал мулк ҳуқуқига, шу жумладан:

– муаллифлик ҳуқуқига оид низолар;

– саноат мулкига бўлган ҳуқуққа оид низолар;

– ўсимликларнинг янги навлари ва ҳайвонларнинг янги зотларига бўлган ҳуқуққа оид низолар;

д) ворислик ҳуқуқига оид низолар, шу жумладан:

– нолойиқ ворисларни меросдан четлатиш ҳақидаги низолар;

– васиятномани ҳақиқий эмас деб топишга оид низолар;

– меросни тақсимлашга оид низолар;

– меросдан мажбурий улуш олишга оид низолар;

– мерос таркибига кирадиган мол-мулкни олишда имтиёзли ҳуқуққа оид низолар;

– мерос гувоҳномасини ҳақиқий эмас деб (қисман) топишга оид низолар;

е) уй-жой муносабатларига оид низолар, шу жумладан:

– уй-жойдан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳақидаги низолар;

– уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини белгилаш ва фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги низолар;

– уй-жойдан кўчириш ҳақидаги низолар (бошқа тураг-жой берган ёки бермаган ҳолда;

– хизмат уй-жойларидан кўчириш ҳақидаги низолар (бошқа тураг-жой берган ёки бермаган ҳолда);

– тураг жой аренда шартномаси билан боғлиқ низолар;

– тураг жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулқдорларининг кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка бўлган ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ низолар;

ж) меҳнат муносабатларига оид низолар, шу жумладан:

– ишга тиклаш тўғрисидаги низолар;

– меҳнат шартномасини бекор қилиш вақти ва асослари таърифини ўзгартириш тўғрисидаги низолар;

– иш ҳақи ундириш ҳақидаги низолар;

– мажбурий прогул ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақт учун ҳақ тўлашга доир низолар;

– меҳнат вазифаларини бажариши муносабати билан ходимнинг соғлиғига шикаст етказилгани оқибатидаги зарарни (шу жумладан

маънавий зарарни) ёки унинг мол-мулкига етказилган зарарни ундириш ҳақидаги низолар;

- ишга қабул қилишни ғайриқонуний равишда рад этганик бўйича низолар;

- давлат ижтимоий суғуртаси ҳамда пенсия таъминоти билан боғлиқ низолар;

**3) оила муносабатларига оид низолар, шу жумладан:**

- никоҳ шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги низолар;

- никоҳдан ажратиш ҳақидаги низолар;

- никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги низолар;

- ота-она ва бошқа қариндошларнинг бола билан кўришиш ҳуқуқига оид низолар;

- ота-оналик ҳуқуқини ҳимоя қилишга оид низолар;

- ота-оналик ҳуқуқини чеклаш ёки маҳрум қилишга оид низолар;

- ота-оналик ҳуқуқини тиклаш ҳақидаги низолар;

- ота-оналик ҳуқуқи чекланишини бекор қилиш ҳақидаги низолар;

- ота-онанинг вояга етмаган болаларига таъминот берishi ҳақидаги низолар;

- эр-хотиннинг ва собиқ эр-хотиннинг алимент мажбуриятлари билан боғлиқ низолар;

- қариндошлар ва бошқа шахсларнинг алимент мажбуриятлари билан боғлиқ низолар;

- фарзандликка олишни бекор қилиш билан боғлиқ низолар.

**Шикоят тартибида иш юритиш бўйича талаблар –**

- давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари)ни ғайриқонуний деб топиш ҳақида;

- давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек, мансабдор шахсларнинг зиммасига муайян мажбуриятларни юклаш ҳақида;

- нотариал ҳаракат нотўғри бажарилганлиги ёки уни бажариш рад этилганлиги ҳақидаги шикоятлар;

- фуқаролик ҳолати актларини қайд этишдаги нотўғриликлар устидан шикоятлар.

**Алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган талаблар –**

**и) юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш тўғрисидаги аризалар, шу жумладан:**

- қариндошлик фактини белгилаш ҳақида ариза;

- қарамоғида эканлиги фактини белгилаш ҳақида ариза;



– оталикни тан олиш (белгилаш) фактини, боланинг у ёки бу онадан туғилганлиги фактини, шунингдек, туғилган вақтини белгилаш ҳақида ариза;

– болаликка олиш, никоҳ, ажралиш ва ўлимнинг қайд этилганлик фактини белгилаш ҳақида ариза;

– хужжатларнинг тегишлилиги фактини белгилаш ҳақида ариза;

– баҳтсиз ҳодиса фактини белгилаш ҳақида ариза;

– иморатга хусусий мулк ҳуқуқи асосида эгалик қилиш фактини белгилаш ҳақида ариза;

– меросни қабул қилиш ва мероснинг очилиш жойи фактини белгилаш ҳақида ариза;

– меҳнат фаолияти даврлари фактини белгилаш ҳақида ариза;

к) болани фарзандликка олиш тұғрисида ариза;

– фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ва фуқарони ўлган деб эълон қилиш тұғрисидаги ариза;

– фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тұғрисидаги ариза;

– шахсни ғайриихтиёрй тартибда психиатрия стационарига ётқизиш ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш тұғрисида ариза;

– шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайриихтиёрй тартибда ётқизиш тұғрисида ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш тұғрисида ариза;

– мол-мulkни (ашёни) эгасиз деб топиш тұғрисида ариза;

– тақдим этувчига деб берилган хужжатлар йўқолган тақдирда, улар бўйича ҳуқуқларни тиклаш тұғрисида ариза.

### **Буйруқ тартибида иш юритишдаги талаблар –**

– нотариал тасдиқланган битимга асосланган низосиз талаблар бўйича аризалар;

– ёзма битимга асосланган ва қарздор томонидан тан олинган, шу жумладан, коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни ундириш ҳақидаги талаблар бўйича аризалар;

– вояга етмаган болалар учун алиментлар ундириш ҳақидаги, оталикни белгилаш билан ёки учинчи шахсларни жалб этиш зарурати билан боғлиқ бўлмаган талаблар бўйича аризалар;

– ҳисобланган, лекин ходимга тўланмаган иш ҳақини ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш ҳақидаги талаблар бўйича аризалар;

– фуқаролардан солиқлар ва бошқа мажбурий түловлар бўйича қарзларни ундириш ҳақидаги талаблар бўйича аризалар.

Фуқаролик ишлари бўйича судларга тааллуқли талабларнинг юқорида келтирилган рўйхати қатъий бўлмасдан, суд амалиётида энг кўп учрайдиган талаблар келтирилган. Аризачилар манфаатларига тааллуқли қонунда кўрсатилган бошқа ҳар қандай талаб билан ҳам судга мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

## **2.2.2. Ариза топшириладиган судни аниқлаш масаласи. Судловга тааллуқлилик**

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал қонунчилигига мувофиқ, судловга тааллуқлилик аризаларнинг тегишшлилиги бўйича умумий юрисдикция судларидағи тақсимотидир.

Судловга тааллуқлилик талабларининг бузилиши фуқаролик процессуал қонунчилигига муайян оқибатларни назарда тутади. Хусусан, Фуқаролик процессуал кодексининг 152-моддаси 1-қисми 5-бандига кўра, иш шу суднинг судловига тааллуқли бўлмаса, суд аризани қабул қилишни рад этади.

Фуқароларнинг аризаларни судга топширишда судловга тааллуқлилик қоидаларига риоя қилишлари ортиқча вақт йўқотиш ва сансалорлик ҳолатларининг олдини олади, мурожаатнинг ўз вақтида ва самарали ҳал этилишини таъминлашда аҳамиятли омил ҳисобланади.

Фуқаролик процессуал қонунчилиқда белгиланган умумий қоидаларга кўра, **аризалар жавобгар доимий яшаб турган ёки доимий машғул бўлган жойдаги судга берилади**.

Ташкилотларга нисбатан ариза уларнинг органлари жойлашган худуддаги судга берилади.<sup>14</sup>

Ушбу қоидага мувофиқ, судловга ҳудудийлик бўйича тааллуқлилик жавобгарнинг яшаш жойи билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 21-моддасига кўра, фуқаронинг доимий ёки асосан яшаб турган жойи унинг яшаш жойи ҳисобланади.

**Вояга етмаган, ўн тўрт ёшга тўлмаган шахсга ёки ҳомийлик остидаги шахсга нисбатан даъво берилганда, яшаш жойи деб уларнинг қонуний вакиллари – ота-онаси, фарзандликка олувчилар ва ҳомийлар яшаш жойи ҳисобланади.**

14 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 145-моддаси.



**Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг жазоларни ўташ жойи яшаш жойи ҳисобланмайди ҳамда бундай шахсларга нисбатан даъволар уларнинг охирги яшаш жойи бўйича тақдим этилади.**<sup>15</sup>

**Ташкилотлар жойлашган жой деб** улар давлат рўйхатига олинган худуд ҳисобланади. Ташкилотлар жойлашган жой бўйича арз қилинганинг имкони бўлмаса, ташкилотнинг асосий мулки жойлашган жойи бўйича судга мурожаат қилинади.

**Жавобгарнинг яшаш жойини кўрсатиш даъвогарнинг мажбурияти бўлиб, бунга риоя қилмаслик даъво аризасининг харакатсиз қолдирилишига асос бўлади.**

Шу билан бирга судловга тааллуқлиликнинг алоҳида қоидалари ҳам мавжуддир.

**Даъво ишларини юритишда қонун даъвогарнинг танлаши бўйича судловга тааллуқлиликка йўл қўяди.**

Бунга кўра, яшаш жойи номаълум бўлган жавобгарга нисбатан даъволар унинг мол-мулки турган жойда ёки унинг сўнгги яшаган жойида тақдим этилиши мумкин.

**Ўзбекистон Республикасида яшаш жойига эга бўлмаган жавобгарга нисбатан** даъволар Ўзбекистон Республикасида унинг мол-мулки турган жойда ёки маълум бўлган сўнгги яшаш жойида тақдим этилиши мумкин.

Даъвогар алимент ундириш тўғрисидаги, оталикни белгилаш ҳақидаги ва майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлик ёхуд боқувчининг ўлими натижасида кўрилган зарар ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволарни ўзи яшаб турган жойда ҳам тақдим этилиши мумкин.

Ижро қилиш жойи кўрсатилган шартномалардан келиб чиқадиган даъволар шартномани ижро қилиш жойида ҳам тақдим этилиши мумкин.

Фуқаронинг ёки юридик шахснинг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар зарар етказилган жойда ҳам тақдим этилиши мумкин.

Юридик шахснинг филиали фаолиятидан келиб чиқадиган даъволар филиал жойлашган манзилда ҳам тақдим этилиши мумкин.

Турли жойларда яшовчи ёки турувчи бир неча жавобгарга нисбатан ёки юридик шахс бўлиб, турли манзилда жойлашган жавобгарларга нисбатан

15 - Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни кўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 7-бандининг 1-хатбошиси.

талаф даъвогарнинг танлаши бўйича жавобгарлардан бири яшайдиган ёки турган жойда тақдим этилади.

Ғайриқонуний ҳукм қилиш, ғайриқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида ғайриқонуний қамоққа олиш ёхуд маъмурий қамоққа олиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги маъмурий жазони ғайриқонуний қўллаш натижасида фуқарога етказилган зарар ўрнини қоплаш билан боғлиқ бўлган меҳнат, пенсия ва уй-жойга доир ҳукуқларни тиклаш, мол-мулкни ёки унинг қийматини қайтариб бериш тўғрисидаги даъволар даъвогарнинг яшаш жойида ҳам тақдим этилиши мумкин.

Агар даъвогарнинг вояга етмаган болалари борлиги, шунингдек, ногиронлиги ёки оғир касаллиги туфайли у жавобгар яшаб турган жойдаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шахар) судига боришга қийналса, никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъволар даъвогарнинг яшайдиган жойида тақдим этилиши мумкин.

Бедарак йўқолган деб ёхуд руҳий ҳолатининг бузилганлиги (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар, шунингдек, уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар билан никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъволар, даъвогарнинг хоҳишига қараб, унинг яшаш жойида кўрилиши мумкин.<sup>16</sup>

Қонун шунингдек ишларни кўриб чиқишини ҳамда суд қарорларининг амалда ижросини осонлаштириш мақсадида судловга тааллуқлиликнинг алоҳида ҳолларини белгилайди.

Иморатга бўлган ҳукуқ, мол-мулкни хатлашдан чиқариш ҳақидаги, ер майдонидан фойдаланиш тартибини белгилаш тўғрисидаги даъволар иморат, мол-мулк ёки ер майдони жойлашган худуддаги суднинг судловига тааллуқлидир.

Мерос қолдирувчининг кредиторлари мерос ворислар томонидан қабул қилингунинг қадар тақдим этган даъволар мерос мол-мулк ёки унинг асосий қисми жойлашган худуддаги суднинг судловига тегишлидир.

Йўловчи, багаж ёки юқ ташиш шартномаларидан юқ ташувчиларга нисбатан келиб чиқадиган даъволар белгиланган тартибда талаб кўйилган транспорт ташкилотининг органи жойлашган худудда тақдим этилади.<sup>17</sup>

Қонун тарафлар ўзаро келишиб, муайян иш учун худудий судловга тааллуқлиликни ўзгартиришлари мумкинлигини белгилайди.

16 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 145-моддаси.

17 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 242-моддаси.



Бунда Фуқаролик процессуал кодексининг 242-моддасида белгиланган судловга тааллуқлиликнинг алоҳида ҳоллари тарафларнинг келишуви билан ўзгартирилиши истисно этилади.

Қоида тариқасида тарафлар шартнома тузишда ушбу шартнома бўйича низо келиб чиқсан тақдирда судловга тааллуқлилик бўйича келишувни белгилайдилар. Келишилган судловга тааллуқлилик бошқа шахсларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига зиён етказса, суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин, бунда судловга тааллуқлиликнинг умумий қоидалари қўпланилади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 214-моддасига мувофиқ, қарши даъво ўзининг судловга тааллуқлилигидан қатъи назар, дастлабки даъво кўриладиган жойдаги судда тақдим этилади.

Мазкур кодекснинг 245-моддасига мувофиқ, жиноят ишидан келиб чиқадиган фуқаролик даъвоси, агар жиноят иши кўрилаётганда арз қилинмаган ёки ҳал этилмаган бўлса, фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида кўриш учун фуқаролик ишларининг судловга тааллуқлилигига доир умумий қоидаларга биноан тақдим этилади.

**Шикоят тартибида иш юритишда судловга тааллуқлилик қоидаларига кўра, шикоят фуқаронинг хоҳишига кўра ўзи яшаб турган жойдаги судга ёки давлат органи ва бошқа орган ёхуд мансабдор шахснинг иш жойи жойлашган ҳудуддаги судга берилади.<sup>18</sup>**

*Шунингдек процессуал қонунчилликка мувофиқ:*

- **юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш тўғрисидаги ишлар бўйича аризалар аризачи яшаб турган жойдаги судга** (Фуқаролик процессуал кодексининг 284-моддаси);

- **фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза болани фарзандликка олишни истаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судига;**

- Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болани фарзандликка олишни истаган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар фарзандликка олиш тўғрисидаги аризани фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги тегишинча Қорақалпогистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судига, фуқаролик ишлари бўйича вилоят ёки Тошкент шаҳар судига (Фуқаролик процессуал кодексининг 285<sup>1</sup>-моддаси);

18 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 267-моддаси.

- фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ёки фуқарони ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги ариза уни берувчи шахснинг яшаш жойидаги судга (Фуқаролик процессуал кодексининг 286-моддаси);
- фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ариза мазкур фуқаро яшаб турган жойдаги, агар бу шахс даволаш муассасасига жойлаштирилган бўлса, мазкур муассаса жойлашган ҳудуддаги судга (Фуқаролик процессуал кодексининг 291-моддаси);
- шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза психиатрия муассасаси жойлашган ердаги судга (Фуқаролик процессуал кодексининг 297<sup>4</sup>-моддаси);
- сил касаллигининг юқумли шаклига чалинган шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш ҳақидаги ариза мазкур шахс диспансер ҳисобида турган ёхуд даволанаётган сил касаллигига қарши кураш муассасаси жойлашган ердаги ёки унинг яшаш (турган) жойидаги судга (Фуқаролик процессуал кодексининг 297<sup>4</sup>-моддаси);
- мол-мulkни (ашёни) эгасиз деб топиш ҳақидаги ариза молия органи ёки бошқа ваколатли орган томонидан мол-мулк (ашё) турган жойдаги судга (Фуқаролик процессуал кодексининг 298-моддаси);
- тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқолган тақдирда улар бўйича ҳуқуқларни тиклаш ҳақидаги ариза тақдим этувчига деб ҳужжат берган муассаса жойлашган ҳудуддаги судга берилади (Фуқаролик процессуал кодексининг 301-моддаси).

## § 2.3. СУДГА ТОПШИРИЛАДИГАН АРИЗАНИ ТАЙЁРЛАШ

### 2.3.1. Арз қилинадиган талаб турини аниқлаш

Судга мурожаат қилишда арз қилинадиган талаб турини аниқлаш мухим аҳамият касб этади. Зоро, аризаларни уларнинг тоифасидан келиб чиққан ҳолда судда кўришнинг ўзига хос хусусиятлари ва талаблари процессуал қонунчиликда берилган бўлиб, уларга риоя қилиш мақсадга мувофиқдир, чунки талабнинг тез ва самарали ҳал этилишига аввало талаб тури тўғри



танланганлиги мұхим омилдир. Процессуал қонунчилік талабларига күра, шахс томонидан судга мурожаат қилишда арз қилингандың талаб турининг нотұғри танланганлиги талабнинг асоссиз эканнегін англатмайды ҳамда ушбу мурожаат (ариза)ны қабул қилиш рад қилингандықтап ариза күрмасдан қолдирилған тақдирда ҳам шахснинг тақроран судга мурожаат қилишини истисно этмайды.

Шунингдек, шахс томонидан арз қилингандың талаб турининг тұғри танланиши давлат божи тұловини тұғри белгилашда, аризанинг тұғри тузилишида ҳам ахамиятлайды. Зеро, даъво тартибидаги ишлар бүйічада судга мурожаат қилувчи шахс “даъвогар”, деб аталса, фуқаролик суд ишларини юритишнинг қолған турларыда “аризачи” деб юритилади.

Фуқаролик процессуал қонунчилігінде күра, бир аризада үзаро боғлиқ бүлгандың бир неча талаблар құрсатылған мүмкін.

Аризада бир неча талабларнинг бирлаштырылғанда учун қуйидаги асосларнинг мавжуд бўлиши талаб қилинади:

- талаблар бир хил моддий-хукуқ муносабатларидан келиб чиқиши лозим;

- талаблар үзаро боғлиқ бўлиши лозим.

Үзаро боғлиқ бүлгандың бир неча талаб даъвогар томонидан ариза тақдим этишда келтирилған лозим. Масалан, мол-мулкни бўлиш, улушларни белгилаш ҳамда улушни пул кўринишида ажратиш, ёки уйга киритиш ва фойдаланиш хукуқини белгилаш каби.

Фуқаролик процессуал кодексининг 157-моддасига күра, агар аризани қабул қилаётгандың судья талабларни алоҳида кўришни мақсадда мувофиқ деб топса, бирлаштырған талаблардан бирини ёки бир нечасини алоҳида иш юритиш учун ажратишга ҳақли.

Бир неча даъвогар томонидан ёки бир неча жавобгарга нисбатан талаблар тақдим этилса, аризани қабул қилаётгандың судья, агар талабларни алоҳида кўриб чиқиши мақсадда мувофиқ деб топса, улардан бирини ёки бир нечасини алоҳида иш юритиш учун ажратишга ҳақли.

### **2.3.2. Аризани ёзиш тартиби, унинг мазмунига қўйиладиган талаблар**

Фуқаролик процессуал қонун талабларига күра судда фуқаролик ишлари ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда ариза бериш йўли билан қўзғатилади.

Судга ариза топширишда Фуқаролик процессуал кодексининг 149-моддасида белгиланган аризанинг мазмунига қўйилган талабларга риоя қилиниши лозим.

Судга топширилаётган ариза даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Агар ариза вакил томонидан берилган бўлса, аризага ишончнома ёки унинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат илова қилиниши лозим.

#### **ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИНИНГ 149-МОДДАСИГА КЎРА АРИЗАДА ҚЎЙИДАГИЛАР КЎРСАТИЛИШИ ЛОЗИМ:**

- 1) ариза берилаётган суднинг номи;
- 2) даъвогарнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ва яшаш жойи, агар даъвогар ташкилот бўлса, унинг номи ва қаерда жойлашганлиги, шунингдек, агар ариза вакил томонидан берилаётган бўлса, вакилнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ва манзили;
- 3) жавобгарнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), яшаш жойи ёки агар жавобгар ташкилот бўлса, унинг номи ва қаерда жойлашганлиги;
- 4) даъвогарнинг талаби;
- 5) агар даъвони баҳолаш лозим бўлса, унинг баҳоси;
- 6) даъвогар ўзининг талабларига асос қилиб кўрсататайтган ҳолатлар ва бу ҳолатларни тасдиқлайдиган далиллар;
- 7) аризага илова қилинган ҳужжатларнинг рўйхати.

Бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ёки айрим фуқаролар томонидан бериладиган аризаларда, шу моддада санаб ўтилган маълумотлардан ташқари, ариза кимнинг манфаатини кўзлаб берилган бўлса, ўша шахснинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ва манзили кўрсатилиши лозим.

Фуқаролик процессуал қонунчилигининг асосий тамойилларидан бири бу ишни кўришнинг бевоситалиги, яъни суд мажлисини бевосита тарафлар иштироқида кўришдир. Процессуал қонунчилик талаблари ишни тарафларни суд мажлисининг жойи ва вақти ҳақида хабардор қилган ҳолда кўриш лозимлигини назарда тутади. Шу сабабли, суд тарафлар билан боғланиш имконига эга бўлиши мумкин бўлган барча зарурий маълумотлар, хусусан, аризачининг, агарда аризачи бундай маълумотга эга бўлса қолган тарафларнинг ҳам телефон рақамлари, мавжуд бўлса электрон манзиллари (e-mail) аризада кўрсатилиши мақсадга мувофиқdir.



Судга арз қилинадиган талабнинг туридан келиб чиққан ҳолда процессуал қонунчиликда аризаларда қўшимча равишда кўрсатилиши лозим бўлган ҳолатлар белгиланган бўлиб, қўлланмадаги мавзуларда бу борада қўшимча тушуниришлар келтирилган.

### **2.3.3. Даъво аризаси тушунчаси, даъво тартибида иш юритиш**

Даъво аризаси фуқаролик ишлари бўйича манфаатдор шахснинг иш қўзғатиш ҳақидаги аризаси бўлиб, суд томонидан даъво тартибида иш юритиш учун асос ҳисобланади.

“Даъво” асли арабча сўз бўлиб, ўз ҳақ-хуқуқларини ҳимоя этиш ҳақида суд орқали ёки бошқа йўллар билан қўйилган талабдир.<sup>19</sup> Юридик адабиётларда даъво тушунчасига қўйидагича таъриф берилган: даъво – бу низоли хуқукий муносабатда иштирок этувчи тарафлар ўртасидаги хуқуқ тўғрисидаги низони процессуал тартибда кўриб, ҳал қилиб бериш тўғрисидаги судга қилинган талабдир.<sup>20</sup>

Даъво тартибидаги ишларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, тарафлар ўзаро тенг бўлган фуқаролик, меҳнат, оила, уй-жой ва бошқа хуқукий муносабатларга доир низолар бўйича бузилган хуқуқ ёки қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қиласидилар.

Даъво тартибида кўриладиган ишлар ўзининг қўйидаги хусусиятлари билан бошқа турдаги фуқаролик ишларини юритишдан фарқланади:

- мазкур тоифадаги ишларда даъвогар ва жавобгар ҳамда айрим ҳолларда учинчи шахслар ҳам иштирок этади;
- тарафлар фуқаролик ишини ўзаро келишув битими тузиш орқали тугатишга эришишлари мумкин бўлади;
- фуқаролик процессининг муҳим институтлари: даъводан воз кечиш, даъвони тан олиш, даъвони таъминлаш, қарши даъво қўзғатиш кабилар айнан мазкур суд ишларини юритиш жараёнида қўлланилади;
- даъво тартибида кўриладиган ишлар бўйича сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш мумкин.<sup>21</sup>

Даъво тартибида кўриладиган ишлар фуқаролик суд ишини юритишнинг асосий тури ҳисобланади.

19 - Ш.Ш.Шораҳметов “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал хуқуқи”, дарслик.

20 - Э.Эгамбердиев “Фуқаролик суд ишларини юритиш турлари”, қўлланма.

21 - М.Мамасиддиқов “Фуқаролик процессуал хуқуқи умумий қисм”, дарслик.

### 2.3.4. Шикоят тушунчаси, шикоят тартибида иш юритиш

Шикоят фуқаронинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-харакатлар (қарорлар) устидан бевосита судга мурожаатидир.

Шикоятда давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг қандай ғайриқонуний хатти-харакатлари (қарорлари) фуқаронинг ҳуқуқи бузилишига сабаб бўлганлиги, унинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириши йўлида қандай тўскунликлар вужудга келганлиги ёки қандай ғайриқонуний мажбурият юклатилганлиги кўрсатилиши лозим.

Фуқаролик суд ишларини шикоятга асосан юритишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуддир. Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-харакатлари (қарорлари) устидан шикоят ва аризалар бўйича иш юритишида суд ҳуқуқ тўғрисидаги низони ҳал қиласди, бироқ даъво тартибида иш юритишидан фарқли равишда, ушбу низо фуқаролик ҳуқуқига оид бўлмай, балки маъмурий ҳуқуқий муносабатларга оид низо ҳисобланади.<sup>22</sup>

Даъво тартибидаги ишлардан фарқли равишда шикоят тартибида иш юритишида иштирок этувчи шахслар ўзаро келишув битими туза олмайдилар, қарши даъво тақдим этиш ҳуқуқидан фойдалана олмайдилар.

Шунингдек, мазкур ишлар ҳакамлик суди муҳокамасига берилиши мумкин эмас, келишилган судловга тааллуқлилик қоидалари қўлланилмайди.

Фуқаролик процессуал кодексининг 264-моддасига кўра, давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-харакатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича ишларга қўйидагилар киради:

1) фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузувчи хатти-харакатлар ва қарорлар устидан берилган шикоятлар;

2) нотариуснинг, фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш органларининг харакатларни бажаришни рад этганлиги ёхуд уларни нотўғри бажарганилиги устидан берилган шикоятлар;

3) прокурорнинг ҳуқуқий актни ғайриқонуний деб топиш тўғрисидаги аризаси бўйича ишлар.

Шикоят тартибида иш юритиш фуқаронинг маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда ўз ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашнинг процессуал-ҳуқуқий кафолатидир.

22 - М.Мамасиддиқов “Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм”, дарслик.



### 2.3.5. Алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган ариза тушунчаси, алоҳида тартибида иш юритиш

Алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган ариза шахснинг ўз манфаатларига дахлдор ҳолатни суднинг ҳал қилув қарори билан тасдиқлаш ҳақидаги мурожаатидир.

Суд томонидан алоҳида тартибида иш юритишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, талабда ҳуқук тўғрисида низо бўлмайди. Мазкур тоифа ишда қатнашувчи шахслар аризачилар ва бошқа манфаатдор шахслар ҳисобланадилар.

Хуқуқий адабиётларда алоҳида тартибида иш юритишга фуқароларнинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқларини вужудга келтириш, ўзгартариш ва тугатиш учун хизмат қиласидаги фактларни белгилаш тўғрисидаги талабларни кўриш, далилий ҳамда юридик фактларни белгилаб бериш йўли билан юридик манфаатларни ҳимоя қилиш, каби таърифлар берилган.<sup>23</sup>

Фуқаролик процессуал кодексининг 279-моддасида суд томонидан алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган ишларнинг турлари белгиланган.

#### ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИНИНГ 279-МОДДАСИГА КЎРА АЛОҲИДА ИШ ЮРИТИШ ТАРТИБИДА КЎРИЛАДИГАН ИШЛАРГА ҚҮЙИДАГИЛАР КИРАДИ:

- 1) юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар;
- 2) болани фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар;
- 3) фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ва фуқарони ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги ишлар;
- 4) фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишлар;
- 5) шахсни ғайрихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги ишлар;
- 6) шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайрихтиёрий тартибда ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги ишлар;
- 7) мол-мulkни (ашёни) эгасиз деб топиш тўғрисидаги ишлар;
- 8) тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқолган тақдирда, улар бўйича ҳуқуқларни тиклаш тўғрисидаги ишлар (чақириб иш юритиш).

Алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган аризада агар мазкур ариза юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисида бўлса, муайян фактни аниқлаш аризачига қандай мақсадлар учун зарур эканлиги кўрсатилиши, шунингдек, аризачининг тегишли ҳужжатларни олиш имкониятига эга эмаслигини ёхуд йўқолган ҳужжатларни тиклаб бўлмаслигини тасдиқловчи далиллар келтирилиши керак.

Болани фарзандликка олиш тўғрисидаги аризада қуидагилар кўрсатилиши керак:

- фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) фамилияси, исми, отасининг исми, уларнинг (унинг) яшаш жойи;

- фарзандликка олинаётган боланинг фамилияси, исми, отасининг исми ва туғилган санаси, унинг яшаш (турган) жойи, фарзандликка олинаётган боланинг ота-онаси тўғрисидаги, aka-ука ва опа-сингиллари бор-йўқлиги ҳақидаги маълумотлар;

- фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) фарзандликка олиш ҳақидаги илтимосини асословчи ҳолатлар ва мазкур ҳолатларни тасдиқловчи далиллар;

- фарзандликка олувчилар (олувчи) боланинг туғилганлик тўғрисидаги далолатнома ёзувига тегишли ўзгартиришлар киритишини истаган тақдирда – фарзандликка олинаётган боланинг фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган санасини (кўпи билан бир йилга), фарзандликка олинаётган боланинг туғилган жойини (агар бола кўпи билан ўн ёш бўлса) ўзгартириш ҳақида, боланинг туғилганлик тўғрисидаги далолатнома ёзувига фарзандликка олувчиларни (олувчини) ота-она (ота ёки она) сифатида қайд этиш ҳақидаги илтимоснома.

**Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ва фуқарони ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги аризада** фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ёки уни ўлган деб эълон қилиш аризачига қандай мақсадлар учун зарур эканлиги кўрсатилиши, шунингдек, фуқаронинг бедарак йўқолганлигини тасдиқлайдиган ёхуд бедарак йўқ бўлган шахсга ўлим хавфини солган ёки у муайян бахтсиз воқеа туфайли ҳалок бўлган деб тахмин қилишга асос бўладиган ҳолатлар баён қилиниши лозим.

**Фуқарони муомала лаёқати чекланган деб топиш ҳақидаги аризада** спиртли ичимликлар, гиёвандлик моддалари ва психотроп моддаларни суиистеъмол қилувчи шахс ўз оиласини моддий жиҳатдан оғир аҳволга солиб қўяётганлиigidан далолат берувчи ҳолатлар баён этилиши керак.

**Фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақидаги аризада** шахснинг руҳий ҳолати бузилганлиги, шунинг оқибатида у ўз хатти-



ҳаракатларини англай олмаслигидан ёки бошқара олмаслигидан далолат берувчи ҳолатлар баён қилиниши лозим.

Шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш түғрисидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш түғрисидаги, шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш түғрисидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш түғрисидаги аризада ушбу муассаса тиббий комиссиясининг шахс даволанишда бўлган муассасада ётиши муддатини узайтириш зарурлиги ҳақидаги хulosаси асосида ҳамда даволаш ўтказиладиган муддат кўрсатилиши лозим.

**Мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш түғрисидаги аризада** қайси мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш лозимлиги кўрсатилиши, шунингдек мол-мулк (ашё) эгасини белгилашнинг имкони йўқлигини тасдиқловчи далиллар келтирилиши керак.

**Тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқолган тақдирда,** улар бўйича ҳукуқларни тиклаш түғрисидаги аризада ҳужжат қандай вазиятда йўқолганлиги, тақдим этувчига деб ҳужжат берган муассасанинг, ҳужжатнинг номи кўрсатилиши, ҳужжатнинг алоҳида белгилари ва йўқолган ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги илтимос баён қилиниши керак.

### **2.3.6. Суд буйруғи чиқариш түғрисидаги ариза тушунчаси, суд буйруғи тартибида иш юритиш**

Суд буйруғи чиқариш түғрисидаги ариза шахс (ундирувчи)нинг пул маблағларини ундириш ҳақидаги ёки кўчар мол-мулкни низосиз талаблар бўйича қарздордан талаб қилиб олиш ҳақидаги мурожаатидир.

Буйруқ тартибида иш юритиш фуқароларнинг ҳукуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш механизмининг самарадорлигини ошириш, низосиз мурожаатларни кўриб чиқишин соддалаштириш мақсадида жорий этилган фуқаролик ишларини кўриб чиқишининг янги процессуал босқичи ҳисобланади.

Суд буйруғи ижро ҳужжати кучига эга бўлиб, ўзига хос қуийидаги белгилари билан суд ҳал қилув қарорларидан фарқланади:

- суд буйруғи ишни мазмунан кўрмасдан, мавжуд ёзма ҳужжатлар асосида чиқарилади;
- ундирувчи суд буйруғини чиқариш түғрисидаги ариза билан бирга қарздорнинг ўз зиммасига олган мажбуриятини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши шарт;

– суд буйруғи низосиз талаблар бүйича чиқарилиб, қонунда белгиланмаган асослар юзасидан чиқарилиши мумкин эмас;

– буйруқ тартибида иш юритиш жараёнида тарафлар сифатида ундирувчи ва қарздор эътироф этилади.<sup>24</sup>

Фуқаролик процессуал кодексининг 238<sup>2</sup>-моддасида суд буйруғи тартибида кўриладиган талабларнинг турлари, 238<sup>3</sup>-моддасида эса суд буйруғи чиқарыш тўғрисидаги аризанинг шакли ва мазмунига оид талаблар белгиланган.

#### **ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИННИНГ 238<sup>2</sup>-МОДДАСИГА КЎРА, СУД БУЙРУГИ ҚҮЙИДАГИ ҲОЛЛАРДА ЧИҚАРИЛАДИ:**

- 1) агар талаб нотариал тасдиқланган битимга асосланган бўлса;
- 2) агар талаб ёзма битимга асосланган ва қарздор томонидан тан олинган бўлса, шу жумладан, агар коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса;
- 3) агар вояга етмаган болалар учун алиментлар ундириш ҳақидаги, оталикни белгилаш билан ёки учинчи шахсларни жалб этиш зарурати билан боғлик бўлмаган талаб арз қилинган бўлса;
- 4) агар хисобланган, лекин ходимга тўланмаган иш ҳақини ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса.
- 5) агар фуқаролардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзларни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса.

#### **ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИННИНГ 238<sup>3</sup>-МОДДАСИГА КЎРА СУД БУЙРУГИНИ ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДАГИ АРИЗАДА ҚҮЙИДАГИЛАР КЎРСАТИЛИШИ ЛОЗИМ:**

- 1) ариза берилаётган суднинг номи;
  - 2) ундирувчининг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ҳамда унинг яшаш жойи (юридик шахснинг жойлашган ери ва реквизитлари);
  - 3) қарздорнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ҳамда унинг яшаш жойи (юридик шахснинг жойлашган ери ва реквизитлари);
  - 4) ундирувчининг талаби ва талабга асос бўлган ҳолатлар;
  - 5) арз қилинган талабни тасдиқловчи, илова этилаётган ҳужжатлар рўйхати кўрсатилиши лозим.
- Кўчар мол-мулк талаб қилинган тақдирда аризада ушбу мол-мулкнинг қиймати кўрсатилиши лозим.

#### **2.3.7. Аризага илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар**

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси талабларига кўра, арз қилинган талабларни исботлаш аризачининг

24 - М.Мамасиддиқов “Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм”, дарслик.



зиммасига юкланди. Қонунда аризанинг мазмунига кўйилган талабларда ҳам даъвогар ўзининг талабларига асос қилиб кўрсатаётган ҳолатлар ва бу ҳолатларни тасдиқлайдиган далиллар, шунингдек аризага илова қилинган ҳужжатларнинг рўйхати кўрсатилиши лозимлиги белгиланган.

Судга топшириладиган аризага иловалар – бу аризада кўрсатилган ҳолатларни тасдиқловчи далиллардир.

Аризага илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатларнинг рўйхати арз қилинган талабнинг тури ва хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Арз қилинган талабнинг мазмунидан қатъий назар судга топшириладиган аризага қуидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- аризачининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;
- аризачининг яшаш манзили ҳақида маълумотнома;
- даъво тартибидаги аризалар бўйича жавобгарларнинг яшаш манзили ҳақида манзиллар бюросидан ёки доимий яшаб келаётган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи (маҳалла фуқаролар йиғини) дан маълумотнома;
- жавобгарларнинг сонига мутаносиб равишда ариза нусхалари;
- давлат божи тўланганлиги ҳақидаги квитанция (давлат божидан озод қилинган ҳолатлардан ташқари);
- ариза вакил томонидан берилган бўлса, ишончнома ёки вакилнинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат.

Тарафларнинг яшаш жойи судловга тааллуқлилик масаласини ҳал қилиш учун зарурлиги сабабли уларнинг яшаш манзили ҳақидаги маълумот барча ҳолатларда судга тақдим этилиши шарт. Бунда аризачининг яшаш жойи ҳақида маълумотнома у рўйхатда турган ёки доимий яшаб келаётган жойдаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан берилади.

Даъво тартибидаги ишлар бўйича аризачилар жавобгарнинг яшаш манзили ҳақида маълумотнома олиш учун ҳудудлардаги ички ишлар бошқармалари хузуридаги манзиллар бюросига мурожаат қилишлари лозим. Бундай маълумотлар фуқароларга ички ишлар бошқармалари хузуридаги манзиллар бюроси томонидан ҳеч қандай чекловларсиз белуп берилади.

Аризага илова ҳужжатлар арз қилинган талабнинг мазмунига қараб тўлдириб борилади. Масалан:

**Никоҳдан ажратиш ҳақидаги аризага** юқорида келтирилган зарурий илова ҳужжатлардан ташқари:

- тарафларнинг никоҳдан ўтганлиги ҳақидаги ФХД҄ органининг гувоҳномаси;

– вояга етмаган фарзандларнинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномаларнинг нусхалари илова қилиниши лозим.

Суд амалиёти ушбу тоифадаги низолар бўйича айрим ҳолатларда аризачида ФХДЁ органининг гувоҳномасининг мавжуд эмаслигини, уни жавобгардан олиш имконига эга бўлмаётганлигини кўрсатади. Лекин мазкур гувоҳноманинг аризачида мавжуд эмаслиги унинг судга никоҳдан ажратиш ҳақида ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқини чекламайди. Аризачи никоҳ қайд этилган ФХДЁ органидан никоҳ қайд этилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувининг тасдиқланган нусхасини олишга ҳамда ушбу далолатнома ёзуви нусхаси билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

**Меросхўр деб топиш ва мерос улушларини белгилаш ҳақидаги аризага** юқорида келтирилган зарурий илова ҳужжатлардан ташқари:

- мерос қолдирувчининг ўлим гувоҳномаси;
- аризачининг мерос қолдирувчи билан қариндошлик алоқаларини тасдиқловчи ҳужжатлар – туғилганлик гувоҳномаси, никоҳ гувоҳномаси ва ҳ.к.;
- мерос қолдирувчининг бошқа ворисларининг мерос қолдирувчи билан қариндошлик алоқаларини тасдиқловчи ҳужжатлар – туғилганлик гувоҳномаси, никоҳ гувоҳномаси ва ҳ.к.;
- мерос қолдирувчининг бошқа ворислари бўлмаган тақдирда, буни тасдиқловчи далолатнома;
- мерос таркибига кирадиган мол-мулкка нисбатан имтиёзли ҳукуқка эга эканлиги ҳақида талаб қўйилганда, бундай ҳуқуқни тасдиқловчи далиллар;
- мерос мулкига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши талаб этилади.

Юқоридаги ҳужжатлар аризачида бўлмаган тақдирда мерос қолдирувчининг бошқа ворисларининг мерос қолдирувчи билан қариндошлик алоқаларини тасдиқловчи ҳужжатлар ФХДЁ органларидан, мерос мулкига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар мазкур мол-мулклар давлат рўйхатидан ўтган идорадан олиниши мумкин.

Аризачи арз қилган талабларини тасдиқловчи айрим ҳужжатлар мавжуд эмаслиги ҳамда ушбу ҳужжатларни тўплаш имконига эга эмаслиги сабабли судга мурожаат қилишдан воз кечмаслиги лозим. Процессуал қонунчилликка мувофиқ, агар қўшимча далиллар тақдим этиш тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар учун қийинчиллик туғдирса, суд уларнинг илтимосномасига кўра далиллар тўплашда уларга ёрдам кўрсатади.<sup>25</sup>

25 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 57-моддаси.



## 2.3.8. Аризаларнинг намуналари

**Фуқаролик ишлари бўйича  
Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек  
туманлараро судига**

**даъвогар:** Ашурев Азим Аброрович  
яшаш жойи: Тошкент шаҳар, Мирзо  
Улугбек тумани, Зиёлилар кўчаси 10-  
йй, 20-хонадон.  
Тел: +9989X XXX XX XX  
e-mail: ashurov@mail.ru

**жавобгар:** Ашурева Азиза Акрамовна  
Манзили: Тошкент шаҳар, Мирзо  
Улугбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 10-  
йй, 21-хонадон.  
Тел: +9989X XXX XX XX  
e-mail: aziza@mail.ru

### ДАЪВО АРИЗАСИ

**никоҳ давомида орттирган мол-мулклари биргаликдаги умумий мулк деб топиш,  
умумий мулкдаги улушларни белгилashi ва мол-мulkни бўлиши тўғрисида**

Мен Ашурев Азим Аброрович жавобгар Ашурева Азиза Акрамовна билан 2010  
йил 15 ноябрда конуний никоҳдан ўтиб турмуш курганман, бу ҳакида Тошкент шаҳар  
Мирзо Улугбек тумани ФХДЕ бўлимида 152-сонли далолатнома ёзуви билан қайд  
килинган.

Бизнинг биргаликдаги турмушимиздан икки нафар – 2012 йил 5 январда туғилган  
Ашурев Акмал Азим ўғли ва 2014 йил 8 апрелда туғилган Ашурева Анора Азим кизи  
исмсли фарзандларимиз бор.

Хозирги вактда жавобгар билан бирга яшамайман, ўртамиздаги никоҳни бекор  
килиш ҳакида даъво аризаси билан судга мурожаат килганиман.

Жавобгар билан биргаликдаги турмушимиз жараённида нотариал тасдиқланган  
олди-сотди шартномаларига асосан 2012 йил 12 июнда Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек  
тумани, Зиёлилар кўчаси, 10-йй, 20-хонадонни, 2014 йил 30 майда Тошкент шаҳар, Мирзо  
Улугбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 10-йй, 21-хонадонни хамда “COBALT” русумли 2012  
йилда ишлаб чиқарилган, давлат раками 01 А 958 АА бўлган автомашинани 2014 йил 25  
октабрда сотиб олганмиз. Ушбу мол-мулклар жавобгар Ашурева Азиза Акрамовнанинг  
номига расмийлаштирилган.

Хозирда ўртамизда юзага келган келишмовчиликлар оқибатида жавобгар билан  
муносабатларимиз узилган бўлиб, оилавий муносабатлар бутунлай барҳам топиш  
арафасида. Юкорида қайд этилган мулклар гарчи жавобгарнинг номига  
расмийлаштирилган бўлса-да, лекин мен ўз маблағларим хисобига сотиб олганман. Бирор  
оила конунчилиги нормалари биргаликдаги турмушда олинган мулкнинг ким томонидан  
сотиб олинганингидан катъи назар ва кимнинг номига расмийлаштирилганлигидан катъий  
назар умумий мулк эканлигини эътироф этади.

Шу сабабли мен юкорида уй-жойлардан ўз улушимни ажратиб олмокчи ва суд  
карори оркали мулк хукукимни эътироф этмоқчиман.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23-моддасига кўра, эр ва хотиннинг  
никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга кадар,  
бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари хисобига олинган мол-мулклари уларнинг  
биргаликдаги умумий мулки хисобланади.

Мазкур кодексининг 27-моддасига кўра, эр ва хотиннинг умумий мол-мulkни  
бўлиш эр ва хотиндан бирининг талабига кўра, улар никоҳда бўлган даврда хам, никоҳдан

ажралишгандан кейин ҳам, шунингдек кредитор эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мulkдаги улушига ундирувни қартиш учун умумий мол-мulkни бўлиш талаби билан арз килган холларда амалга оширилиши мумкин.

Оила кодексининг 28-моддасига кўра, эр ва хотиннинг умумий мол-мulkни бўлишда ҳамда уларнинг шу мол-мulkдаги улушларини аниqlашда, agar эр ва хотин ўртасидаги никоҳ шартномасида бошкacha ҳол назарда тутилмаган бўлса, эр ва хотиннинг улушлари тенг деб хисобланади.

Юқоридаги ўй-жойларнинг биринчиси – Тошкент шахар, Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 10-уй, 20-хонадон 3 та яшаш хонасидан иборат, жами фойдаланиш майдони 72,40 кв.м., яшаш майдони 44,65 кв.м. бўйса, иккинчиси – Тошкент шахар, Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 10-уй, 21-хонадон бир хонадан иборат бўлиб, жами фойдаланиш майдони 33,52 кв.м., яшаш майдони 18,10 кв.м.ни ташкил этади.

Яъни ҳар икки хонадоннинг кўрсаткичлари ва мулкий киймати бир хил эмас.

Оила кодексининг 27-моддасининг 4-кисмiga кўра, умумий мол-мulkни бўлишда суд эр ва хотиннинг ҳар бирига мулкнинг қайси кисми берилиши лозимлигини аниқлади. Эр (хотин)га унга қарашли улушдан ошик кийматга эта бўлган мол-мulk бериладиган холларда, хотин (эр)га тегишли пул ёки ўзга компенсация белgilаниши мумкин.

Олий суд Пленумининг “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича конунчиликни кўллаш амалиёти тўғрисида”ти карорининг 25-бандига кўра, эр- хотиндан бирига у ёки бу мулкни асл ҳолида бериш масаласини ҳал этишда суд мулкнинг хусусияти ва нима учун мўлжалланганигини, уни сотиг олиш шартлари ва бошка эътиборга молик ҳолатларни эътиборга олиши лозим. Чунончи, автомобилни бўлишда суд эр- хотиндан қайси бири ундан амалда фойдаланганлигини, техник ҳолатига қараб келганигини, уни бошқариш учун хукуки борлинги ва ҳ.к.ларни эътиборга олади.

Юқорида кайд этилганларга кўра суддан жавобгар А.Ашурова билан биргаликдаги турмушимиз даврида сотиб олинган:

1) Тошкент шахар, Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 10-уй, 20-хонадон;

2) Тошкент шахар, Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 10-уй, 21-хонадон;

3) “COBALT” русумли 2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат раками 01 А 958 АА бўлган автомашина биргаликдаги умумий мулк деб топишни, ушбу мулклардаги ҳар биримизнинг тенг  $\frac{1}{2}$  микдордаги улушмизни белгилашни, ушбу мулкларни бўлиб, Тошкент шахар, Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 10-уй, 21-хонадон ҳамда “COBALT” русумли 2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат раками 01 А 958 АА бўлган автомашинани менинг эгалигимда, Тошкент шахар, Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 10-уй, 20-хонадонни жавобгар А.Ашурованинг эгалигига колдиришини, мулкларнинг кийматидаги фаркни хисоблаб, кам микдорда мулкни олган тарафга ундириб беришни сўрайман.

**Иловга:** никоҳ гувохноманинг нусхаси, паспорт нусхалари, тугилганлик гувохномалари нусхалари, ўй-жойга ва автомашинага мулк хукукини тасдиқловчи хужжатлар, даъво аризаси нусхаси, давлат божи тўлланганинги ҳакидаги квитанция, яшаш жойидан ҳамда манзиллар боросидан маълумотнома.

2016 йил 10 сентябрь

А.А.Ашуров



**Фуқаролик ишлари бўйича  
Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек  
туманлараро судига**

даъвогар: Ашурев Азим Аброрович  
яшаш жойи: Тошкент шаҳар, Мирзо  
Улугбек тумани, Зиёлилар кўчаси  
10 уй, 20-хонадон.  
Тел: +9989X XXX XX XX  
e-mail: ashurov@mail.ru

жавобгар: Бўронов Ботир Боситович  
Манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо  
Улугбек тумани, В. Абдуллаев  
кўчаси, 1-уй, 2-хонадон.  
Тел: +9989X XXX XX XX  
e-mail: buronov@mail.ru

**ДАЪВО АРИЗАСИ**  
**Олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳакида**

Мен Ашурев Азим Аброрович 2006 йил 18 майда Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани 1-сонли давлат нотариал идораси томонидан расмийлаштирилган олди-сотди шартномасига асосан низоли Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Зиёлилар кўчаси 10-уй, 20-хонадонни сотиб олганман ва ҳозирги кунга қадар ушбу уйда оила аъзолари билан бирга узлуксиз раввища яшаб келаман.

2014 йил февраль ойларida тадбиркорлик фаолиятимни амалга оширишда юзага келган эхтиёқ туфайли жавобгар Б. Бўроновдан бир йил муддат қайтариш шарти билан 100 миллион сўм қарз олдим.

Жавобгар Б. Бўронов қарз пулининг таъминоти сифатида менга тегишли бўлған низоли – Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Зиёлилар кўчаси 10-уй, 20-хонадонни унинг номига вактингча расмийлаштириб турини, қарз пулини тўлиқ қайтарганимдан кейин уйни қайтариб ўз номига расмийлаштириб беринишни айтди ҳамда менга пул жуда зарур бўлгандиги учун ушбу шартга кўништаги мажбур бўлдим ҳамда низоли хонадонни 2014 йил 6 марта Мирзо Улугбек тумани 2-сонли давлат нотариал идорасида олди-сотди шартномасига асосан расмийлаштириб бердим.

2016 йилнинг май ойида жавобгардан олган қарз пулларини тўлиқ қайтариб бердим. Лекин жавобгар қарзни қайтариш муддатини уч ойга кечириганинг сабабли дастлаб кўшимча фоиз талаб килди, мен фоиз пулларини ҳам тўлаб бердим. Бу ҳолатни тасдиқловчи жавобгар томонидан имзолangan тилҳатларни иловга киласман. Лекин шундан кейин ҳам турли вожлар билан низоли хонадонни менинг номигига кайта расмийлаштиришдан бош тортуб келмоқда.

Мен жавобгарнинг менинг моддий эхтиёжмандлигимдан ва ишонувчанингимдан фойдаланиб, бошидан номига, қарз шартномасининг кафолати сифатидагина уйни вактингча расмийлаштириб турини ҳакида битим оркали алдашганлигини тушундик.

Фуқаролик кодексининг 124-моддасига кўра, юридик оқибатлар түфдириш нияти бўлмаган холда, номигагина тузилган битим (калбаки битим) ўз-ўзидаи ҳақиқий эмасdir.

Агар битим бошкага битимни никоблаши мақсадида тузилган бўлса (кўзбўямачилик битими), тарафлар ҳақиқатда назарда тутган битимга доир кондайлар кўлланилиади.

Жавобгар билан ўртамиздаги низоли Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Зиёлилар кўчаси 10-уй, 20-хонадонга нисбатан олди-сотди шартномаси номигагина,

жавобгардан олинган қарз пулларининг кафолати сифатида, аслида қарз бўйича кафолат максадини кўзлаган холда тузилган эди.

ФКнинг 123-моддасининг 1-кисмига кўра, алдаш, зўрлик, кўркитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши таъсирида тузилган битим, шунингдек фуқаро оғир холатлар юз бериси туфайли ўзи учун ўта нокулай шартлар билан тузишга мажбур бўлган, иккинчи тараф эса бундан фойдаланиб қолган битим (асоратли битим) жабрланувчининг давъоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Жавобгар Б. Бўронов олди-сотди шартномасини нотариал тартибида расмийлаштирища, келгусида ушбу шартномадан қарз пулининг кафолати сифатида фойдаланмаслигини билиб тургани холда, бизни аллади.

ФКнинг 114-моддасининг 1-кисмига кўра, ҳақиқий бўлмаган битим унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлик бўлган оқибатлардан ташкари бошқа юридик оқибатларга олиб келмайди ва у тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий эмасдир.

Юкорида кайд этилганларга кўра, Тошкент шахар, Мирзо Улугбек тумани, Зиёлилар кўчаси 10-йй, 20-хонадоннинг 2014 йил 6 марта Мирзо Улугбек тумани 2-сонли давлат нотариал идорасида 333-реестр раками билан рўйхатта олинган мен А.Ашурров ва жавобгар Б. Бўронов ўргасида тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни, мазкур низо конуний ҳал килингунга қадар ушбу ўйга нисбатан ҳар қандай юридик харакатларни амалга оширишга, шу жумладан, битимлар тузишга нисбатан такиқ кўйишингизни сўрайман.

**Иловва:** паспорт нусхаси, олди-сотди шартномасининг нусхаси, маҳалладан маълумотнома, давъо аризасининг нусхалари, манзиллар биросидан маълумотнома, давлат божи тўланганилиги ҳақидаги квитанция, давлат божи тўловини кисман кечиритиш ҳақида ариза, далолатнома, тилхатлар нусхалари.

2016 йил 10 сентябрь

А.А. Ашурров



**Фуқаролик ишлари бўйича  
Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек  
туманлараро судига**

даъвогар: Ашурев Азим Аброрович  
яшаш жойи: Тошкент шаҳар, Мирзо  
Улугбек тумани, ТТЗ 4-даха, 5-йй, 5-  
хонадон.  
Тел: +9989X XXX XX XX  
e-mail: ashurov@mail.ru

жавобгар: Бўронов Ботир Боситович  
Манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо  
Улугбек тумани, В.Абдуллаев кўчаси,  
1-йй, 2-хонадон.  
Тел: +9989X XXX XX XX  
e-mail: buronov@mail.ru

**ДАЪВО АРИЗАСИ**  
**Туарар-жойдан фойдаланиш хукукини йўқотган деб топиш ҳакида**

Мен Ашурев Азим Аброрович 2015 йил 15 ноябрда жавобгар Бўронов Ботир Боситовичдан Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, ТТЗ 4-даха, 5-йй, 5-хонадонни нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига асоссан сотиб олдим.

Ушбу шартноманинг 13-бандига мувофиқ, хонадоннинг эгаси жавобгар Б. Бўронов хамда ушбу уйда рўйхатда турган унинг хотини З. Бўронова 2015 йил 15 декабрга кадар квартирадан пропискандан учиш хамда уйни бўшатиб бериш мажбуриятини олган эди. Жавобгарлар томонидан квартира бўшатиб берилган бўлса-да, улар пропискандан учишгани йўқ. Жавобгарнинг уйни сотганидан кейин хозирги вақтда қаерда яшаб келаётганинги билайман.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 164-моддасига кўра, мулк хукуки шахснинг ўзига карашли мол-мулкка ўз хошини билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик килиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк хукукини, ким томонидан бўлмасин, ҳар кандай бузишни бартараф этишини талаб килиш хукувидан иборатдир.

Олий суд Пленумининг “Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳакида”ти карорининг 5-банди 6-кисмига кўра, нотариал тартибда тузилган уй-жой шартномасига сотувчи ва унинг оила аъзоларининг туарар-жой рўйхатидан чикиб кетиш муддати кўрсатилган бўлса, шу муддат тутаган кундан, муддат кўрсатилмаган бўлса шартнома тузилган кундан эттиборан улар туарар-жойдан фойдаланиш хукукини йўқотган деб хисобланниши белгиланган.

Кайд этилганларга кўра суддан жавобгарлар Бўронов Ботир Боситович хамда Бўронова Зарифа Зокировналарининг Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, ТТЗ 4-даха, 5-йй, 5-хонадондан фойдаланиш хукукини йўқотган деб топишни сўрайман.

**Иловга:** квартирага мулк хукукини тасдиқловчи хужжатларнинг нусхалари, паспорт нусхаси, манзиллар бирорсиздан маълумотнома, даъво аризасининг нусхаси, яшаш жойидан маълумотнома ва далолатнома, давлат божи тўланганларига ҳакида квитанция.

**2016 йил 10 сентябрь**

**А.А. Ашурев**

**Фуқаролик ишлари бўйича**

**Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек  
туманлараро судига**

аризачи:

Ашурев Азим Аброрович  
яшаш жойи: Тошкент шаҳар, Мирзо  
Улугбек тумани, Зиёлилар кӯчаси 10-  
уй, 20-хонадон.  
Тел: +9989X XXX XX XX  
e-mail: ashurov@mail.ru

**ШИКОЯТ**

**Фуқаролик ҳолати тўғрисидаги ёзувга тузатишлар киритишини рад этганилик  
юзасидан**

Мен Ашурев Азим Аброрович 1980 йил 5 январда Тошкент шаҳрида туғилганман. Менинг туғилганилим ҳакидаги далолатнома ёзувининг “отаси” ҳакидаги маълумотлар кисмидаги менинг отамнинг исми шарифи “Акрамов Аброр Аширович” деб ёзилган.

Лекин отамнинг шахсига оид барча ҳужжатларда унинг исми шарифи “Акрамов Аброр Ашуревич” деб қайд қилинган.

Отам 2015 йил 3 августда вафот этди. Ҳозирги кунда менинг туғилганилим ҳакидаги далолатнома ёзувидаги фарқчиликлар сабабли мен отамдан қолган мерос мулкини расмийлаштиришда кийинчиликларга дуч келмоқдаман.

2016 йил 15 июнда Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани ФХДЕ бўлимига туғилганилим ҳакидаги далолатнома ёзувига тузатиш киритиш ҳакида ариза билан мурожаат киlgан эдим, лекин 25 июнда менга аризам рад килинганилиги ҳакида жавоб берилди. Мен ФХДЕ бўлимининг ушбу жавобини ноконуний деб хисоблайман.

Суддан менинг Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани ФХДЕ бўлимида 1980 йил 6 январда 23-сон билан қайд қилинган туғилганилим ҳакидаги далолатнома ёзувининг “отаси” ҳакидаги маълумотлар кисмидаги отам А.Акрамовнинг отасининг исмини “Аширович”дан “Ашуревич” деб ўзгартириш киритиш ҳакида ҳал қилув қарори чиқаришни сўрайман.

**Иловা:** туғилганилим ҳакидаги гувоҳнома ва далолатнома ёзувининг нусхаси, отамнинг вафот этганилиги ҳакидаги ўлум гувоҳномаси, ФХДЕ бўлимининг жавоб хати, шикоят нусхаси.

**2016 йил 10 сентябрь**

**А.А. Ашурев**



Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек  
туманлараро судига

аризачи:

Вохидова Салима Абдуллаевна  
яшаш жойи: Тошкент шаҳар, Мирзо  
Улугбек тумани, Зиёлилар кӯчаси 1-  
уй, 2-хонадон.  
Тел: +9989X XXX XX XX  
e-mail: vohidova@mail.ru

**АРИЗА**  
**мехнат стажини тасдиқлаш хақида**

Мен С.А.Вохидова меҳнат фаолиятимни 1977 йилда “Юлдуз” тикув фабрикасида тикувчи вазифасида бошлаганман ва 1977 йилдан 2004 йилга кадар турли корхоналарда меҳнат фаолиятини юритгандам. Шу давр оралиғига 1996 йил 15 апрелдан 2001 йил 31 июнга кадар “АЛТА” ҚҚ МЧЖда тикувчи бўлиб ишлаганман. Лекин хозирги кунга келиб ушбу корхона ёпилиб кетганлиги ва архив хужжатлари ҳеч каерга топширилмаганлиги оқибатида ушбу корхонада ишлаган давримга оид меҳнат фаолиятимни тасдиқлаш имкони бўлмаяди.

Оқибатда мен пенсиямни расмийлаштиришда қийинчиликларга дуч келмоқдаман.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви томонидан 2016 йил 10 июнда берилган 07-09 2-517-сонли маълумотномада “АЛТА” ҚҚ МЧЖ фаолиятига тааллукли хужжатлар архивга келиб тушмаганлиги маълум килинди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар идоралараро шахсий таркиб хужжатлари марказий архиви, Савдо-саноат палатаси Марказий архиви ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги “Ўзархив” агентлиги Ўзбекистон Республикаси илмий-техникавий ва тибиёт хужжатлари марказий давлат архиви томонидан берилган маълумотномаларда ҳам “АЛТА” ҚҚ МЧЖ фаолиятига тааллукли хужжатлар архивга келиб тушмаганлиги маълум килинди. Шу сабаби, мен юкоридаги МЧЖда ишлаган давримга оид меҳнат фаолиятимни тасдиқлай олмайман.

Кайд этилганларга кўра суддан менинг 1996 йил 15 апрелдан 2001 йил 31 июнга кадар “АЛТА” ҚҚ МЧЖда тикувчи бўлиб ишлаган давримга оид меҳнат стажини тасдиқлаб беришини сўрайман.

**Илов:** меҳнат дафтарчasi нусхаси, бўйруклар нусхалари, архив маълумотномалари, яшаш жойидан маълумотнома, паспорт нусхаси, пенсия жамғармаси бўлимининг хати, ариза нусхаси.

2016 йил 10 сентябрь

**С.А.Вохидова**

**Фуқаролик ишлари бўйича  
Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек  
туманлараро судига**

ундириувчи:

Ашуррова Азиза Акрамовна  
Манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо  
Улугбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 10-  
уй, 21-хонадон.  
Тел: +9989X XXX XX XX  
e-mail: aziza@mail.ru

карздор:

Ашурров Азим Аброрович  
яшаш жойи: Тошкент шаҳар, Мирзо  
Улугбек тумани, Зиёлилар кўчаси 10-  
уй, 20-хонадон.  
Тел: +9989X XXX XX XX  
e-mail: ashurov@mail.ru

**АРИЗА  
алимент ундириши ҳакида суд бўйруғи чиқариши ҳакида**

Мен Ашуррова Азиза Акрамовна карздор Ашурров Азим Аброрович билан 2010 йил 15 ноябрда конуний никоҳдан ўтиб турмуш курганман, бу ҳакида Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани ФХДЕ бўлимида 152-сонли далолатнома ёзуви билан кайд килинган.

Бизнинг биргалиқдаги турмушимиздан икки нафар – 2012 йил 5 январда тутғилган Ашурров Акмал Азим ўғли ва 2014 йил 8 апрелда тутғилган Ашуррова Анора Азим кизи исмли фарзандларимиз бор.

Қарздор А.Ашурров билан 2016 йилнинг март ойидан алоҳида яшаб келмоқдамиз ва шу даврдан бўён у вояга етмаган фарзандларимизнинг таъминоти учун кеч кандай моддий ёрдам кўрсатмаяпди.

Оила кодексининг 96-моддасига кўра, ота-она вояга етмаган болаларига таъминот берishi шарт.

Вояга етмаган болаларига таъминот берishi мажбуриятини ихтиёрий равишида бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал киув қарорига ёки суд бўйруғига асосан алимент ундирилади.

Кайд этилганларга кўра суддан карздор А.А.Ашурровдан вояга етмаган фарзандларимиз Ашурров Акмал Азим ўғли ва Ашуррова Анора Азим кизи исмли моддий таъминоти учун улар вояга еттунинга қадар ойлик даромадларининг 1/3 кисми миқдорида алимент ундиришингизни сўрайман.

**Иловав:** ариза нусхаси, никоҳ тузилганлиги ҳакидаги гувоҳнома, паспорт нусхаси, тутғилланлик гувоҳномаларин нусхалари, маҳалладан маълумотнома ва манзиллар биоросидан маълумотнома.

2016 йил 10 сентябрь

А.А. Ашуррова



## § 2.4. СУД ХАРАЖАТЛАРИ ТУШУНЧАСИ, МИҚДОРИ ВА ИМТИЁЗЛАР

### 2.4.1. Суд харажатлари тушунчаси

Суд харажатлари ишни судда кўриш билан боғлиқ тарафларнинг, мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахсларнинг ва алоҳида иш юритиш тартибида мурожаат қиласидаган аризачиларнинг зиммасига юкландиган пул маблағларининг сарфиидир.<sup>26</sup>



Суд харажатлари давлат божи ва ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлардан иборатdir.

Ишни кўриш билан боғлиқ суд ҳаражатларининг жорий этилишидан кўзланган асосий мақсад давлатнинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаражатларни қоплаш эмас, балки тарафларни ўзларининг фуқаролик ҳуқуқий бурчларини ихтиёрий равишда бажаришга рағбатлантириш ва асоссиз низолар қўзгатилишининг олдини олишdir.<sup>27</sup>

26 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 103-моддасига шархлар.

27 - Ш.Шорахметов - “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳукуки”, дарслер.

Фуқаролик тартибида судда иш юритишида давлат божи юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик, яъни арз қилинган талабларни, ушбу талаблар бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорларига нисбатан келтирилган шикоятларни кўриб чиқсанлик ҳамда суд ҳужжатларидан нусхалар берганлик учун олинадиган мажбурий тўловдир.

Судларга даъво аризалари, алоҳида тартибида юритиладиган ишлар бўйича аризалар, судларнинг ҳал қилув қарорлари устидан апелляция, кассация тартибида шикоятлар ва назорат тартибида протест келтириш тўғрисида аризалар, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисида аризалар, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида аризалар берганлик учун, шунингдек, судлар томонидан ҳужжатларнинг нусхалари берилганилиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибида ва миқдорда давлат божи ундирилади.

Қонунда фуқароларнинг бузилган ҳукуқларини тиклаш учун шикоят қилиш имконини таъминлаш мақсадида давлат божи органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоятлар бўйича суд томонидан ҳал қилув қарори чиқаришда ундирилиши белгиланган.

Давлат божи ариза, даъво аризаси судга берилгунга қадар тўланади (агар қонунда бошқача ҳолат белгиланмаган бўлса, масалан, тўловчи давлат божини тўлашдан озод қилинган, давлат божи тўлаш кечикирилган ёки бўлиб-бўлиб тўланадиган ҳолларда).

Давлат божи нақд пулсиз шаклда тўланганлиги факти банкнинг тўлов қабул қилинганлиги тўғрисидаги тўлов топшириқномаси билан тасдиқланиши шарт.

Давлат божи нақд пул шаклида тўланганлиги факти банк томонидан тўловчига бериладиган белгиланган шаклдаги квитанция билан ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси белгилаган шаклда давлат божини қабул қилган ташкилот ёки мансабдор шахс томонидан тўловчига бериладиган квитанция билан тасдиқланиши керак.<sup>28</sup>

Фуқаролик суд ишларини юритиш қоидаларига мувофиқ, агар аризачи қонунга кўра давлат божини тўлашдан озод қилинмаган ва аризада уни тўлашдан озод қилиш ҳақида илтимос мавжуд бўлмаса, судья аризани ҳаракатсиз қолдириш ҳақида ажрим чиқариши шарт.

Умумий қоидага кўра, иш бўйича суд ҳаражатларини низода ноҳақ бўлиб чиқсан тараф тўлайди.

28 - Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми “Фуқаролик ишлари бўйича суд ҳаражатларини ундириш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 5-банди.



Фуқаролик процессуал кодексининг 116-моддасига кўра, ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан, гарчи бу тараф давлат даромадига тушадиган суд харажатларини тўлашдан озод этилган бўлса-да, иш бўйича қилинган ҳамма харажатларни ундириб беради.

Агар арз қилинган талаблар қисман қаноатлантирилган бўлса, ушбу моддада кўрсатилган суммалар жавобгардан даъвогарга талабларнинг суд қаноатлантирган қисмига мутаносиб равишда, жавобгарга эса, даъвогардан у арз қилган талабларнинг рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундириб берилади.

Мазкур қоидалар апелляция, кассация шикояти ва назорат тартибида протест келтиришни сўраб ариза берганда тарафлар тўлаган давлат божига ҳам тааллуқлидир.

#### 2.4.2. Даъвонинг баҳоси тушунчаси

Фуқаролик процессуал қонунчилигида ишни судда кўриш билан боғлиқ харажатлар назарда тутилган бўлиб, ушбу харажатларнинг асосий тури бўлган давлат божининг микдори даъвонинг баҳосидан келиб чиқиб белгиланади.

Давлат божининг тўғри ва тўлиқ тўланган-тўланмаганлиги ҳолати ариза бўйича фуқаролик иши кўзғатиш масаласини ҳал қилишда аҳамиятли бўлиб, бу даъвонинг баҳосидан келиб чиқиб аниқланади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 105-моддасида даъвонинг баҳосини белгилаш тартибида келтирилган.

Мазкур кодекснинг 106-моддасига кўра, даъвонинг баҳоси даъвогар томонидан кўрсатилади. Даъвогар кўрсатган баҳо даъво қилинаётган мулкнинг ҳақиқий қийматига мувофиқ эмаслиги яқол бўлса, даъвонинг баҳосини судья белгилайди.

Даъво тақдим этилган вақтда унинг баҳосини белгилаш қийин бўлса, давлат божининг микдорини судья дастлабки тарзда белгилайди ва кейинчалик ишни ҳал қилиш вақтида суд белгилаган даъво баҳосига мувофиқ, божнинг кам қисми ундирилади ёки ортиқча олинган қисми қайтарилади.

### ДАЪВОНИНГ БАҲОСИ ҚҮЙИДАГИЧА БЕЛГИЛАНАДИ

пул ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича	ундирилладиган суммага қараб
мулк талаб қилиш тўғрисидаги даъволар бўйича	
бер қанча мустақил талаблардан иборат даъволар бўйича	ҳамма талабларнинг умумий суммасига қараб
алимент ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича	
муддатли тўловлар ва пул бериш тўғрисидаги даъволар бўйича	тўловларнинг ёки берилладиган пулларнинг йигиндисига қараб, лекин кўпи билан уч йиллик йигиндисига қараб
муддатсиз ёки умрбод тўловлар ва пул бериш тўғрисидаги даъволар бўйича	
тўловларни ёки пул беришни камайтириш ёхуд кўпайтириш тўғрисидаги даъволар бўйича	тўловлар ёки берилладиган пуллар камайтирилладиган ёки кўпайтирилладиган суммага, лекин кўпи билан бир йиллик суммага қараб
тўловларни ёки пул беришни тўхтатиш тўғрисидаги даъволар бўйича	қолган тўловлар ёки пуллар йигиндисига, лекин кўпи билан бир йиллик йигиндисига қараб
мулк ижараси шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш ҳақидаги даъволар бўйича	шартнома амал қилишининг қолган муддатидан мулқдан фойдаланиш учун тўланадиган тўловларнинг, лекин кўпи билан 3 йил ичидаги тўловларнинг йигиндисига қараб
хусусий мулк ҳуқуқи асосида фуқароларга тегиши иморатларга егалик ҳуқуқи тўғрисидаги даъволар бўйича	иморатнинг ҳақиқий қийматига қараб, лекин бу миқдор инвентаризация баҳосидан, инвентаризация баҳоси бўлмаганида эса, маҷбурий сұгурта баҳосидан кам бўлмаслиги керак, ташкилотларга қарашли иморатларга доир даъволар бўйича эса, иморатларнинг ҳақиқий баҳосидан кам бўлмаслиги керак

#### **2.4.3. Давлат божи ставкалари. Давлат божидан қисман озод қилиш, уни тўлашни кечикириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашга оид қоидалар**

Давлат божи миқдори судга арз қилинган талабнинг тури ва моҳиятига боғлиқ бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли “Давлат божи ставкалари ҳақида”ти қарорида белгиланган.

Қонунга кўра даъво суммаси кўпайтирилганда, давлат божининг етишмаётган суммаси даъво миқдорининг кўпайтирилганлиги инобатга



олинган баҳосига мувофиқ ундирилиши лозим, даъвогар томонидан даъво талаблари камайтирилганда эса, давлат божи қайта ҳисоблаб чиқилмайди.<sup>29</sup>

Қарши даъво аризаларидан, шунингдек учинчи шахсларнинг ишга мустақил даъво талаблари билан киришганлиги тўғрисидаги аризалардан давлат божи умумий асосларда ундирилади.<sup>30</sup>

Қонун суд харажатларини тўлашни кечикириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ва уларнинг миқдорини камайтиришни, ушбу харажатларни тўлашдан озод қилишни назарда тутади.

Суд харажатларини тўлашни кечикириш аризачи томонидан тўловларнинг амалга оширилишининг иш мазмунан кўрилгунга қадар тўлиқ ёки қисман қолдирилиши бўлиб, суд ҳал қилув қарори чиқаришда давлат божи тўловининг кечикирилган қисмини ундиради.

Суд харажатларининг миқдорини камайтириш аризачи томонидан тўланиши лозим бўлган харажатлар микдорини озайтиришdir.

Суд харажатларини тўлашдан озод қилиш аризачи томонидан тўланиши лозим бўлган харажатлардан тўлиқ ёки қисман озод қилиш бўлиб, ушбу жараён қонун хужжатларига мувофиқ ва фуқаронинг мулкий аҳволига қараб амалга оширилади.

Суд харажатларини, шу жумладан, давлат божини тўлашдан озод қилиш ва миқдорини камайтириш масаласини ҳал қилишда суд тарафларнинг бу харажатларни қисман ёки бир йўла тўлашга қурби етмаслигини тасдиқловчи асослар (масалан, иш ҳақи (даромади), маблағи мавжудлиги, унинг эгалигига бўлган мулк сони ва қиймати, вояга етмаган фарзандлари, бошقا боқимандалари борлиги ва ҳ.к. тўғрисида маълумотларни) мавжудлигини текширади.

29 - Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми “Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 6-банди.

30 - Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 337-моддаси.

## ДАВЛАТ БОЖИ СТАВКАЛАРИ

Мулкка оид. бўлган тусдаги (ёки бахоланингдан) аризалардан давъо киммати мидоридан ёки бўйича

Атэр давъо бахоли энг кам иш хакининг	20 баробаригана бўлса, 20 баробаридан 40 баробаригана бўлса, 40 баробаридан 80 баробаригана бўлса, 80 баробаридан	Давъо бахолининг 5 фоми мидорида белтиланади. Давлат божи мидори баробаригана бўлса, баробаридан 80 баробаригана бўлса, кўп бўлса,	Давъо бахолининг 5 фоми мидорида белтиланади. Давлат божи мидори баробаригана бўлса, баробаридан 80 баробаригана бўлса, кўп бўлса,
--	--	---	---

Судларнинг карорларига  
кассация ва наорат  
шикоятларидан

Жинойиши бўйича  
фуқаролик ишларни биринчи  
инстанция судларидан кўриш  
даъвоваридан

Давъо бахосининг  
10% мидорида

Мулкка оид. бўлмаган тусдаги (ёки бахоланингдан)

аризалардан

Мулкка оид. бўлмаган тусдаги (ёки бахоланингдан) боши давъо аризаларидан ўй-хойларни имарата олиши шартномасини бекор килиш, ўй-жойларни ижара олиши шартномасини бекор килиш, вористликни кабул килиш муддатни узантитиши, хота олининган мулкка шартномасини бекор түргисидаги давъо аризалардан)	Мулкка оид. бўлмаган тусдаги (ёки бахоланингдан) боши давъо аризаларидан ўй-хойларни имарата олиши шартномасини бекор килиш, ўй-жойларни ижара олиши шартномасини бекор килиш, вористликни кабул килиш муддатни узантитиши, хота олининган мулкка шартномасини бекор түргисидаги давъо аризалардан)	Мулкка оид. бўлмаган тусдаги (ёки бахоланингдан) боши давъо аризаларидан ўй-хойларни имарата олиши шартномасини бекор килиш, ўй-жойларни ижара олиши шартномасини бекор килиш, вористликни кабул килиш муддатни узантитиши, хота олининган мулкка шартномасини бекор түргисидаги давъо аризалардан)	Мулкка оид. бўлмаган тусдаги (ёки бахоланингдан) боши давъо аризаларидан ўй-хойларни имарата олиши шартномасини бекор килиш, ўй-жойларни ижара олиши шартномасини бекор килиш, вористликни кабул килиш муддатни узантитиши, хота олининган мулкка шартномасини бекор түргисидаги давъо аризалардан)
Давлат божи куроласидаги шахсларнинг шахсларнинг хота-харакатларидан	Давлат божи куроласидаги шахсларнинг шахсларнинг хота-харакатларидан	Давлат божи куроласидаги шахсларнинг хота-харакатларидан	Давлат божи куроласидаги шахсларнинг хота-харакатларидан
Алоҳида куроладиган ишлар бўйича ариза (шикоятлардан)	Алоҳида куроладиган ишлар бўйича ариза (шикоятлардан)	Илк никоҳни бекор килиш Хашудаги давъо аризапаридан	Тақорорӣ никоҳни бекор килиш Хашудаги давъо аризапаридан

Узбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг  
1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган  
Давлат божи ставкалари (1-банди)



## 2.4.4. Давлат божи түловидан озод қилиш



Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 329-моддасида умумий юрисдикция судларида давлат божини түлашдан озод қилинган ҳолатларнинг түлиқ рўйхати келтирилган.

КОНУН ХУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИК ДАВЛАТ БОЖИНИ ТҮЛАШДАН ОЗОД ҚИЛИШ	
Жисмоний шахдар	<ul style="list-style-type: none"> <li>Иш ҳакини ундириб олиши тўғрисидаги даъволар ва меҳнат ҳуқуқлари муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа талаблар юзасидан.</li> <li>Муаллифлик ҳуқуқлари ва турдosh ҳуқуқлардан, шунингдек ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар келиб чиқкан жой номига, селекция итутига бўлган ҳуқуқдан келиб чиқадиган даъволар юзасидан.</li> <li>Алиментлар ундириши тўғрисидаги даъволар юзасидан.</li> <li>Меҳнатда майбўн булганлиги ёки соглигининг бошкача тарзда шикастланганлиги, шунингдек бокувчиси вафт этганлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан.</li> <li>Ноҳонаний ҳукм этиш, жинонай жавобгарликка тортиш, маъмурӣ жазо бериси туфайли жисмоний шахса етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ низолар юзасидан.</li> <li>Жинонай туфайли етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан.</li> <li>Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва конуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ даъволар юзасидан.</li> <li>Хусусий ўй-жой мулқорларининг ширкатлари, коммунал-фойдаланиш ташилотлари билан тузилган шартномалар шартлари ахолига ўй-жой-коммунал хизматлари кўрсатувчи корхоналар томонидан бажарилмаганлиги ёки поизим даражада бажарилмаганлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан.</li> <li>Жинонай туфайли етказилган моддий зарарнинг ундириб опиниши тўғри ёки нотўғри сканлиги низолашлаётган жинонай ишлар бўйича апелляция ва кассация шикоятлари юзасидан.</li> <li>Никонхи бекор қилиш тўғрисидаги мол-мұлкни бўлиш билан боғлиқ бўлмаган ишлар бўйича апелляция ва кассация шикоятлари юзасидан.</li> </ul>
Жисмоний ва юридик шахдар	<ul style="list-style-type: none"> <li>Суднинг ишни тугатиш ёки уни кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажримини бекор қилиш тўғрисидаги ариза бўйича.</li> <li>Суднинг ҳал қилув қарори ижросини кечитирishi ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзgartирish тўғрисидаги ариза бўйича.</li> <li>Даъвони таъминлаш ёки даъвони таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштириш тўғрисидаги ариза бўйича.</li> <li>Суднинг янги очилган ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарорини, ажримини ёки қарорини қайта кўриб чиқиши тўғрисидаги ариза бўйича.</li> <li>Суд томонидан белгиланган жаримани бекор қилиш ёки камайтириш тўғрисидаги, суднинг ҳал қилув қарори ижросини ўзgartирish тўғрисидаги, ўтказиб юборилган муддатни тикилаш тўғрисидаги ариза бўйича.</li> <li>Суд ижрочисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлар юзасидан, суднинг жаримани бекор қилиш ёки камайтиришнинг рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан хусусий шикоятлар ҳамда буд акримни устидан бошқа хусусий шикоятлар юзасидан.</li> <li>Жинонай ишлари ва алиментларни ундиришга доир фуқаролик ишлари билан боғлиқ ҳуқоқатлари берганлик юзасидан.</li> <li>Муаллифлик ҳуқуқлари ва турдosh ҳуқуқлардан, шунингдек ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, товар белгисi, хизмат кўрсатиш белгисi ва товар келиб чиқкан жой номига, селекция итутига бўлган ҳуқуқдан келиб чиқадиган даъволар юзасидан.</li> <li>Жинонай туфайли етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан.</li> <li>Конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларнинг конун билан муҳофаза килинадиган ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя килинишини сўраб судга ариза билан мурожаат этиш юзасидан.</li> </ul>

Давлат божи тўловидан озод қилишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ушбу имтиёз иш бўйича давлат божи тўловидан озод қилинмаган жавобгарга нисбатан татбиқ этилмайди. Қонунга мувофиқ аризачи давлат божини тўлашдан озод қилинган ҳолларда даъво қаноатлантирилган тақдирда давлат божи, агар жавобгар давлат божини тўлашдан озод қилинмаган бўлса, қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда жавобгардан ундирилади.<sup>31</sup>

## § 2.5. АРИЗАНИ СУДГА ТОПШИРИШ ТАРТИБИ

### 2.5.1. Аризани судга топшириш тартиби

Аризалар судга аризачининг ўзи ёки вакили орқали бевосита, почта орқали ёки электрон судлов ахборот тизими E-SUD орқали топширилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунининг 8-моддасига мувофиқ, давлат органларида жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонунига кўра жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш суд раислари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда судьялар томонидан амалга оширилади.

Ушбу қонун билан фуқароларни ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакилларини қабул қилиш, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиши ташкиллаштириш суд органлари раҳбарларининг зиммасига юклатилган.

Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш белгиланган кун ва соатларда, қабул қилиш жадвалларига мувофиқ ўтказилади.

Қабул қилиш жадвали ва уни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тўғрисидаги ахборот, шунингдек қабул қилиш тартиби давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш, шунингдек, уларнинг маъмурий биносида ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказилади.

31 - Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 337-моддасининг 23-қисми.



Мазкур қонун талабларига мувофиқ, судларда фуқаролар қабули ташкиллаштирилган бўлиб, аризалар қабул кунлари ва соатларида аризачининг бевосита ўзи ёки ваколатли вакили томонидан топширилиши мумкин. Аризалар судларда бевосита қабул жараёнида топширилганда аризанинг бир нусхасига қабул қилингандиги ҳақида белги қўйилади.

Аризалар судларда суднинг раиси, унинг ўринбосари ёки судья томонидан қабул қилинади.

Аризалар судларга почта орқали ҳам юборилиши мумкин. Аризалар почта орқали юборилганда фуқаролар почта жўнатмасининг юборилганлигини тасдиқловчи квитанцияни олишлари лозим.

Суд органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқаролик судлов тизимини янада такомиллаштириш мақсадида 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва БМТ ТДнинг “Фуқаролик судлов ишини исплоҳ қилиш: самарали судлов бошқаруви” лойиҳаси доирасида E-SUD Электрон судлов ахборот тизими (ЭСАТ) ишлаб чиқилди ва жорий этилди ҳамда фуқаролар судларга аризаларни мазкур тизим орқали тизимдан рўйхатдан ўтган ҳолда топширишлари мумкин.

Ахборот тизимининг интернетдаги манзили – [www.esud.uz](http://www.esud.uz).

### **2.5.2. Судларда фуқароларнинг қабули**

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунининг 8-моддасига кўра, давлат органларида жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш ташкил этилиши лозимлиги белгиланган бўлиб, ушбу талаб судларга нисбатан ҳам тааллуқлидир.

Мазкур қонунга мувофиқ, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш давлат органининг раҳбари ёхуд бошқа ваколатли шахс томонидан амалга оширилади. Бунинг учун давлат органларида маҳсус таркибий бўлинмалар ташкил этилиши мумкин, қабул учун масъул бўлган мансабдор шахслар белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонунида ҳам Ўзбекистон Республикаси судлари раислари ҳамда ўринбосарларининг фуқароларни шахсан қабул қилиши лозимлиги белгиланган.

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунга кўра қабул қилиш жадваллари ва уни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тўғрисидаги ахборот, қабул қилиш тартиби давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш, шунингдек, уларнинг маъмурий биносида ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга

ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказилади.

Жисмоний шахс оғзаки мурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи хужжатни, юридик шахснинг вакили эса ўз ваколатларини тасдиқладиган хужжатни, шунингдек, ўз шахсини тасдиқловчи хужжатни кўрсатиши керак.

Давлат органларида жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш тартиби мазкур органлар раҳбарлари томонидан белгиланади.

Агар шахсий қабул давомида баён этилган масалаларни ҳал этиш давлат органининг ваколатларига кирмаса, тегишли мансабдор ёки бошқа ваколатли шахслар мурожаат этувчига мурожаатда баён этилган масалаларни ҳал этиш учун қайси органга ёки ташкилотга мурожаат қилиш лозимлигини тушунтириши керак.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми “Фуқароларнинг суд ишларига доир мурожаатларини кўриб чиқиш амалиёти ҳақида”ги қарорининг 2-бандида барча судларда фуқароларнинг Конституция ва қонунларда кафолатланган суд қарорлари устидан шикоят қилиш хукуқларини амалга оширишлари учун зарур шарт-шароит яратилган бўлиши лозимлиги, суд ишлари юзасидан мурожаат қилиш тартиби ва муддатлари ҳақидаги қоидалар ўзбек ва кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилларда ёзилиб, суд биноларининг фуқаролар учун кўринарли жойларига илиб қўйилиши шартлиги белгиланган.

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунга кўра жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш белгиланган кун ва соатларда, қабул қилиш жадвалларига мувофик ўтказилади.





## III БОБ. АРИЗАЛАРНИНГ СУДДА КҮРИЛИШИ





## § 3.1. АРИЗАНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ФУҚАРОЛИК ИШИ ҚҮЗҒАТИШ

### 3.1.1. Ариза бўйича суд томонидан қабул қилинадиган қарорлар

Судга топширилган ариза бўйича суд томонидан қуидаги қарорлар қабул қилинади:

- фуқаролик иши қўзғатиш ҳақида ажрим;
- аризани қабул қилишни рад этиш ҳақида ажрим;
- аризани ҳаракатсиз қолдириш ҳақида ажрим.

Ариза Фуқаролик процессуал кодексининг 149 ва 150-моддалари талабларига риоя этилган ҳолда берилган, давлат божи тўланган бўлса, судья томонидан фуқаролик иши қўзғатилади.

АРИЗАНИ ҚАБУЛ  
ҚИЛИШНИ РАД ЭТИШ  
АСОСЛАРИ  
(ФПК 152-моддаси)

- ариза судда кўришга тегишли бўлмаса.
- суднинг айнан тарафлар ўртасида, айнан бир нарса тўғрисида ва айнан бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан қабул қилиниб, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёхуд даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганилигини қабул қилиш ёки тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрими мавжуд бўлса.
- суд айнан бир тарафлар ўртасида, айнан бир нарса тўғрисида ва айнан бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан иш юритаётган бўлса.
- тарафлар ўртасида ушбу низони ҳал қилиш учун ҳакамлик судига топшириш ҳақида ҳакамлик битими тузиленган бўлса.
- тарафлар ўртасида ушбу низони ҳал қилиш учун ҳакамлик судига топшириш ҳақида ҳакамлик битими тузиленган бўлса.
- иш шу суднинг судловига тааллуқли бўлмаса.
- ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса.
- манбаётдор шахсномидан аризани иш юритиш ваколатига эга бўлмаган шахс берган бўлса.

Агар судья аризани қабул қилишни рад этса, бу ҳақда ариза тушган кундан эътиборан ўн кун ичидаги асослантирилган ажрим чиқаради. Башарти иш судга тааллуқли бўлмаса, судья ажримда аризачи қайси органга мурожаат қилиши кераклигини ёки иш қўзғатишга тўсқинлик қилаётган ҳолатларни қандай бартараф этишни кўрсатиши шарт.

Ариза иловалар ва ажримнинг нусхаси билан биргаликда даъвогарга қайтарилади.

Суд томонидан аризанинг ҳаракатсиз қолдирилишига ариза Фуқаролик процессуал кодексининг 149 ва 150-моддаларида баён этилган талабларга



риоя қилинмай берилганлигини, яъни аризанинг мазмунига оид қонун томонидан ўрнатилган талабларга риоя қилинмаганлиги ҳамда ариза ва бошқа ҳужжатларнинг нусхалари жавобгарларнинг сонига мутаносиб тарзда берилмаганлиги ёки давлат божи тўланмаганлиги асос бўлади.

Судья аризани ҳаракатсиз қолдириш тўғрисида ажрим чиқариб, бундан аризачини хабардор қиласи ва камчиликтарни тузатиш учун унга муҳлат беради. Ажрим имзо кўйдириб топширилади ёки почта орқали ёхуд аҳборот тизими орқали электрон шаклда юборилади.

### 3.1.2. Судга тақороран мурожаат қилиш

Фуқаро томонидан судга топширилган аризани қабул қилиш рад қилинганлиги ёки ариза ҳаракатсиз қолдирилганидан кейин бунга асос бўлган ҳолатлар бартараф этилмаганлиги сабабли қайтарилиганлиги шахснинг судга тақороран мурожаат қилиш ҳуқуқини истисно этмайди.

Фуқаролик процессуал кодексининг 152-моддаси 2-қисмига мувофиқ, аризани қабул қилиш рад қилинганда бунга асос сифатида:

- иш шу суднинг судловига тааллуқли эмаслиги;
- ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилганлиги;
- манфаатдор шахс номидан аризани иш юритиш ваколатига эга бўлмаган шахс берганлиги кўрсатилган бўлса, йўл кўйилган хатолар бартараф этилса, шу иш бўйича судга иккинчи марта ариза билан мурожаат этиш мумкин.

Шахс тақороран мурожаат қилишда аризани қабул қилишни рад қилишнинг асосларини муҳокама қилиши, яъни:

- судловга тааллуқлилик қоидалари бузилган бўлса, ариза билан тақороран тааллуқли судга мурожаат қилиши;
- ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса, ушбу шахс номидан иш юритишга қонун бўйича ваколатли шахс томонидан ариза бериш ёки фуқаронинг муомала лаёқати тикланганидан кейин мурожаат қилиши;
- аризани манфаатдор шахс номидан иш юритиш ваколатига эга бўлмаган шахс берган бўлса, вакилнинг ваколатларини қонун талабларига мувофиқ расмийлаштиргандан кейин ёки манфаатдор шахснинг бевосита ўзи томонидан тақороран мурожаат қилиши мумкин.

Ариза суд томонидан ҳаракатсиз қолдирилганидан кейин бунга асос бўлган камчиликлар белгиланган муддатда бартараф этилмаса берилмаган ҳисобланиб, даъвогарга қайтарилади ва бу ҳақда ажрим чиқарилади.

Аризачи мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун белгиланган муддат ўтказиб юборилганидан кейин ҳам аризанинг ҳаракатсиз қолдирилишига сабаб бўлган камчиликларни бартараф этиб, шу иш бўйича иккинчи марта (янгидан) судга мурожаат этиши мумкин.

## § 3.2. ФУҚАРОЛИК ИШИННИНГ СУДДА КЎРИЛИШИ

### 3.2.1. Фуқаролик суд ишларини юритишнинг тамойиллари



#### ФУҚАРОЛИК СУД ИШЛАРИНИ ЙУРИТИШНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

Суд томонидан фуқаролик ишини қўзғатиш ёки аризани қабул қилишни рад қилиш

Суд томонидан аризани суд мажлисида кўришга тайёрлаш

Суд томонидан аризани суд мажлисида кўриш ва ҳал қилув қарорини эълон қилиш

Ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қоидалар тизимида умумий, йўналиш ва мазмун берувчи ўзига хослик мавжуд бўлиб, мазкур ўзига хослик тамойиллар кўринишида намоён бўлади.

Тамойилларнинг таъсир кучи унда белгиланган қоидаларнинг фуқаролар ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилишга қанчалик тўғри йўналтирилганлигига, қанчалик ҳаётий эканлигига ўз ифодасини топади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 1-бобида асосий қоидалар – фуқаролик суд ишларини юритишнинг тамойиллари белгиланган бўлиб, унга кўра, фуқаролик ишлари бўйича одил судлов фақат суд томонидан ҳамда фуқароларнинг тенглиги, судъяларнинг мустақиллиги таъминланган ҳолда, тарафларнинг тортишуви асосида, ошкора амалга оширилиши белгиланган.

Ушбу қонун нормалари мазмунида халқаро ҳуқуқнинг энг эътиборли ҳуҗжатларидан бири – “Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон Декларацияси”да белгиланган барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш, тиклаш ҳуқуқига эга эканлиги (Декларациянинг 7, 8-моддалари) қоидаларининг акс эттирилганлиги миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари ўртасидаги ҳамоҳангликнинг тасдигидир.

Шунингдек, Фуқаролик процессуал кодексининг 9-моддасига кўра, суд иши юритилаётган тилни билмайдиган шахсларга уларнинг ўз



она тилида тушунтиришлар бериш, иш ҳужжатларини фуқаролик иши иштирокчиларнинг она тилига таржима қилиб бериш кафолатланади.

Судда ишни кўришнинг бевоситалиги ва оғзакилиги тамойили эса тарафларга ўз важларини суд мажлиси жараёнида судга бевосита келтириш (маълум қилиш), судьяларга эса иш ҳолатларини аниqlаш ҳамда ички ишонч ҳосил қилиш имконини беради.

Суд томонидан қабул қилинган ҳал қилув қарорлари, ажрим ва қарорлар давлат органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлиб, ушбу қоида суднинг қарорларида акс эттирилган фуқаролар манфаатларининг муқаррар таъминланишини кафолатлади.

Шунингдек, Фуқаролик процессуал кодексининг 17-моддасида суд фаолияти устидан юқори судларнинг назорати белгиланган бўлиб, бу ўз навбатида суд томонидан қабул қилинган қарорлардан норози бўлган шахсларнинг суд қарорлари устидан шикоят қилиш хукукларини таъминлайди.

Мазкур тамойиллар фуқаролик суд ишларини юритиш учун умумий, йўналиш берувчи ва раҳбарлик қилувчи, шу билан бирга риоя этилиши мажбурий бўлган қоидалар бўлиб, Фуқаролик процессуал кодекси нормалари таҳлил қилинганда, ундаги тамойиллар Кодекснинг барча моддалари мазмунида ўз ифодасини топганлиги кўринади. Бу эса Фуқаролик процессуал кодекси тамойиллари фақат умумий қоида сифатида белгилаб қўйилмаганлигини, фуқаролик суд ишларини юритишни белгиловчи ҳар бир нормага ўз таъсирини кўрсатгандигини, уларга умумий қоидаларга асосланган ҳолда қиёфа берганлигини кўрсатади.

Жумладан, Фуқаролик процессуал кодексининг 7-моддасида белгиланган судьяларнинг мустақиллиги тамойили бузилган ҳолда, яъни судья(лар) ҳал қилув қарори, қарор, ажримни қабул қилишда ўз мустақил фикрига асосланмаса, ҳал қилув қарори, қарор, ажрим чиқаришда суд маслаҳатининг сир сақланишига доир қоидалар бузилса, Фуқаролик процессуал кодексининг 314-моддаси 2-қисми 5-бандига кўра, ҳал қилув қарори, қарор, ажрим бекор қилинади.

Шунингдек, Фуқаролик процессуал кодексининг 314-моддаси 2-қисми 3-бандига кўра, иш кўрилаётганида иш юритиладиган тилга доир қоидаларнинг бузилиши, ҳал қилув қарори, қарор, ажримнинг бекор қилинишига асос бўлади.

Ушбу ҳолатлар фуқаролик суд ишларини юритиш тамойилларига риоя этмаслик суд қарорларининг бекор бўлишига сабаб бўладиган даражада таъсиричан эканлигини кўрсатмоқда.

Фуқаролик суд ишларини юритиш тамойилларининг фуқаролик суд ишларини юритишнинг қоидалари учун раҳбарий, йўналиш берувчи эканлиги, керак бўлса, риоя этилиши мажбурий эканлиги, тамойилларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигига устувор норма эканлигини кўрсатади.

### **3.2.2. Аризачининг суддаги мақоми, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Қонунга мувофиқ судда фуқаролик ишини қўзғатишнинг асосларидан бири ўзининг ҳуқуқи ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилган шахснинг аризаси бўлиб, мазкур шахс судга қилинган мурожаатнинг мазмунига қараб “даъвогар” ёки “аризачи” сифатида эътироф этилади. Процессуал қонунчиликка мувофиқ, судга шахс номидан тегишли ваколатларга эга бўлган вакил ҳам мурожаат қилиши мумкин. Бироқ фуқаролик иши кимнинг аризасига асосан қўзғатилганидан катъи назар, манфаати ҳимоя қилиниб иш қўзғатилган шахс даъвогар (аризачи) хисобланади.


Юқорида қайд этилганидек (қўлланманинг 2.3.1-мавзуси), фуқаролик процессуал қонунчилиги фуқаролик суд ишларини юритишнинг буйруқ тартибидаги ишлар, даъво тартибидаги ишлар, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоятлар бўйича ишлар, алоҳида тартибда кўриладиган ишлар каби турларини назарда тутади.

Иш юритишнинг мазкур турларига қараб судга ариза билан мурожаат қилган шахс даъво тартибидаги ишлар бўйича “даъвогар”, суд буйруғи тартибида иш юритиш бўйича “ундирувчи”, фуқаролик тартибида иш юритишнинг қолган барча турлари бўйича эса “аризачи”, деб эътироф этилади.

Даъвогар – ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат этган ёнки манфаатини қўзлаб иш қўзғатилган шахс.<sup>32</sup>

Даъвогар (аризачи) фуқаролик процессининг тарафларидан бири бўлиб, процессуал қонунчиликка мувофиқ (Фуқаролик процессуал кодексининг 34-моддаси), бир қатор ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

32 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 39-моддаси 2-қисми.



Жумладан, даъвогар (аризачи) иш материаллари билан танишиш, улардан қўчирмалар олиш, нусхалар кўчириш, рад этиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашаётган шахсларга саволлар бериш, арз қилиш, илтимосномалар тақдим этиш, судга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, ишни судда кўриш давомида туғиладиган ҳамма масалалар бўйича ўзларининг важларини баён қилиш, бошқа шахсларнинг арзлари, илтимосномалари, важларига қарши эътиrozлар билдириш, суднинг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори ва буйруғи устидан шикоят қилиш, суд чиқарган ҳал қилув

қарори, ажрими, қарори ва буйруқнинг мажбурий ижросини талаб қилиш, суд ижрочисининг ҳаракатлари вақтида ҳозир бўлиш ва ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Фуқаролик процессуал қонунчилигида даъвогар (аризачи)нинг ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан фарқи фақат унга хос қуидаги ҳуқуқлари белгиланган: даъвогар ўз арзида баён қилинган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларининг миқдорини оширишга ёки камайтиришга, улардан бутунлай ёки қисман воз кешишга ҳақпи.

Даъво ишининг тарафлари процесснинг исталган босқичида келишув битими тузиш орқали ишни якунлашга ҳақлидирлар.<sup>33</sup>

Фуқаролик суд ишларини юритишнинг буйруқ тартибидаги ишлари ҳамда алоҳида тартибда кўриладиган турлари бўйича жавобгар бўлмаслиги сабабли тарафларнинг процессуал ҳуқуқларидан келишув битимини тузиш ҳуқуқи шахс судда аризачи мақомида иштирок этганида истисно этилади.

Қонунга мувофиқ ишда иштирок этувчи шахслар ўзларига берилган барча процессуал ҳуқуқлардан инсофли равишда фойдаланишлари ва ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажаришлари шарт.

### **3.2.3. Фуқаролик процессининг иштирокчилари**

Ҳуқуқ ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатни ҳимоя қилишни сўраб судга қилинган мурожаат асосида қўзғатилган фуқаролик иши бўйича юзага келган процесс иштирокчилари қуидаги тоифаларга бўлинади:

- одил судловни амалга ошириш, фуқаролик ишини қўриш ваколатига эга бўлган суд;
- фуқаролик ишининг оқибатидан бевосита манфаатдор шахслар, яъни тарафлар;
- прокурор;
- одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар.

Конституция ва қонунларга мувофиқ одил судловни амалга ошириш фақат суднинг ваколатига тааллуқли бўлиб, судьялар ушбу жараёнда қонун бўйича зиммасига юклangan вазифаларни бажарадилар ва уларга берилган ваколатлардан фойдаланадилар.

Судьяларнинг фуқаролик, хўжалик ва жиноят ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш чоғида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва бошқа қонунларига сўзсиз риоя қилишлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, қадр-қиммати

33 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 40-моддаси.



ва мол-мулки, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашлари, беғараз ва адолатли бўлишлари шартлиги белгиланган.<sup>34</sup>

Фуқаролик ишининг оқибатидан бевосита манфаатдор шахслар, яъни **тарафлар сифатида аризачи (даъвогар) ва жавобгар эътироф этилади.**

Жавобгар — суд томонидан даъвогарнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари юзасидан жавоб бериш учун жалб қилинган шахс.<sup>35</sup>

Аризачи (даъвогар)нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юқоридаги мавзууда батафсил ёритилган бўлиб, қонунчиликда тарафларнинг процессуал ҳуқуқлардан тенг фойдаланишлари ҳамда тенг мажбуриятларга эга эканликлари эътироф этилган. Яъни жавобгар ҳам даъвогар билан тенг равища Фуқаролик процессуал кодексининг 34-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадир.

Жавобгар даъвогарнинг талабини тўлиқ ёки қисман тан олишга ҳақлидир.

Учинчи шахслар процессуал қонунчиликда мустақил талаблар билан арз қилувчи ва мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар сифатида ажратилади.

*Мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар* – фуқаролик иши қўзғатилганидан кейин ишга киришган ҳамда низоли ҳуқуқий муносабатлар иш қўзғатиш ҳақида мурожаат қилган шахснинг эмас, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор эканлигини эътироф этувчи шахслардир.

Яъни арз қилинган талаблардаги ҳуқуқий муносабатлар аризачининг эмас, ўзи (учинчи шахс)нинг манфаатларига тегишли эканлигини арз қилувчи шахслардир.

Мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар бошқа шахсларнинг аризаси билан қўзғатилган ишга суд ҳал қилув қарорини чиқаргунига қадар киришадилар ҳамда ишда даъвогар ва жавобгарнинг ҳуқуқ ва манфаатлари билан мос бўлмаган ўз ҳуқуқларини ҳимоя

34 - Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни 66-моддасининг 1-қисми.

35 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 39-моддасининг 3-қисми.

қиладилар. Улар даъвогарнинг ҳамма ҳуқуқларидан фойдаланадилар ва унинг ҳамма мажбуриятларини ўз зиммаларига оладилар.<sup>36</sup>

### ИШДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ШАХСЛARНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### Даъвогарларнинг алоҳида ҳуқуқ ва мажбуриятлари

**Даъвогар** ўз арзida баён қилинган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартирishiш, даъво талабларининг миқдорини ошириша ёки камайтириша, улардан бутунлай ёки кисман воз кечишга ҳақли.

Даъвогар процессининг исталган босқичида келишув битими тузиш орқали ишни яқунлашга ҳақидидir.

#### Учинчи шахларнинг алоҳида ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Учинчи шахслар даъвогарнинг ҳамма ҳуқуқларидан фойдаланадилар ва унинг ҳамма мажбуриятларини ўз зиммаларига оладилар.

Мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар тарафларнинг арз қилинган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартирishiш, миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш, улардан воз кечиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг умумий ҳуқуқ ва мажбуриятлари

- иш материаллари билан танишиш;
- иш материалларидан кўчирмалар олиш;
- иш материалларидан нусхалар кўчириш;
- рад этиш тўғрисида арз қилиш;
- далиллар тақдим этиш;
- далилларни текширишда иштирок этиш;
- ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ва одил судловни амалга ошириша кўмаклашётган шахсларга саволлар бериш;
- арз қилиш;
- илтимосномалар тақдим этиш;
- судга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш;

- ишни судда кўриш давомида туғиладиган ҳамма масалалар бўйича ўзларининг вакиларини баён қилиши;
- бошқа шахсларнинг арзлари, илтимосномалари, важларига қарши эътироzlар билдириш;
- суднинг ҳал қилув қарори, ахрими, қарори ва бўйргу устидан шикоят қилиш;
- суд чиқарган ҳал қилув қарори, ахрими, қарори ва бўйрукнинг мажбурий ижросини талаб қилиш;
- суд ижроқисининг ҳаракатлари вақтида ҳозир бўлиш ва ўз ҳуқуқларини амалга ошириш;
- ҳамда ФПК назарда тутилган бошқа процессуал ҳуқуқларга эга.

Ишда иштирок этувчи шахслар ўзларига берилган барча процессуал ҳуқуқлардан инсофли равища фойдаланишлари ва ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажаришлари шарт.

#### Жавобгарларнинг алоҳида ҳуқуқ ва мажбуриятлари

##### Жавобгар

даъвогарнинг талабини ўтилик ёки кисман тан олишга ҳақли.

Жавобгар процессининг исталган босқичида келишув битими тузиш орқали ишни яқунлашга ҳақидидир.

#### Прокурорнинг алоҳида ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўрикландиган манфаатларини химоя қилиш учун ариза билан судта мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек прокурор бошқа шахслар ташаббуси билан кўзгатилган ишни кўришда бошидан иштирок этиш ҳуқуқига эга.

*Мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар - иш бўйича чиқариладиган ҳал қилув қарори уларнинг тарафлардан бирига нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир этадиган шахслар бўлиб, суд ҳал қилув қарори чиқаргунига қадар даъвогар ёки жавобгар томонида ишга киришишлари мумкин.*

*Мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар шартли равища тарафлардан бири (даъвогар ёки жавобгар) томонида туриб*

36 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 44-моддаси.



иштирок этади ҳамда қайси тарафда иштирок этишига қараб, унга тегишли ҳуқук ва мажбуриятлардан фойдаланади.

Иш бўйича чиқариладиган ҳал қилув қарори учинчи шахсларнинг тарафлардан бирига нисбатан бўлган ҳуқук ва мажбуриятларига таъсир этади, лекин улар ўртасидаги ҳуқуқий муносабат суд муҳокамасининг предмети бўлмайди.<sup>37</sup>

Қонун мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахсларнинг бундай талаблар билан арз қиладиган учинчи шахслардан фарқли равища, арз қилинган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартириш, миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш, улардан воз кечиш ҳуқуқларини истисно этади.

Амалиётда баъзи ҳолатларда низонинг судда кўрилиши жараёнида тарафлардан бирининг вафоти ҳолатлари кузатилади. Лекин тараф бўлган шахснинг вафоти низоли ҳуқуқий муносабатнинг муқаррар равища барҳам топишига олиб келмасдан (мурожаат мазмунига қараб айrim ишлардан ташқари, масалан, ишга тиклаш ёки жавобгар вафот этганда алимент ундириш ҳақидаги), қонун ишни кўришда процессуал ҳуқуқий ворисликка йўл қўяди.

Ҳуқуқий ворислик процессининг ҳар қандай босқичида амалга оширилиши мумкин. Ҳуқуқий ворис процессга киришгунига қадар амалга оширилган барча ҳаракатлар ҳуқуқий ворисга ўрнини бўшатиб берган шахсга қай даражада мажбурий бўлган бўлса, ҳуқуқий ворисга ҳам шу даражада мажбурийдир.

Прокуратура органлари қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси худудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадилар.<sup>38</sup>

Ушбу вазифаларни амалга оширишда прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш, шунингдек бошқа шахслар ташаббуси билан қўзғатилган ишни кўришда бошидан иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Прокурор Фуқаролик процессуал кодексининг 34-моддасида назарда тутилган процессуал ҳуқуқлардан фойдаланади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади ҳамда бундан ташқари, берган аризасидан бутунлай ёки қисман воз кечиш, бошқа шахсларнинг ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўзи арз қилган талаблар бўйича судга тушунтиришлар бериш, иш мазмуни юзасидан, шунингдек ишни кўриш вақтида келиб чиқсан айrim

37 - М.Мамасидиков “Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм”, дарслик.

38 - Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни 1-моддасининг 2-қисми.

масалалар бўйича ўз фикрини баён этиш, суднинг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори юзасидан протест келтириш хукуқига эга.





Агар даъвогар рози бўлмаса, прокурор ўзи арз қилган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларининг миқдорини кўпайтириш ёхуд камайтиришга ҳақли эмас.<sup>39</sup>

*Одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар.*

Гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, ёзма ва ашёвий далилларни сақловчилар, холислар ва ижро ишларини юритишда молмulkни сақловчилар одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар ҳисобланади.

Одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар ўз тушунтиришларини оғзаки ёки ёзма равишда баён қилишга, ёзувлардан фойдаланишга, шунингдек ушбу Кодексда ўзларига берилган бошқа процессуал ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақлидирлар.

Одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар ўз зиммаларига юклатилган процессуал мажбуриятларни бажаришлари лозим.

### **3.2.4. Иш кўрилиши ҳақида иштирокчиларни хабардор қилиш тартиби**

Фуқаролик суд ишларини юритишнинг тамойилларидан бири судда ишни кўришнинг бевоситалиги бўлиб, бу суд мұхокамаси иштирокчиларининг бевосита суд мажлисида иштирок этишларини тақозо этади. Процессуал қонун талабларига кўра, судья ишни суд мажлисида кўришга тайинлаш тўғрисида ажрим чиқарганидан кейин тарафлар ва процесснинг бошқа иштирокчиларига ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида маълум қилиши лозим.

Ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар суд чақирув қоғозлари, зарур ҳолларда эса телефонограммалар, телеграммалар ва хабардор қилинганлик факти қайд этилишини таъминлайдиган бошқа алоқа воситалари орқали судга чақирилади ҳамда суднинг айрим процессуал ҳаракатлари тўғрисида хабардор қилинади.<sup>40</sup>

Чақирув қоғози ишда иштирок этувчи шахсларга ва процесснинг бошқа иштирокчиларига судга ўз вақтида келиш ва ишга тайёрланиш учун етарли вақтга эга бўлишларини мўлжаллаб топширилиши керак.

39 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 47-моддаси.

40 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 132-моддасининг 1-қисми.

Ишда иштирок этувчи шахслар иш юритилаётган вақтда ўз манзили ўзгаргани ҳақида судга маълум қилишлари шарт. Акс ҳолда, чақирув қозози судга маълум бўлган охирги манзил бўйича юборилади ва чақирилувчи бу манзилда яшамаётган бўлса-да, чақирув қозози унга топширилган ҳисобланади.<sup>41</sup>

Ишда иштирок этувчи шахслар телефони ва факс рақамларини, электрон манзилини судга маълум қилган тақдирда, иш юритилаётган вақтда уларнинг ўзгарганлиги ҳақида судни хабардор қилиши керак.

Қонунга мувофиқ, фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ариза қабул қилинган кундан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмай амалга оширилиши лозим.

Мурожаатларнинг ўз муддатида ҳал этилишини таъминлаш суднинг зиммасидаги мажбуриятдир. Шу билан бирга мурожаатнинг ўз муддатида ҳал қилинишини таъминлаш судга арз қилган фуқаронинг манфаатларига ҳам мос эканлиги сабабли уларга суддан хабарнома кутмасдан, бевосита ўзи судга келгани ҳолда хабардор бўлиши тавсия этилади.

### **3.2.5. Фуқаролик ишини судда кўришга тайёргарлик жараёни**

Фуқаролик тартибида судда иш юритишнинг мақсади бузилган ҳуқуқларни қонуний ва асосли ҳал қилув қарори чиқариш ҳамда унинг ижросини таъминлаш орқали тиклаш бўлиб, суд ушбу вазифаларни муайян босқичлардан ўтмасдан туриб, дарҳол ҳал этиш имконига эга эмас.

Ушбу жараёнда фуқаролик ишини судда кўришга тайёргарлик босқичи алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, аризанинг суд томонидан қабул қилиниши ва фуқаролик иши қўзғатилиши билан бошланади.

Ишни судда кўришга тайёрлаш – фуқаролик ишларини ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилишни таъминлаш мақсадида суд ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг процессуал ҳаракатларининг мажмuinи ўзида ифода этувчи биринчى инстанция судида иш юритишнинг мустақил босқичи ҳисобланади.<sup>42</sup>

Ишни судда кўришга тайёрлаш суд муҳокамасининг асоси ҳисобланиб, суд муҳокамасининг якуний натижаси кўп жиҳатдан ушбу босқичнинг сифатига боғлиқ бўлади.

41 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 138-моддаси.

42 - М.Мамасиддиқов “Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм”, дарслик.



## ИШНИ СУДДА КҮРИШГА ТАЙЁРЛАШ ВАЗИФАЛАРИ

Тарафларнинг хукукий муносабатларини ва ишни кўрища амал қилинishi лозим бўлган қонунни аниqlаш

Тарафларнинг талаб ва эътиrozларини асословчи фактларни, шунингдек низони тўғри ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган бошقا фактларни аниqlash

Ишда иштирок этиши мумкин бўлган шахслар таркиби масаласини ҳал этиш

Ишни ҳал этиш учун зарур бўлган далиллар доирасини аниqlash ва уларнинг ўз вақтида суд мажлисига тақдим этилишини таъминлаш

Судья аризани қабул қилиб, фуқаролик иши қўзғатганидан сўнг, ишни ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш мақсадида уни судда кўришга тайёрлайди.

Фуқаролик процессуал кодексининг 131-моддаси 1-қисмига кўра, фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ариза қабул қилинган кундан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмай амалга оширилиши лозим.

Бу муддат алоҳида ҳолларда ўта мураккаб ишлар бўйича судьянинг асослантирилган ажримига биноан кечиктирилиб, йигирма кунга етказилиши мумкин.

Фуқаролик ишини судда кўришга тайёрлашнинг асосий вазифалари мажмуасига судья томонидан тарафларнинг хукукий муносабатларини ҳамда ишни ҳал этиш учун зарур бўлган далиллар доирасини аниqlash билан бирга, тарафларни келиштириш ҳамда келажакда чиқариладиган суднинг ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаш чораларини кўриш киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми “Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриш муддатлари тўғрисида”ги қарорининг 11-бандига кўра, ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида агар даъвони таъминлаш бўйича чораларни кўрмаслик ҳал қилув қарорини ижросини қийинлаштирадиган ёки уни бажариб бўлмайдиган қилиб қўядиган бўлса, судья Фуқаролик процессуал кодексининг 248-моддасига мувофиқ ишни судда кўришга тайёрлаш давомида даъвони таъминлаш бўйича чоралар қўллашга ҳақли эканлиги белгиланган.

Шу жараёнда судья далилларни таъминлаш бўйича чоралар кўриши мумкин, зеро, Фуқаролик процессуал кодексининг 61-моддаси ариза берилган вақтдан бошлаб судья далилларни таъминлаши мумкинлигини назарда тутади. Далилларни таъминлаш тарафларнинг илтимосига кўра ёки суднинг ташаббуси билан ажрим асосида амалга оширилади.

Судья ишни етарли даражада тайёрланган деб топгач, уни суд мажлисида кўришга тайинлаш тўғрисида ажрим чиқаради, тарафлар ва процесстнинг бошқа иштироқчиларига ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида маълум қиласди.

#### ФУҚАРОЛИК ИШНИ СУДДА КЎРИШГА ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНИДА СУДЬЯНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ

- |   |   |   |
|---|---|---|
| <ul style="list-style-type: none"> <li>• Даъвогарни арз қилган талабларининг моҳияти бўйича сўрек қиласди.</li> <li>• Даъвогардан жавобгар билдириши мумкин бўлган эътиrozларни аниқлайди.</li> <li>• Даъвогарга кўшимча далиллар тақдим этишини таклиф қиласди (зарур бўлса).</li> <li>• Даъвогарга арз қилган талабларидан воз кечиш хукукими ва воз кечишнинг хукукни оқибатларини тушунтиради.</li> </ul>                                   | <ul style="list-style-type: none"> <li>• Жавобгарни чақиради, ишнинг ҳолатлари бўйича уни сўрек қиласди (коида тариқасида).</li> <li>• Жавобгардан даъвогарнинг талабига қарши қандай эътиrozлар борлигини ва бу эътиrozларни қандай далиллар билан исботланиши мумкинлигини аниқлайди.</li> <li>• Жавобгарга даъвогарнинг талабларини тан олиш ёхуд қарши талаблар тақдим этиш хукуқига эга эканлигини тушунтиради.</li> <li>• Жавобгарга иш юзасидан ёзма тушунтиришлар тақдим этишини таклиф қиласди (алоҳида мураккаб ишлар бўйича).</li> </ul>                   | <ul style="list-style-type: none"> <li>• Тарафлардан келишув битими тузиш эҳтимолини аниклайди ва келишув битимининг хукукий оқибатларини тушунтиради.</li> </ul>   |
| <ul style="list-style-type: none"> <li>• Ишга учинчи шахсларнинг жалб этилиши ёки киришиши масаласини ҳал қиласди ва ишда иштирок этишига йўл кўйилган учинчи шахсларни мувофик сўрек қиласди.</li> <li>• Ишни кўрища вакилларнинг қатнашиши масаласини ҳал қиласди.</li> <li>• Ишда прокурорнинг иштирок этиши тўғрисидаги ва тегисли давлат бошқаруви органини суд процессида қатнашишга жалб этиши ҳақидаги масалани ҳал қиласди.</li> </ul> | <ul style="list-style-type: none"> <li>• Ишда иштирок этишига жалб қилинмаган ташкилот ёки фуқаронинг иш якунидан манфаатдорлигини аниқласа, уларга, шунингдек прокурорга юритилаётган ишни ва уни кўриш вақтини маълум қиласди.</li> <li>• Гувоҳларни суд мажлисига чақириш ёки уларни ФПК 72-моддасида назарда туттилган тартибда сўрек қилиш масаласини ҳал қиласди.</li> <li>• Ташкилотлар ёки фуқаролардан ёзма ва ашёвий далилларни талаб қилиб олади ёки бу далилларни олиб, судга тақдим этиш учун ишда иштирок этиучи шахсларга талабнома беради.</li> </ul> | <ul style="list-style-type: none"> <li>• Ишда иштирок этиучи шахсларнинг фикрларини ҳисобга олиб, экспертиза тайинлаш ва мутахассис жалб қилиш масаласини ҳал қиласди.</li> <li>• Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, ишда иштирок этиучи шахсларни хабардор қилиб, жойда кўздан кечириш ўтказади.</li> <li>• Бошқа судларга суд топшириклари юборади.</li> <li>• Ишда иштирок этиучи шахсларга уларнинг процессуал хукуклари ва мажбуриятларини тушунтиради.</li> </ul> |



### 3.2.6. Фуқаролик ишини кўриш муддатлари

Қонун фуқаролик ишларининг нафақат тўғри, шу билан бир қаторда қонунда белгиланган муддатларда кўрилишини ҳам назарда тутади. Шунинг учун ҳам фуқаролик ишларини ўз вақтида кўриш ҳамда ҳал этиш фуқаролик суд ишларини юритишнинг вазифаларидан бири ҳисобланади.<sup>43</sup>

#### ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ КЎРИШНИНГ МУДДАТЛАРИ

##### Умумий муддат

**10**  
кун  
Суд томонидан  
фуқаролик ишини  
кўзғатиш ёки  
аризани қабул  
қилишин ради  
қилиш

**10**  
кун  
Суд томонидан  
аризани суд  
мажлисида  
кўришга  
тайёрлаш

**1**  
ой  
Суд томонидан  
аризани суд  
мажлисида кўриш  
ва ҳал қилув  
қарорини эълон  
қилиш

##### Алоҳида ҳолларда ўта мураккаб ишларни кўриш муддатлари

**10**  
кун  
Суд томонидан  
фуқаролик ишини  
кўзғатиш ёки  
аризани қабул  
қилишин ради  
қилиш

**20**  
кун  
Суд томонидан  
аризани суд  
мажлисида  
кўришга  
тайёрлаш

**2**  
ой  
Суд томонидан  
аризани суд  
мажлисида кўриш  
ва ҳал қилув  
қарорини эълон  
қилиш

Процессуал қонунчилиқда ишларни кўришнинг умумий ҳамда маҳсус муддатлари ўрнатилган бўлиб, Фуқаролик процессуал кодексининг 131-моддасининг 2-қисмига кўра фуқаролик ишларининг судда кўрилишининг умумий муддати бир ойни ташкил этади. Ўта мураккаб

43 - М.Мамасиддиқов “Фуқаролик процессуал ҳукуки. Умумий қисм”, дарслек.

ишлар бўйича мазкур муддат судъянинг асослантирилган ажримига кўра икки ойгача узайтирилиши мумкин, ушбу модданинг иккинчи қисмida кўрсатилган ишлар бундан мустасно.

Фуқаролик ишларини кўришнинг маҳсус муддатларига муайян тоифадаги ишларни кўриб чиқиш бўйича уларнинг хусусиятидан келиб чиқкан ҳолда процессуал қонунчиликда ўрнатилган муддатлар киради.

### ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ КЎРИШНИНГ МУДДАТЛАРИ

#### АЙРИМ ТОИФАДАГИ ИШЛАРНИ КЎРИШНИНГ МУДДАТЛАРИ

- алимент ундириш ҳақидаги ишлар;
- майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлиги натижасида кўрилган заарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ишлар;
- бокувчининг ўлими натижасида кўрилган заарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ишлар;
- меҳнатга доир ҳукуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича кўзғатилган ишлар.

**БАШАРТИ** тарафлар  
бир туман ёки шаҳарда  
жойлашган **бўлса**

**БАШАРТИ** тарафлар  
бир туман ёки шаҳарда  
жойлашган **бўлмаса**

**10**  
кун

Суд томонидан  
фуқаролик ишини  
кўзғатиш ёки  
аризани қабул  
қилиши рад  
қилиш

**10**  
кун

Суд томонидан  
аризани суд  
маҳписида  
кўришга  
тайёрлаш

**10**  
кун

Суд томонидан  
аризани суд  
маҳписида кўриш  
ва ҳал қилув  
қарорини эълон  
қилиш

**10**  
кун

Суд томонидан  
фуқаролик ишини  
кўзғатиш ёки  
аризани қабул  
қилиши рад  
қилиш

**10**  
кун

Суд томонидан  
аризани суд  
маҳписида  
кўришга  
тайёрлаш

**20**  
кун

Суд томонидан  
аризани суд  
маҳписида кўриш  
ва ҳал қилув  
қарорини эълон  
қилиш

Хусусан, Фуқаролик процессуал кодекси 131-моддасининг 1-қисмiga кўра, алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлиги, шунингдек бокувчининг ўлими натижасида кўрилган заарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ишлар ҳамда меҳнатга доир ҳукуқий



муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича қўзғатилган ишлар, башарти тарафлар бир туман ёки шаҳарда жойлашган бўлса, биринчи инстанция суди томонидан судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай, бошқа ҳолларда эса, йигирма кундан кечиктирмай кўрилиши лозим.

Фуқаролик процессуал кодекси 272-моддасининг 1-қисмига кўра сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят суд томонидан шикоят берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай кўриб чиқилиши, агар сайловга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқилиши лозим.

Фуқаролик ишларини кўриш муддатлари ишларни судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан бошланади. Судда иш юритиш тўхтатиб турилган вақт ишни судда кўришнинг муддатларига кирмайди ҳамда ушбу муддатларнинг ўтишини тўхтатади (иш юритишни тўхтатиб туриш батафсил кўплланманинг 3.2.21-мавзусида ёритилган).

Судда фуқаролик ишларини кўришда қонунда белгиланган муддатларга риоя қилиниши фуқаронинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш жараёнидаги муҳим омиллардан бўлиб, ўз вақтида адолат ва қонунийликнинг тикланишига замин яратади, сансалорлик ҳамда фуқароларнинг сарсон-саргардонлиги ҳолатларининг олдини олади.

### **3.2.7. Ишни суд мажлисида кўриш тартиби, ишни мазмунан кўришга тайёргарлик жараёни**

Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилишидан кўзда тутилган мақсадлардан бири ишни судда кўриш жараёнида суд муҳокамаси иштирокчиларининг белгиланган тартибга риоя қилишлари, одил судловга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишлари ҳамда суднинг талабларига мажбурий тартибда бўйсунишларини таъминлашдан иборатдир.

Суд муҳокамаси тарафлари ўртасида, одатда, ўзаро низо бўлиши сабабли ушбу жараёнда тартибни саклаш муҳим аҳамият касб этади.

Процессуал қонунчилик талабларига мувофиқ, фуқаролик иши ишда иштирок этувчи шахсларни албатта хабардор қилган ҳолда суднинг очик мажлисида кўрилади ҳамда ишни кўриш учун тайинланган вақтда судья мажлис залига киради, суд мажлисини очиб, қандай иш кўрилишини эълон қиласди.

## ИШНИ СУД МАЖЛИСИДА КЎРИШ ТАРТИБИ

Суд мажлисининг  
бошланиши

Фуқаролик ишини  
мазмунан кўриш

Тарафлар  
музокараси

Прокурор  
фикри

Ҳал қилув қарори чиқариш  
учун маслаҳатхонага  
учун чиқиб кетиши

Суднинг ҳал қилув  
қарорини ўқиб  
эшиттириш

Ёпиқ суд мажлиси қонунда назарда тутилган ҳолларда ишда иштирок этувчи шахсларниң талаби билан ёки суднинг ташаббуси билан ўтказилади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 165-моддасига кўра, судья (судьялар) мажлис залига кириб келганида ва ундан чиқиб кетаётганида суд мажлиси залида ҳозир бўлганларниң ҳаммаси ўрнидан туришлари лозим.

Ўн олти ёшга тўлмаган фуқаролар, агар улар ишда иштирок этувчи шахс ёки гувоҳлар бўлмаса, суд мажлиси залига қўйилмайди.

Ишда иштирок этувчи шахслар, гувоҳлар, эксперталар, мутахассислар, таржимонлар судга мурожаат қилишда, ўзларининг кўрсатув ва тушуниришларини баён қилишда тик туриб гапирадилар. Бу қоидадан узрли сабабга кўра четта чиқишга фақат раислик қилувчининг

руҳсати билангина йўл қўйилиши мумкин.

Ишда иштирок этувчи шахслар, гувоҳлар, эксперталар, мутахассислар, таржимонлар, шунингдек суд мажлиси залида ҳозир бўлган ҳамма фуқаролар суд мажлисида белгиланган тартибга риоя қилишлари ва раислик қилувчининг фармойишларига сўзсиз итоат этишлари шарт.

Суднинг алоҳида хонада (маслаҳатхонада) чиқарган қарорларини суд мажлиси залида ҳозир бўлганларниң ҳаммаси тик туриб эшитади.

Ишни кўриш вақтида тартибни бузган шахсни раислик қилувчи суд номидан огоҳлантиради.

Ишда қатнашаётган шахслар, гувоҳлар, эксперталар, мутахассислар, таржимонлар тартибни такроран бузган тақдирда суднинг ажримига биноан, ишни кўришда ҳозир бўлган фуқаролар эса, раислик қилувчининг фармойиши билан суд мажлиси залидан чиқариб юборилиши мумкин. Фуқаролар оммавий тарзда тартибни бузган тақдирда суд ишни кўришни кейинга қолдириши мумкин.

Суд мажлисида тартибни бузган ёки судга нисбатан бошқача тарзда хурматсизлик қилган шахс суд томонидан маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин.



Гувоҳ, жабрланувчи, даъвогар, жавобгар, ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг судга келишдан қасддан бўйин товлашида ёки мазкур шахсларнинг ва бошқа фуқароларнинг раислик қилувчи фармойишига бўйсунмаслигига ёхуд суд мажлиси пайтида тартибни бузища ўз ифодасини топган судга хурматсизлик энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.<sup>44</sup>

Ишни суд мажлисида кўришнинг муҳим шартларидан бири суд процесси иштирокчиларининг судда ҳозир бўлганликлари бўлиб, ишни суд мажлисида мазмунан кўришга тайёргарлик суд процесси иштирокчиларининг келган-келмаганлигини текширишдан бошланади. Ушбу жараёнда суд мажлисининг котиби иш бўйича чақирилганлардан кимлар келганлигини, келмаганларга чақирув қофози топширилган-топширилмаганлигини, уларнинг келмаганлик сабаблари тўғрисида қандай маълумотлар борлигини судга маълум қиласди, суд келганларнинг шахсини аниқлайди, шунингдек мансабдор шахслар ва вакилларнинг ваколатини текширади.

Гувоҳларнинг кўрсатмалари фуқаролик иши бўйича далилларнинг турларидан бири сифатида эътироф этилиши сабабли, ушбу кўрсатмаларнинг холислиги ҳамда ҳақонийлигини таъминлаш мақсадида гувоҳларнинг келганлиги текширилгач, улар суд мажлиси залидан чиқарилади. Раислик қилувчи сўроқ қилинган гувоҳлар сўроқ қилинмаган гувоҳлар билан муомалада бўлмаслиги учун чоралар кўради.<sup>45</sup>

Шундан сўнг раислик қилувчи суднинг таркибини (судьяни) эълон қиласди, прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон, суд мажлисининг котиби сифатида кимлар қатнашашётганлигини маълум қиласди ва ишда иштирок этаётган шахсларга уларни рад қилиш тўғрисида арз қилиш хукуқларини тушуниради.

Фуқаролик тартибида судда иш юритишнинг асосий тамойилларидан ҳамда ишни суд мажлисида кўришда суднинг зиммасига юкланган энг муҳим вазифалардан бири ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг хукуқлари ва мажбуриятларини тушунириш бўлиб, ушбу процессуал

44 - Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 180-моддаси.

45 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 169-моддаси.

ҳаракат ишни суд мажлисида кўришнинг бошланғич босқичида амалга оширилади.

Суд томонидан процесс иштирокчиларининг келган-келмаганликларини текшириш, суд таркибини эълон қилиш ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтириш билан ишни суд мажлисида кўришга тайёргарлик жараёни якунланиб, мазмунан кўриш бошланади.

### **3.2.8. Ишни судда мазмунан кўриш тартиби, суд мажлисидаги иштирок этиш, саволлар бериш ва илтимосномалар келтириш тартиби**

Фуқаролик процессуал кодексининг 179-моддасига кўра, ишни мазмунан кўриш раислик қилувчининг иш тўғрисидаги маъruzасидан бошланади. Сўнгра раислик қилувчи даъвогардан ўз талабларини қувватлаш-куватламаслигини, жавобгардан даъвогарнинг талабларини тан олиш-олмаслигини ва тарафларнинг ишни келишув битими билан тамомлашни исташ-истамасликларини сўрайди.

Иш тўғрисида маъруза қилинганидан сўнг, суд даъвогар ва унинг томонида иштирок этувчи учинчи шахснинг, жавобгар ва унинг томонида иштирок этувчи учинчи шахснинг, шунингдек ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг тушунтиришларини эшитади.

Бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ариза берган прокурор, шунингдек бошқа шахслар арз қилган талаблари бўйича тушунтиришлар бериш ёки уларни асослаш учун биринчи бўлиб сўзга чиқадилар.

Ишда иштирок этувчи шахслар бир-бирларига саволлар беришга ҳақлидирлар.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ёзма тушунтиришлари ва далилларни таъминлаш тартибида, суд топшириғига асосан олинган тушинтиришлар ҳамда турар жойда сўроқ қилинган гувоҳларнинг тушунтиришлари суд томонидан ўқиб эшиттирилади.

Шундан сўнг суд ишни мазмунан ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган, арз қилинган талабларни ёки келтирилган эътирозномаларни исботловчи далилларни текширишга ўтади. Суд томонидан далилларни текшириш тартиби белгилаб олинади. Далилларни текшириш процессуал қонунчиликка мувофиқ гувоҳларни сўроқ қилишдан бошланади, ушбу жараёнда шунингдек ёзма ва ашёвий далиллар текширилиши, далиллар жойда кўздан кечирилиши, эксперт ва мутахассислар сўроқ қилиниши,



кўшимча ва қайта экспертиза тайинланиши мумкин. Далилларни текширишнинг юқоридаги тартиби ишнинг хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда исботлаш самарадорлигини таъминлаш мақсадида суд томонидан ўзгартирилиши мумкин.

Гувоҳлар, экспертлар ва мутахассисларни сўроқ қилиш жараёнида ишда иштирок этаётган шахслар уларга саволлар беришлари мумкин.

Фуқаролик процессуал қонунчилигига мувофиқ, гувоҳ кимнинг аризаси бўйича чақирилган бўлса, ана шу шахс ва унинг вакили биринчи бўлиб, сўнгра эса, ишда иштирок этаётган бошқа шахслар гувоҳга саволлар беради. Суднинг ташаббуси билан чақирилган гувоҳга саволларни биринчи бўлиб даъвогар беради.

Худди шу тартибда, экспертни сўроқ қилиш жараёнида экспертиза кимнинг аризаси бўйича тайинланган бўлса, ўша шахс ва унинг вакили биринчи бўлиб, сўнгра эса, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар саволлар беради.

Суднинг ташаббуси билан тайинланган экспертга биринчи бўлиб даъвогар саволлар беради.

Қонунга мувофиқ, мутахассисга ҳам сўроқ қилиш жараёнида у кимнинг аризаси бўйича чақирилган бўлса, ўша шахс ва унинг вакили биринчи бўлиб, сўнгра эса, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар саволлар беради.

Суднинг ташаббуси билан чақирилган мутахассисга биринчи бўлиб даъвогар саволлар беради.

Ишда иштирок этувчи шахслар судга илтимосномалар билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар ҳамда ушбу илтимосномалар ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг фикр-мулоҳазалари тингланганидан кейин суднинг ажрими билан ҳал қилинади.

### 3.2.9. Далиллар тушунчаси. Далилларни тўплаш ва судга тақдим этиш тартиби

#### ДАЛИЛ ТУШУНЧАСИ

Тарафларнинг талаблари ва эътиrozларини асослайдиган ҳолатлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай фактик маълумот ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар фуқаролик иши бўйича далил ҳисобланади.

Фуқаролик суд ишларини юритишнинг мухим таркибий қисми қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилув қарори қабул қилинишини таъминлаш мақсадида кўрилаётган ишдаги ҳолатлар ва фактларнинг ҳаққонийлигини исботлаш масалалари ҳисобланади.<sup>46</sup>

46 - М.Мамасиддиқов “Фуқаролик процессуал ҳукуки. Умумий қисм”, дарслик.

Фуқаролик процессуал кодексининг 56-моддасига кўра, тарафларнинг талаблари ва эътиrozларини асослайдиган ҳолатлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай фактик маълумот ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар фуқаролик иши бўйича далил хисобланади.

Бу маълумотлар қуйидаги воситалар, яъни:

– тарафлар ва учинчи шахслар ҳамда уларнинг қонуний вакилларининг тушунтиришлари;

- гувоҳларнинг кўрсатувлари;
- ёзма ва ашёвий далиллар;
- экспертларнинг холосаси билан аниқланади.

Қонун муаллифи кўрсатилмаган хатлар ва манбаи номаълум бўлган ёки ғайриқонуний тарзда олинган бошқа маълумотларни далил сифатида қабул қилмайди.

Процессуал қонунчиликка мувофиқ, ўз талаблари ва эътиrozларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаш мажбурияти тарафларнинг зиммасига юкланди.

Далиллар тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан тақдим этилади. Суд уларга қўшимча далиллар тақдим қилишни таклиф этиши мумкин. Агар қўшимча далиллар тақдим этиш тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар учун қийинчилик туғдирса, суд уларнинг илтимосномасига кўра далиллар тўплашда уларга ёрдам кўрсатади.<sup>47</sup>

Қонунда белгиланган исботлаш воситаларидан бири тарафлар ва учинчи шахсларнинг тушунтиришлари бўлиб, улар иш юзасидан тўпланган бошқа далиллар қатори текширилиши ва баҳоланиши лозим.

Тарафлардан бири ўзининг талаблари ёки эътиrozларига асос қилиб олган фактларни бошқа тарафнинг тан олиши биринчи тарафни бу фактлар исботини давом эттириш заруриятидан озод қиласди. Агар муайян факт хусусида суднинг шубҳаси бўлса, бу факт умумий асосларга кўра исботланиши лозим.

#### ИСБОТЛАШ ВОСИТАЛАРИ

- тарафлар ва уларнинг қонуний вакилларининг тушунтиришлари;
- учинчи шахслар ва уларнинг қонуний вакилларининг тушунтиришлари;
- гувоҳларнинг кўрсатувлари;
- ёзма далиллар;
- ашёвий далиллар;
- экспертларнинг холосаси.

47 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 57-моддаси.



## ДАЛИЛЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Ёзма далиллар - иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар баён этилган ҳужжатлардан, хизматга дахлдор ва шахсий ёзишмалардан, шу жумладан факс, электрон ёки ўзга алоқа воситасида ёхуд ҳужжатнинг тўғрилигини аниқлаш имконини берувчи бошқа усуlda олинган ҳужжатлар

Ашёвий далиллар - ишни мазмунан ҳал қилиш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлаш воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган нарсалар

Фактни тан олиш суд мажлисининг баённомасига киритилади ва тан олган тараф уни имзолайди. Агар фактни тан олиш ёзма аризада баён этилган бўлса, мазкур ариза ишга қўшиб қўйилади.

Фуқаролик процессуал қонунчилигига мувофиқ ёзма далиллар жумласига иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар баён этилган ҳужжатлардан, хизматга дахлдор ва шахсий ёзишмалардан, шу жумладан факс, электрон ёки ўзга алоқа воситасида ёхуд ҳужжатнинг тўғрилигини аниқлаш имконини берувчи бошқа усуlda олинган ҳужжатлардан киради.

Ёзма далиллар бевосита тақдим этувчи шахс томонидан, шунингдек, шахснинг ушбу далилларни талаб қилиб олиш ҳақидаги илтимосномасига асосан суднинг талаби бўйича давлат органлари, ташкилотлар ва фуқаролар томонидан тақдим этилиши мумкин.

Қоида тариқасида, ёзма далилларнинг асли тақдим қилинади. Агар ҳужжатнинг нусхаси тақдим этилган бўлса, суд зарурат туғилса, ҳужжатнинг аслини тақдим этишини талаб қилишга ҳақли.

Ишни мазмунан ҳал қилиш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлаш воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган нарсалар ашёвий далиллар ҳисобланиб, улар ҳам ёзма далиллар учун ўрнатилган тартибда судга тақдим этилади.

Суд амалиётида кенг тарқалган аҳамиятли исботлаш воситаларидан бири эксперталарнинг хулосаси бўлиб, ишни кўриш вақтида келиб чиққан, фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида маҳсус билимларни талаб қиладиган масалаларни тушунтириш учун суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосига кўра ёки ўз ташабbusи билан экспертиза тайинлаши мумкин.

Экспертиза текшируви ўтказилганидан кейин эксперт ёки эксперталар комиссияси томонидан хулоса тузилиши лозим. Суд экспертга ўз хулосасини оғзаки тушунтириб беришни таклиф қилиш ҳукуқига эга. Оғзаки тушунтириш суд мажлисининг баённомасига киритилади, экспертга ўқиб берилади ва эксперт томонидан имзоланади.

Суд далилларга ишнинг ҳамма ҳолатларини жамлаб, уларни суд мажлисида қонунга амал қилган ҳолда, ҳар тарафлама, тўлиқ ва холис кўриб чиқиш асосида ички ишонч бўйича баҳо беради.

Ҳар бир далил ишга дахлдорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан, далилларнинг ҳаммаси эса, етарли даражада тўпланган ёки тўпланмаганлиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим.

Агар текшириш натижасида далилнинг ҳақиқатга тўғри келиши аниқланса, у ишончли деб эътироф этилади.

Ҳеч қандай далил суд учун олдиндан белгилаб қўйилган кучга эга эмас.<sup>48</sup>

Процессуал қонунчиликда суд фақат иш учун аҳамиятга эга бўлган далилларнигина кўришга қабул қилиши лозимлиги белгиланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми “Фуқаролик ишларини кўришда судлар томонидан далилларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 4-бандига кўра, айрим фактлар исботлаш предметига кирмайди ва исботлашга муҳтож эмас. Чунончи, суд ҳаммага маълум деб топган ҳолатлар, суднинг қонуний кучга кирган фуқаролик иши бўйича ҳал қилув қарори ва жиноят иши бўйича суднинг ҳукми бўйича аниқланган фактлар шулар жумласидандир.

Фуқаролик процессуал кодексининг 60-моддаси иккинчи қисми мазмунига кўра, бир фуқаролик иши бўйича қонуний кучга кирган суд қарори билан аниқланган фактлар, айнан шу шахслар иштирок этаётган бошқа фуқаролик иши кўрилишида қайта исботланмайди.

Суднинг жиноят иши бўйича қонуний кучга кирган ҳукми, амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатиши ради қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги ажрими, маъмурий ҳукуқбузарлик иши бўйича қарори ҳамда жиноят ишини реабилитация асосларисиз тугатиш ҳақидаги тергов органи ва суд ажримида қайд этилган ҳолатлар шу билан боғлик фуқаролик иши кўриб чиқилишида қайта исботлашни талаб қилмайди.

Қайд этилганидек, процессуал қонунчилик талаб ва эътиrozларни исботлаш мажбурияти биринчи навбатда тарафларнинг зиммасига юклаши сабабли, тарафларнинг судга мурожаат қилиш вақтида бундай далилларга эга бўлишлари, ушбу далилларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда белгиланган тартибда судга тақдим этишлари талабларнинг асослилиги масаласини суд томонидан ҳал қилишда аҳамиятли омил ҳисобланади.

48 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 67-моддасининг 4-қисми.



### 3.2.10. Ишни судда кўришда гувоҳлар тушунчаси, уларни таклиф этиш тартиби, гувоҳларнинг мажбуриятлари

Фуқаролик процессуал қонунчилигига исботлаш воситаларидан бирин гувоҳларнинг кўрсатмалари бўлиб, қонунга мувофиқ ишга доир бирор ҳолатдан хабардор бўлган ҳар қандай шахс гувоҳ бўла олади.

Қонунда гувоҳ сифатида чақирилиши ва сўроқ қилиниши мумкин бўлмаган шахслар доираси белгиланган бўлиб, вакил ёки ҳимоячи вазифаларини бажаришлари муносабати билан ўзларига маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида, шунингдек жисмоний ёки руҳий нуқсонлари сабабли фактларни тўғри идрок қилишга ёки улар ҳақида тўғри кўрсатув беришга лаёқатсиз шахслар ишда гувоҳ сифатида иштирок эта олмайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 2007 йил 2 октябрдаги 2-сонли “Фуқаролик ишларини кўришда судлар томонидан далилларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори 21-бандининг 3-қисмига кўра, фуқаронинг ишда иштирок этувчи шахсларга нисбатан қариндошлик муносабатларида бўлганлиги, хизмат юзасидан ёхуд бошқача тарзда қарам бўлганлиги ёки шахсий адовати бўлганлиги уни ишда гувоҳ сифатида иштирок этишига тўскىнлик қилмайди.

Гувоҳлар суд мажлисига тарафларнинг ҳамда суднинг ташаббуси билан чақириладилар.

Гувоҳни чақириш ҳақида илтимосномани тақдим этувчи шахс гувоҳнинг иш учун аҳамиятли бўлган ҳандай ҳолатларни тасдиқлай олишини кўрсатиши, исми, отасининг исми ва фамилиясини ҳамда яшаш ёки ишлаш жойини судга маълум қилиши шарт.<sup>49</sup>

Фуқаролик процессуал кодексининг 183-моддасига мувофиқ, суд мажлисида ҳар бир гувоҳ алоҳида сўроқ қилинади. Сўроқ қилинмаган гувоҳлар ишни кўриш вақтида суд мажлиси залида бўлишлари мумкин эмас.

Гувоҳлар суд томонидан била туриб ёлғон кўрсатув берганлик, кўрсатув беришдан бош тортганлик ёки бўйин товлаганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишинча 238- ва 240-моддаларига мувофиқ жавобгар бўлиши тўғрисида огоҳлантирилади.

49 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 70-моддаси.

Ёлғон гувоҳлик бериш, яъни суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов ёки ишни судда кўриш вақтида гувоҳ ёки жабрланувчининг била туриб, ёлғон кўрсатув бериши ёхуд экспертнинг била туриб нотўғри хулоса бериши, шунингдек бир тилдан иккинччи тилга била туриб нотўғри таржима қилиш энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади.<sup>50</sup>

Гувоҳнинг иш бўйича ўзига маълум ҳолатлар юзасидан кўрсатув бериши унинг мажбурияти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 240-моддасига мувофиқ, судда гувоҳнинг кўрсатув беришни рад этиши ёки бу ишдан бўйин товлаши энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч ойгача қамоқ жазоси тайинланишига асос бўлади.

Дастлаб раислик этувчи томонидан гувоҳга иш бўйича шахсан ўзи билган маълумотларни судга айтиб бериш таклиф қилинади, шундан сўнг гувоҳга саволлар берилиши мумкин.

Сўроқ қилинган гувоҳлар ишни кўриш тамом бўлгунига қадар суд мажлиси залида қолишлиари лозим. Суд сўроқ қилинган гувоҳлар ишни кўриш тамом бўлмасидан олдин суд мажлиси залидан чиқиб кетишларига тарафларнинг розилиги билан рухсат бериши мумкин.

Гувоҳ кўрсатув беришда кўрсатув бирон-бир ҳисоблар ёки хотирада сақлаб қолиш қийин бошқа маълумотлар билан боғлиқ бўлган ҳолларда, ёзма хотиралардан фойдаланиши мумкин.

Қонун айrim ҳолатларни гувоҳларнинг кўрсатмалари билан исботлашни истисно этади.

Хусусан, ушбу қоида айниқса, битимларга оид низоларни кўришда қатъий бўлиб, битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилинмаслик билан боғлиқ низо чиқкан тақдирда тарафларнинг битимнинг тузилганлигини, мазмунини ёки бажарилганлигини гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тасдиқлаш ҳукуқи инкор этилади.<sup>51</sup>

50 - Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 238-моддаси 1-қисми.

51 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 109-моддасининг 1-қисми.



### 3.2.11. Иш ҳужжатлари билан танишиш, улардан нусхалар олиш

Ишда иштирок этувчи шахслар келтирилган талаблар ёки эътирозномаларнинг мазмун-моҳиятини тўғри ва тўлиқ англашлари учун улардан хабардор бўлишлари талаб қилинади. Фуқаролик процессуал қонунчилиги бунинг учун процесс иштирокчиларига кенг ҳуқуқлар тақдим этган бўлиб, процесс иштирокчилари фуқаролик иши қўзғатилгандан бошлаб, суд мухокамасининг исталган босқичида, шунингдек, фуқаролик иши якунланганидан кейин ҳам иш ҳужжатлари билан танишишлари ҳамда улардан кўчирмалар олиш, нусхалар кўчириш ҳуқуқига эгадирлар.

Процесс иштирокчилари ушбу ҳуқуқларидан инсоф билан фойдаланишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат божи ставкалари ҳақида”ги қарорининг 1-қисмининг “з” бандига кўра, иш ҳужжатлардан нусха беришда ҳужжатларнинг ҳар бир бети учун энг кам иш ҳақининг 0.5 фоизи миқдорда давлат божи ундирилади.

### 3.2.12. Арз қилинган талабни тўлдириш, ўзгартириш ёки воз кечиш тушунчаси, тартиби

Фуқаролик процессуал қонунчилигига кўра судда фуқаролик иши ўзининг ҳуқуки ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилган шахснинг аризасига асосан қўзғатилиши сабабли аризачининг ўзи бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш доирасини белгилайди.

Суд ҳам ҳал қилув қарори чиқаришда ишни даъвогарнинг арз қилган талаблари доирасида ҳал қиласиди.

Шахс судга ариза билан мурожаат қилганидан кейин турли сабабларга кўра (дастлабки мурожаатнинг моҳиятини тўлиқ англамаганлиги сабабли, вазият ўзгариши муносабати билан ёки жавобгар билан келишганлиги ёхуд низоли муносабат барҳам топганлиги каби) ўз талабларини ўзгартириши, ошириши ёки камайтириши ёхуд улардан воз кечиш зарурати юзага келиши ҳолатлари амалиётда тез-тез учраб туради.

Конун бу борада аризачига кенг ҳуқуқлар тақдим этган бўлиб, даъвогар ўз арзида баён қилинган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларининг миқдорини оширишга ёки камайтиришга, улардан бутунлай ёки қисман воз кечишга ҳақли.<sup>52</sup>

*Арз қилинган талабларнинг асосини ўзгартириш.*

52 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 40-моддасининг 2-қисми.

**Арз қилинган талабларнинг асоси** – шахснинг судга мурожаатига асос бўлган ҳуқуқ бузилишини келтириб чиқарган ҳолат, ҳаракат ёки ҳаракатсизликка нисбатан аризачи талабларининг мазмунидир.

Арз қилинган талабларнинг асосини ўзгартириш даъвогарнинг ўз талабларини асослаб кўрсатган фактларни янги фактлар билан ўзгартириши, кўшимча фактлар билан тўлдириши ёки дастлаб кўрсатилган фактларнинг муайян қисмини чиқариб ташлаши орқали амалга оширилади.

Масалан, аризачи судга олди-сотди шартномасини ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар тўғрисида нотўғри тасаввурга эга бўлганлиги, яъни битим тарафларнинг ҳақиқий хоҳиш-иродасини акс эттирмаганлиги асоси билан ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида мурожаат қилса, ушбу ҳолатда *даъевонинг асоси битимнинг янгилишиши таъсирида тузилганлиги бўлади*.

Ишни судда кўриш жараёнида аризачи ўз даъво талабларининг моҳиятини тўғри англаб, олди-сотди шартномасининг ҳақиқий эмаслиги асосларини ўзгартириб, бунга битим тузиш вақтида алдаш ёки зўрлик ишлатилганлигини кўрсатса, арз қилинган талабнинг асоси янгилишиш *таъсирида тузилган битимдан алдаш ёки зўрлик оқибатида тузилган битимга ўзгаради*.

*Арз қилинган талабнинг предметини ўзгартириш* – даъвогарнинг ўз талабларини унга асос сифатида келтирилган фактларни ўзгартирмаган ҳолда бошқаси билан ўзгартиришидир.

Масалан, тарафлар уй олди-сотдиси бўйича ўзаро келишган бўлиб, сотиб олувчи (даъвогар) томонидан уй баҳосининг асосий қисми (айтайлик, юз миллион сўмга баҳоланган уйнинг олтмиш беш миллион сўми) бўйича тўлов амалга оширилган бўлиб, сотувчи (жавобгар) уйни сотиш бўйича келишувни якунлаб, тўловларнинг қолган қисмини (бу ҳолатда ўттиз беш миллион сўм) қабул қилиб, уйни расмийлаштиришдан бош тортган ҳолда даъвогар судга олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш ҳақида судга даъво аризаси билан мурожаат қилса, даъевонинг предмети битимни ҳақиқий деб топиб, уйни ўз эгалигига расмийлаштириш бўлади.

Ишни судда кўриш жараёнида даъвогар ўз манфаатларидан келиб чиқиб, битимни ҳақиқий деб топиш ҳақидаги талабни ўзи томонидан жавобгарга тўланган маблағни қайтариш (олтмиш беш миллион сўм)га ўзгартириши мумкин. Шунда арз қилинган талабнинг предмети битимни ҳақиқий деб топишдан тўланган пул маблағини қайтаришга ўзгаради.

Даъво талабларининг микдорини оширишга ёки камайтириш асосан моддий зарар ундириш ҳақидаги талабларга оид бўлиб, даъво аризаси тақдим этишга асос бўлган ҳолатларнинг ўзгаришига мос равища



(масалан, қарз фоизларининг ортиб бориши ёки қарз сумманинг иш судда күрилгунига қадар қисман қайтарилиши) аризачи даъво талабларининг миқдорини оширишга ёки камайтиришга ҳақли.

**Даъвогар ўзининг талабларини камайтирган, арз қилган талабларидан воз кечган, тарафлар ишни келишув битими билан тамомлаган ҳолларда тўланган бож қайтарилмайди.**

Арз қилинган талаблар кўпайтирилганда давлат божининг етишмаган суммаси даъвонинг кўпайтирилган баҳосига мувофиқ равишда кўшимча тарзда тўланади.<sup>53</sup>

*Даъво талабларидан бутунлай ёки қисман воз кечиши.*

Ишни судда кўриш жараёнида даъвогар даъво талабларидан бутунлай ёки қисман воз кечишига ҳақли бўлиб, бу ҳолат низонинг барҳам топғанлиги, тарафларнинг ўзаро келишганлиги, айрим ҳолатларда даъвогарнинг асоссиз даъво талаблари билан мурожаат қилганлиги ва буни англаганлиги билан боғлиқ бўлади.

Даъвогарнинг даъводан воз кечганлиги тўғрисидаги арзи суд мажлиси баённомасига киритилиб, даъвогар томонидан имзоланиши лозим.<sup>54</sup>

Агар даъвогарнинг даъводан воз кечиши қонунга хилоф бўлса ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузса, суд даъводан воз кечишини қабул қилмайди.<sup>55</sup>

Даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлиги иш юритишни тугатишга асос бўлиши сабабли, ушбу мазмундаги аризани қабул қилишдан олдин суд даъвогарга мазкур процессуал ҳаракатлар қилишнинг оқибатларини тушуниради.

Даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлигини қабул қилиш тўғрисида суд ажрим чиқаради ва шу ажрим билан иш юритишни ҳам тугатади.

Агар суд жавобгарнинг арз қилинган талабларни тан олишини қабул қилмаса бу ҳақда асослантирилган ажрим чиқаради ва ишни мазмунан кўради.<sup>56</sup>

53 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 107-моддаси.

54 - Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми “Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари айрим нормаларининг судлар томонидан қўлланиши тўғрисида”ги қарорининг 7-банди.

55 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 40-моддасининг 5-қисми.

56 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 180-моддаси.

### 3.2.13. Келишув битими тушунчаси

Шахснинг судга ариза билан мурожаат қилишига унинг ҳукуқларининг ёки қонуний манфаатларининг бузилганлиги асос бўлиб, бу асос ишни судда кўриш жараёнида барҳам топган ҳолатда ҳамда тарафлар ўзаро муросага келгандаридан қонунда ишни келишув битими билан тугатиш ҳукуқи назарда тутилган.

Фуқаролик процессуал кодекси 40-моддасининг 4-қисмига кўра, даъво ишининг тарафлари процесснинг исталган босқичида келишув битими тузиш орқали ишни яқунлашга ҳақлидирлар.

Қонунга мувофиқ, тарафлар эришган келишув битимининг шартлари суд мажлиси баённомасига киритилади ва иккала тараф томонидан имзоланади. Агар тарафларнинг келишув битими уларнинг судга юборган ёзма аризаларида ифодаланган бўлса, мазкур аризалар ишга қўшиб қўйилиб, бу ҳақда суд мажлиси баённомасида кўрсатилиади.

Тарафларнинг келишув битимида эришиши судда иш юритишни тугатишга асос бўлиши сабабли уни тасдиқлашдан олдин суд тарафларга тегишли процессуал ҳаракатлар қилишнинг оқибатларини тушунтириши лозим.

Тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида суд ажрим чиқаради ва шу ажрим билан иш юритишни ҳам тугатади. Ажримда тарафларнинг келишув битимидағи шартлар кўрсатилиши керак.

Агар суд тарафларнинг келишув битимини тасдиқламаса, бу ҳақда асослантирилган ажрим чиқаради ва ишни мазмунан кўради.<sup>57</sup>

### 3.2.14. Эътиrozнома тушунчаси

Судда иш юритишнинг энг асосий тамойилларидан бири тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳукуқлилиги ҳисобланади. Суд-ҳукуқ ислоҳотларининг энг асосий вазифаларидан бири суд мухокамасида тарафларнинг тортишуви орқали фаоллигини таъминлаш, иш бўйича далилларни тўплаш ва уларни судга тақдим этиш самарадорлигини ошириш бўлиб, иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш, қонуний ва адолатли ҳал қилув қарори чиқаришда мухим аҳамият касб этади.

Тарафларнинг тенг ҳукуқлиги тамойили аризачига унинг бузилган ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кенг ҳукуқлар бериши билан бирга жавобгарга ҳам арз қилган талабларига нисбатан ўзининг важларини келтириш имконини беради.

57 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 180-моддаси.



Фуқаролик процессуал кодекси 34-моддасининг 1-қисмига кўра, ишда иштирок этувчи шахслар ишни судда кўриш давомида туғиладиган ҳамма масалалар бўйича ўзларининг важларини баён қилиш, бошқа шахсларнинг арзлари, илтимосномалари, важларига қарши эътиrozлар билдириш хукуқига эгадирлар.

Қонун тарафларнинг тенг хукуқлиги тамойилини таъминлаш мақсадида иш юритиш жараёнида суднинг зиммасига муайян вазифаларни юклайди.

Фуқаролик процессуал кодекси 159-моддасининг 1-қисми 2-бандига кўра ишни судда кўришга тайёрлашда судья қоида тариқасида, жавобгарни чақириб, ишнинг ҳолатлари бўйича уни сўроқ қилиши, даъвогарнинг талабига қарши қандай эътиrozлари борлигини ва бу эътиrozлар қандай далиллар билан исботланиши мумкинлигини аниқлаши белгиланган.

Арз қилинган талабларига нисбатан қарши важлар судга эътирознома кўринишида тақдим этилади.

Эътирозномада арз қилинган талабларнинг асоссизлигини тасдиқловчи ҳолатлар, бу эътиrozлар қандай далиллар билан исботланиши мумкинлиги кўрсатилиши, қайд этилган ҳолатларни исботловчи далиллар илова қилиниши лозим.

Ишни судда кўришда тарафларнинг тортишуви ва тенг хукуқлигини таъминлаш одил судловни амалга оширишга кўмаклашади, тарафларнинг ўз процессуал хукукларидан самарали фойдаланишлари ишнинг ўз манфаатларига мос равища якунига ёрдам беради.

### **3.2.15. Қарши даъво аризаси тушунчаси, тақдим этиш этиш тартиби ва шартлари**

Фуқаролик тартибida судда иш юритишида тарафларнинг тортишуви тамойили қарши даъво тақдим этиш хукуқида ҳам ўз ифодасини топади. Даъвогар судга ўз хукуклари ҳимоясида мурожаат қилишга ҳақли бўлганидек, жавобгар ҳам даъвогарнинг талабларига нисбатан ҳимояни амалга ошириш воситаларига эга. Жавобгар ушбу хукуқини арз қилинган талабларига эътирознома келтиришдан ташқари, қарши даъво аризаси тақдим этган ҳолда ҳам амалга ошириши мумкин.

Жавобгарнинг даъвогар талабларига қарши даъво талаблари қарши даъво аризаси тариқасида расмийлаштирилади.

Бундай даъво суд иш юзасидан ҳал қилув қарори чиқаргунига қадар дастлабки даъво билан бирга кўриб чиқилиши учун тақдим этилиши лозим.

Қарши даъвони тақдим этиш даъво тақдим этиш тўғрисидаги умумий қоидаларга биноан амалга оширилади.<sup>58</sup>

Ишни судда кўришда тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳукуқлилигини амалда таъминлаш мақсадида судья ишни судда кўришга тайёргарлик жараёнидаёт жавобгарга қарши талаблар тақдим этиш ҳукуқига эга эканлигини тушунтириши лозим.<sup>59</sup>



Қарши даъво аризаси тақдим этишда қонунда белгиланган қуидаги шартлардан ҳеч бўлмаса биттаси мавжуд бўлиши талаб қилинади:

- 1) қарши даъво дастлабки даъвони қоплашга қаратилган бўлиши;
- 2) қарши даъвонинг қаноатлантирилиши дастлабки даъво қаноатлантирилишини бутунлай ёки қисман истисно этиши;
- 3) қарши ва дастлабки даъво ўртасида ўзаро боғланиш мавжуд бўлиб, уларни бирга кўриш низо тезроқ ва тўғри ҳал қилинишига ёрдам бериши лозим.

Ушбу шартларнинг ўрнатилишидан иш юритишни тезлаштириш, суднинг ва тарафларнинг вақтини тежаш, иш юритиш билан боғлиқ ҳаражатларни камайтириш мақсадлари кўзланган.<sup>60</sup>

Фуқаролик процессуал кодексининг 244-моддасига кўра, қарши даъво ўзининг судловга таалуқлилигидан қатъи назар, дастлабки даъво кўриладиган жойдаги судда тақдим этилади.

### **3.2.16. Даъвони таъминлаш чоралари тушунчаси, мақсади ва турлари**

Суд қарорларнинг кучи ва самарадорлиги аввало уларнинг амалдаги ижроси билан боғлиқ бўлиб, шахс ўз талабларининг асослилигини ҳамда

58 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 246-моддаси.

59 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 159-моддаси 1-қисмининг 2-банди.

60 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар.



хуқуқлари бузилганлигини суднинг ҳал қилув қарори орқали эътироф этиш билан бирга, амалда унинг ижросини таъминлаш орқали тиклаши одил судловнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.



Ҳал қилув қарорининг келгусида ижросини таъминлаш борасида суд томонидан амалга ошириладиган муҳим чоралардан бири даъвони таъминлаш бўлиб, суд (судья) ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига биноан ёки ўз ташаббуси билан даъвони таъминлаш чораларини кўриши мумкин. Даъвони таъминлаш чораларини кўрмаслик суд чиқарган ҳал қилув қарорининг ижросини қийинлаштирунса ёки уни бажариб бўлмайдиган қилиб қўйса, даъвони таъминлашга йўл қўйилади.



Зеро, даъвогарнинг талаблари ишни судда кўриш жараёнида жавобгарга маълум бўлиб, даъвони таъминлаш чоралари кўрилмаган тақдирда келгусида ҳал қилув қарори даъвогарнинг фойдасига чиқарилган тақдирда ҳам жавобгар унинг амалдаги ижросини қийинлаштириш ёки умуман бажариш мумкин бўлмайдиган ҳаракатларни амалга ошириши

мумкин. Қоидага кўра одатда даъвони таъминлаш чоралари фуқаролик иши қўзғатилганидан кейин амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 1996 йил 19 июлдаги 1-сонли “Фуқароларнинг хукуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-харакатлар ва қарорлар устидан келтирилган шикоятларни судларда кўриш амалиёти тўғрисида”ги қарори 12-бандининг 4-қисмiga кўра, шикоятни кўришга қабул қилган суд фуқаронинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан шикоят қилинаётган хатти-харакат (қарор)нинг ижросини у ҳал қилингунга қадар тўхтатиб кўйишга ҳақли эканлиги белгиланган бўлиб, бу суд томонидан даъвони таъминлаш чораларидан бири ҳисобланади.

Ушбу ҳолатга яна бир мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 1993 йил 16 апрелдаги 13-сонли “Судлар томонидан мулкни рўйхат (арест)дан чиқариш ҳақидаги ишларни кўрища қонунчиликнинг қўлланиши тўғрисида”ги қарори 8-бандининг 1-қисмida келтирилган судъянинг мулкни рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги даъво аризани қабул қилгач, бу ҳақда ижро иши юритаётган суд ижроқисини хабардор қилиб, иш мазмунан ҳал қилингунга қадар даъвони таъминлаш мақсадида низоли мулкка нисбатан ижро ҳаракатларини тўхтатиш ҳақида ажрим чиқаришини ҳам келтириш мумкин.

Зарур ҳолларда суд даъвони таъминлаш чорасининг бир неча турини қўллаши мумкин, лекин уларнинг умумий суммаси даъвонинг баҳосидан ошибб кетмаслиги керак.<sup>61</sup>

Даъвони таъминлаш чораларига риоя  
этмаганлик учун айбдор шахсларга суднинг  
ажрими билан энг кам иш ҳақининг беш  
бараваригача миқдорда жарима солинади.

Даъвони таъминлаш чоралари ишни кўраётган суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

Даъво рад қилинган тақдирда, даъвони таъминлаш чоралари суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунга қадар сақланади. Бироқ, суд ҳал қилув қарори билан бир вақтда ёки қарор чиқаргандан сўнг даъвони таъминлашни бекор қилиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.<sup>62</sup>

61 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 249-моддаси.

62 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 254-моддаси.



Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажрим устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин, лекин бу ажримнинг ижросини тўхтатмайди.<sup>63</sup>

Аксинча, даъвони таъминлашни бекор қилиш тўғрисидаги ёки даъвони таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштириш тўғрисидаги суднинг ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши бу ажримнинг ижросини тўхтатиб қўяди.

### **3.2.17. Судда вакил орқали ёки вакил билан бирга иштирок этиш, вакилнинг ваколатларини расмийлаштириш тартиби**

Фуқаролик процессуал кодексининг 50-моддасига кўра, фуқаролар ўз ишларини судда шахсан ва ўз вакиллари орқали юритишлари мумкин. Фуқаронинг ишда шахсан қатнашиши уни шу иш бўйича вакилга эга бўлиш хукуқидан маҳрум этмайди.

Фуқаролик процессида вакиллик институти фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган суд орқали ҳимояланиш ва малакали юридик ёрдам олиш каби конституциявий хукуқлари амалга оширилишини таъминлашга хизмат қиласди.

Қонун мазмунига кўра, суддаги вакил — ишонч билдирувчи шахс номидан ва унинг манфаатлари учун берилган ваколат доирасида процессуал ҳаракатлар содир этадиган ҳамда хукуқларини амалга оширишда унга ёрдам берадиган жисмоний шахсадир.

Фуқаролик ишлари бўйича судда вакиллик икки турга ажратилади — қонуний ва шартнома бўйича, яъни ихтиёрий вакиллик.

Қонуний вакиллик белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган, бедарак йўқолган деб топилган ёки ўлган деб эълон қилинган шахслар хукуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига дахлдор фуқаролик ишларини судда кўришда мажбурийдир. Қонуний вакиллик келиб чиқиши учун хукуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинаётган шахс розилиги талаб этилмайди.

Судда вакиллик бошқа барча ҳолларда шартномага асосланган бўлади ва фақат ишонч билдирувчининг бунга хоҳиши мавжуд бўлганда юзага келади.

63 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 253-моддаси.

64 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 257-моддаси.

65 - Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми “Вакилликка доир фуқаролик процессуал қонунчилиги нормаларининг судлар томонидан кўлланилиши тўғрисида”ги қарорининг 1-банди.

Судда қонуний вакил сифатида ота-оналар, васийлар, ҳомийлар, белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб топилган фуқаро иштирок этиши лозим бўлган иш бўйича унинг вакили сифатида мазкур фуқаронинг мол-мulkини кўриқлаш ва бошқариш ҳамда шахсий ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун тайинланган шахс, вафот этган ёки белгиланган тартибда ўлган деб эълон қилинган шахснинг меросхўри қатнашиши лозим бўлган иш бўйича, агар меросни ҳали ҳеч ким қабул қилиб олмаган бўлса, меросхўрнинг вакили сифатида васий ёхуд мерос мол-мulkни сақлаш ва бошқариш учун тайинланган сақловчи шахс қатнашади.

Қонуний вакил судда иш олиб боришни вакил сифатида ўзи танлаган бошқа шахсга топшириш ҳуқуқига эга.<sup>66</sup>

Судда шартнома бўйича (ихтиёрий) вакил сифатида қуидагилар иштирок этишлари мумкин:

- 1) адвокатлар;
- 2) насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган ёки ён шажара бўйича қариндошлар, шунингдек эр (хотин) ёхуд унинг қариндошлари;
- 3) юридик шахсларнинг ходимлари — шу юридик шахсларнинг ишлари бўйича;
- 4) нотижорат ташкилотларнинг ваколатли вакиллари — шу ташкилотлар аъзоларининг ишлари бўйича;
- 5) қонунга биноан бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилган нотижорат ташкилотларнинг ваколатли вакиллари;
- 6) биргаликда иштирок этувчилардан бири бошқа иштирокчиларнинг топшириги бўйича;
- 7) ишни кўраётган суд томонидан ишда жисмоний шахсларнинг вакиллари сифатида қатнашишга рухсат берилган шахслар.<sup>67</sup>

**Судда иш юритиш бўйича вакил сифатида профессионал фаолият билан факат адвокатлар шуғулланиши мумкин.**

Ишонч билдирувчига қариндош шахслар доирасига қуидагилар киради:  
– ота-она, болалар, неваралар, бобо, буви, эваралар, катта бобо, катта буви;

66 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 51-моддаси.

67 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддаси.



– ака-ука, опа-сингиллар, уларнинг болалари, ота-онанинг ака-ука, опа-сингиллари, уларнинг болалари, бобо, бувиларнинг ака-ука, опа-сингиллари, уларнинг болалари ва ҳ.к.;

– ўйай ака-ука, опа-сингиллар.<sup>68</sup>

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 2010 йил 14 майдаги 5-сонли “Вакилликка доир фуқаролик процессуал қонунчилиги нормаларининг судлар томонидан кўпланилиши тўғрисида”ги қарорининг 12-бандига кўра, қонуний вакиллар ишга киришиши учун ҳукуқ берувчи ҳужжатлар жумласига қўйидагилар киради:

боланинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси, болаликка олинганлик фактларини тасдиқловчи ҳужжатлар;

васий ёки ҳомийни, мерос мулкини асроччини тайинлаш тўғрисида қарорлар.

Вакилнинг ваколатлари қонунга мувофиқ берилган ва расмийлаштирилган ишончномада ифода этилган бўлиши лозим.

Фуқаролар берадиган ишончномаларни нотариуслар ёки нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳукуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахслар тасдиқлайдилар.

Фуқаролар вакилларининг судда иш юритиш ваколатлари ишонч билдираётган шахснинг оғзаки аризаси билан ҳам тасдиқланиши мумкин, бу ҳол суд мажлисининг баённомасига киритилиши лозим.

Давлат бошқаруви органларининг, мансабдор шахсларнинг вакиллари тегишли орган раҳбарининг ёки мансабдор шахснинг имзоси билан бериладиган ишончнома бўйича иш юритадилар.

Ташкилот номидан бериладиган ишончнома ташкилот раҳбари томонидан имзоланиб, имзо ташкилот муҳри билан тасдиқланади.

Ташкилотларнинг раҳбарлари судга ўзларининг хизмат лавозимлари ёки ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар тақдим этадилар.

Адвокатнинг ваколатлари тегишли тартибда расмийлаштирилган ордер билан тасдиқланади.<sup>69</sup>

Ишга киришиш учун ҳукуқ берувчи ҳужжатлар шартнома бўйича вакилларга процесс иштирокчисининг фақат умумий ҳукуқларини беради.

Айрим процессуал ҳаракатларни содир этиш учун қонун маҳсус ваколатлар мавжуд бўлишини талаб этади ва шартнома бўйича вакил бу ҳаракатларни фақат улардан ҳар бири қонунга мувофиқ расмийлаштирилган ишончномада қайд этилган ҳолдагина содир этишга ҳақлидир. Фуқаролик

68 - Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми “Вакилликка доир фуқаролик процессуал қонунчилиги нормаларининг судлар томонидан кўпланилиши тўғрисида”ги қарорининг 6-банди.

69 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 53-моддаси.

процессуал кодексининг 54-моддасига кўра, ишончномада алоҳида қайд этилиши лозим бўлган бундай ҳукуқлар жумласига қўйидагилар киради:

- даъво талабларидан бутунлай ёки қисман воз кечиш;
- даъво асоси ёки предметини ўзгартириш;
- даъво миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш;
- даъвогар талабларини тан олиш;
- келишув битими тузиш;
- ваколатларни бошқа шахсга ўтказиш (бошқа шахсга ишониб топшириш);
- суднинг ҳал қилув қарори (ажрими) устидан шикоят бериш;
- ижро варақасини ундирувга қаратиш;
- ундирилган мол-мулк ёки пулни олиш.<sup>70</sup>

**Қонуний вакиллар, шартнома бўйича вакиллардан фарқли равища, барча процессуал ҳаракатларни маҳсус ваколат олмаган ҳолда мустақил содир этишга ҳақлидирлар.**

Қонунга кўра қўйидагилар судда вакиллик қилиши мумкин эмас:

- 1) вояга етмаган шахслар;
- 2) васийлик ёки ҳомийлик белгиланган шахслар;
- 3) судьялар, прокурорлар, терговчилар, суриштирувчила, улар қонуний вакил (ота-оналар, фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар) сифатида, шунингдек, тегишли суд, прокуратура, суриштирув ва тергов органининг вакили сифатида қатнашган ҳоллар бундан мустасно.<sup>71</sup>

### **3.2.18. Прокурор иштирок этиши шарт бўлган ишлар**

Фуқаролик процессуал кодексининг 33-моддасига кўра, прокурор ишда иштирок этувчи шахслар жумласига киради.

Прокуратура органларининг қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти фуқаролик тартибида судда иш юритиш жараёнини ҳам қамраб олган бўлиб, прокурор бошқа шахсларнинг ҳукуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш ҳукуқига эга. Шунингдек, прокурор бошқа шахслар ташаббуси билан қўзғатилган ишни кўришда бошидан иштирок этиш ҳукуқига эга.

70 - Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми “Вакилликка доир фуқаролик процессуал қонунчилиги нормаларининг судлар томонидан кўпланилиши тўғрисида”ги қарорининг 15-банди.

71 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 55-моддаси.



Фуқаролик процессуал қонунчилиги ва бошқа қонунларда прокурорнинг фуқаролик ишларини судда кўришда иштироки шарт бўлган ишлар тоифаси белгиланган бўлиб, унга кўра прокурор:

- унинг аризаси билан қўзғатилган ишлар бўйича;
- фарзандликка олиш;
- фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ёки фуқарони ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги;
- фуқарони муомала лаёқати чекланган деб топиш ва муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги;
- шахсни психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги;
- сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайрихтиёрий тартибда ётқизиш ҳақидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги;
- ота-оналилк ҳуқуқидан маҳрум қилиш, шу ҳуқуқни тиклаш ёки чеклаш тўғрисидаги;
- сайдов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича;
- апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида кўрилаётган ишлар бўйича;
- шунингдек, суд ишда прокурорнинг иштирокини зарур деб топган ҳолларда ишни судда кўришда иштирок этиши шарт<sup>72</sup>.

Прокурорнинг фуқаролик суд ишларини юритишида иштироки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 11 майдаги “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида”ги 22-сонли буйруғи билан ҳам белгиланган бўлиб, унга кўра прокурорнинг ишга тиклаш, мулкни рўйхатдан чиқариш, фуқароларни бошқа турар-жой бермасдан кўчириш тўғрисидаги ишлар, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва унга тенглаштирилган судларнинг биринчи инстанциясида кўриладиган ишлар бўйича ҳам иштирокини қатъий таъминлаш юзасидан кўрсатма берилган.

72 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар.



- Прокурорнинг аризаси билан кўзгатилган ишлар
- Фарзандликка олиш тўгрисидаги ишлар
- Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ёки фуқарони ўлган деб эълон қилиш тўгрисидаги ишлар
- Фуқарони мумомала лаёқати чекланган деб топиш ва мумомалага лаёқатсиз деб топиш тўгрисидаги ишлар
- Шахси психиатрия стационарига ётқизиш тўгрисидаги ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш тўгрисидаги ишлар
- Сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига гайрихтиёрий тартибида ётқизиш ҳақидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш тўгрисидаги ишлар
- Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, шу ҳуқуқни тиклаш ёки чеклаш тўгрисидаги ишлар
- Сайлов комиссиясининг хатти-харакатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича кўзгатилган ишлар
- Апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида кўрилаётган ишлар
- Суд ишда прокурорнинг иштирокини зарур деб топган ишлар

### 3.2.19. Судья ва процесснинг бошқа иштирокчиларини рад қилиш тартиби ва асослари

Фуқаролик тартибида судда иш юритишда судья ва процесснинг бошқа иштирокчиларини рад қилиш одил судловни амалга оширишда мухим аҳамият касб этади. Бу ҳуқук ўзида фуқаролик ишларининг ўз вақтида ва тўғри кўрилиши, қонуний, асосли ва адолатли суд қарорлари чиқарилишининг кафолатларини мужассамлаштиради.

Судьяни рад қилиш асослари ишни кўриш бошлангунга қадар ҳам ва ишни судда кўриш жараёнида ҳам аниқланиши мумкинлиги сабабли ушбу масала рад қилиш асослари маълум бўлган вақтда ҳал этилади.

Қонунга мувофиқ қўйидаги ҳолларда судьянинг ишни кўриши мумкин бўлмайди ва у рад қилинади, агар:

1) ишнинг пировард натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса, ёхуд унинг холислигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса;

2) шу иш илгари кўрилганида гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон, вакил, прокурор, суд мажлисининг котиби сифатида қатнашган бўлса;



3) ишда иштирок этувчи тарафнинг ёки бошқа шахсларнинг қариндоши бўлса.

Бир-бирига қариндош шахслар суд таркибига кириши мумкин эмас.<sup>73</sup>

Фуқаролик процессуал кодексининг 26-моддасига кўра, рад қилишнинг юқоридаги асослари прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон ва суд мажлисининг котибига нисбатан ҳам қўлланилади.

Агар эксперт, мутахассис ва таржимон ишда иштирок этувчи тарафларга ёки бошқа шахсларга хизмат юзасидан ёхуд бошқача тарзда қарам бўлса, эксперт ва мутахассис эса, шунингдек, тафтиш ўтказган ёки хулоса ҳам берган бўлиб, уларнинг материаллари мазкур фуқаролик ишини қўзғатишга асос бўлиб хизмат қилган бўлса, уларни рад қилиш тўғрисида арз қилиниши мумкин.

Конунда ишни кўришда судьянинг тақрор иштирок этишига йўл кўйилмаслиги асослари белгиланган бўлиб, Фуқаролик процессуал кодексининг 27-моддасида белгиланган талабларга риоя қилинмасдан, ишнинг суд томонидан ғайриқонуйи таркибда кўрилиши ҳал қилув қарорининг мажбурий тартибда бекор қилинишига асос бўлади.

Судья ва процесснинг бошқа иштирокчиларини рад қилиш асослари мавжуд бўлса, бу ҳақда прокурор, судья, эксперт, мутахассис, таржимон, суд мажлисининг котиби ҳам ишда иштирок этувчи шахслар ҳам арз қилишлари мумкин.<sup>74</sup>

Судья рад қилинган тақдирда иш бошқа судья томонидан кўрилади, бошқа туманлараро, туман (шахар) судига ўтказилади, бошқа суд таркибida кўрилади ёки кўриш учун бошқа тегишли судга юборилади.<sup>75</sup>

Прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон ва суд мажлисининг котиби рад қилинган тақдирда ишни кўриш суд таркиби ўзгармаган ҳолда давом эттирилади, лекин ишга бошқа прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон ва суд мажлисининг котиби иштирок этиш учун киришади.

73 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 25-моддаси.

74 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 28-моддаси.

75 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 30-моддаси.

## РАД ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

## Судъяни рад қилиш асослари

- агар судья ишнинг пиорвард натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса ёхуд унинг холислигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса.
- агар судья шу иш илгари кўрилганида гувоҳ, эксперт, мутахассис, тархимон, вакил, прокурор, суд мажлисининг котиби сифатида қатнашган бўлса.
- агар судья ишда иштирок этувчи тарафнинг ёки бошқа шахсларнинг қариндоши бўлса.

## Суд мажлиси котибини рад қилиш асослари

- агар котиб ишнинг пиорвард натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса ёхуд унинг холислигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса.
- агар котиб ишда иштирок этувчи тарафнинг ёки бошқа шахсларнинг қариндоши бўлса.

## Прокурорни рад қилиш асослари

- агар прокурор ишнинг пиорвард натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса ёхуд унинг холислигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса.
- агар прокурор ишда иштирок этувчи тарафнинг ёки бошқа шахсларнинг қариндоши бўлса.

## Экспертни рад қилиш асослари

- агар эксперт ишнинг пиорвард натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса ёхуд унинг холислигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса.
- агар эксперт ишда иштирок этувчи тарафнинг ёки бошқа шахсларнинг қариндоши бўлса.
- агар эксперт ишда иштирок этувчи тарафларга ёки бошқа шахсларга хизмат юзасидан ёхуд бошқача тарзда қарам бўлса.
- агар фуқаролик ишини кўзғатишга эксперт ўтказган тафтиш ёки берган хулоса материаллари асос бўлиб хизмат қўлган бўлса.

## Мутахассисни рад қилиш асослари

- агар мутахассис ишнинг пиорвард натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса ёхуд унинг холислигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса.
- агар мутахассис ишда иштирок этувчи тарафнинг ёки бошқа шахсларнинг қариндоши бўлса.
- агар мутахассис ишда иштирок этувчи тарафларга ёки бошқа шахсларга хизмат юзасидан ёхуд бошқача тарзда қарам бўлса.
- агар фуқаролик ишини кўзғатишга мутахассис ўтказган тафтиш ёки берган хулоса материаллари асос бўлиб хизмат қўлган бўлса.

## Тархимонни рад қилиш асослари

- агар тархимон ишнинг пиорвард натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса ёхуд унинг холислигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса.
- агар тархимон ишда иштирок этувчи тарафнинг ёки бошқа шахсларнинг қариндоши бўлса.
- агар тархимон ишда иштирок этувчи тарафларга ёки бошқа шахсларга хизмат юзасидан ёхуд бошқача тарзда қарам бўлса.

**3.2.20. Суд экспертизаси тушунчаси, тайинлаш ва ўтказиш тартиби**

Фуқаролик иши бўйича қабул қилинадиган қарорнинг қонуний, асосли ва адолатли бўлиши аввало, суд хулосасининг далиллар билан тўлиқ асослантирилганлигига боғлиқ бўлиб, суд томонидан ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатлар аниқланиши ва текширилиши лозим.



Суд муҳокамаси жараёнида иш учун аҳамиятга эга ҳолатларни текшириш учун маҳсус билим талаб қилинадиган ҳоллар юзага келиши мумкин ва ушбу ҳолатда суд фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида маҳсус билимларни талаб қиласидиган масалаларни тушунтириш учун иштирок этувчи шахсларнинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан экспертиза тайинлайди.

Экспертиза — суд муҳокамаси жараёнида юзага келган масалаларни аниқлаш бўйича маҳсус билимларга эга шахслар томонидан ўтказиладиган текширишdir.

Экспертиза сўзи лотин тилидаги “expertus” сўзидан келиб чиқсан бўлиб, “тажрибали”, “билимли, доно” маъноларини англатади.

Экспертиза текшируванинг обьектлари ашёвий далиллар, обьектлар, тирик одам, ҳодиса ва ҳаракатлар бўлиши мумкин.

Суд томонидан экспертиза нафақат ишни кўриш жараёнида, балки ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичида ҳам тайинланиши мумкин. Шунингдек, апелляция ёки кассация инстанцияси суди ҳам тарафларнинг илтимосномаси ёки ўзининг ташаббуси билан экспертиза тайинлаш хукуқига эга.

Конунга мувофиқ, ишда иштирок этувчи шахслар экспертлар томонидан қандай масалалар аниқланиши лозимлиги ҳақида ўз илтимосномаларини судга тақдим этишга ҳақли.

Экспертларнинг хулосаси талаб қилинадиган масалалар доирасини суд узил-кесил белгилайди. Суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг эксперт аниқлаши лозимлиги бўйича таклиф қилган масалаларини рад қилса, буни ажрим билан асослаб бериши шарт.<sup>76</sup>

“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қарашли экспертиза муассасаларида суд экспертизаси ўтказишни ташкил этиш тўғрисида”ги Низомга кўра экспертиза ўтказиш муддатлари қуидагича белгиланган:

- 10 кун — обьектлар сони кўп бўлмаган ёки мураккаб текширувларни талаб этмайдиган ишлар бўйича;
- 20 кун — обьектлар сони кўп бўлган ёки мураккаб текширувларни талаб этадиган ишлар бўйича;
- 30 кун — обьектлар сони кўп бўлган ишлар бўйича (масалан, қурилиш-техник экспертизалири, ДНК суд-биологик экспертизаси).

Эксперт ёки экспертлар комиссияси текширишларни ўтказиб бўлганидан кейин тегишинча эксперт ёхуд экспертлар комиссияси таркибига кирувчи ҳар бир эксперт имзоси билан тасдиқланадиган хулоса тузиши лозим.

76 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 85-моддаси.

Текшириш тугаганидан сўнг хulosаси, текшириш объектлари ва иш материаллари экспертизани тайинлаган судга юборилади.

Экспертиза хulosаси тўлиқ бўлмаган ёки етарли даражада аник бўлмаган ҳолларда, шунингдек илгари текширув ўтказилган фуқаролик ишининг ҳолатлари бўйича янги саволлар туғилган тақдирда суд томонидан кўшимча экспертиза тайинланиши мумкин.

Эксперт (эксперталар комиссияси) хulosаси асослантирилмаганда ёки унинг тўғрилигига шубҳа туғилганда ёхуд унга асос қилиб олинган далиллар ишончли эмас деб топилганда ёки экспертизани ўтказишнинг процессуал қоидалари жиддий бузилганда қайта экспертиза тайинланади.<sup>77</sup>

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 67-моддасининг 4-банди талабларига кўра эксперт хulosаси суд учун олдиндан белгилаб қўйилган кучга эга эмас. Шу сабабли, эксперт хulosаси судлар томонидан бошқа далиллар қаторида ишнинг ҳамма ҳолатларини жамлаган ҳолда ҳар тарафлама, тўлиқ ва холис кўриб чиқишга асосланган судьяларнинг ички ишончига кўра баҳоланиши лозим.

Экспертнинг эҳтимол тутилган хulosаси суд қарорига асос қилиб олиниши мумкин эмас.<sup>78</sup>

77 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 194-моддасининг 2-қисми.

78 - Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми “Фуқаролик ишлари бўйича экспертиза тайинлаш, ўтказиш ва эксперт хulosасига баҳо беришда суд амалиётида келиб чиқадиган айрим масалалар ҳақида”ги қарорининг 22-банди.



### III БОБ. АРИЗАЛАРНИНГ СУДДА КҮРИЛИШИ

#### Ўзбекистон Республикаси Адмия Вазирлиги хузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказида ўтказилдиган экспертиза турлари Рўйхати

№	Суд экспертизасининг турлари	Эксперт	Мутахассисликлар	Халқ килинадиган масалалар (асорийлар)
1.	Судхатуниослик экспертизаси	Дастхат ва имзоларни текшириш		Идентификацион: дастхатни (имзони) бажерган шахси аниқлаш; туғли матн (имзоларни) бир шахс томонидан бахарилганнинин текшириш. Диагностик: дастхат (имзо) бажерган шароитин, бажарётган шахси хотатини аниқлаш. Класификацийон: дастхатни бажерган шахснинг жинси ва ёшни аниқлаш
2.	Одам ДНКси суд биологик экспертизаси	Одамнинг биообъектларни текшириш		Мурданалини идентифиқация (митц, кон, сұлтак, маный, соң толлар), аззолар ва мурда колдикларини жинсий мансубларини ва жақын шахсандеги чиқалтканни аниқлаш; боланинг хакиий (биологиятик) этилган наумуналарнинг шахсий ДНК колини аниқлаш за бу мөълумотларни «ДНК-базаси» гиритилини, жиннотларни очишда, терористик актлар ва бахтий оғарлар курбонлари шахснинг аниқлашада «ДНК базаси» картотекасидан фондданлиш
3.	Суд автотехник экспертизаси	Транспорт воситаларини баҳолаш		Транспорт воситаларни таъминлаш, шикастланган транспорт воситаларига етказилиш зарар мукодорин ва уларни таъмирлаш (тишнав) харжатларини аниқлаш, транспорт воситаларни профилитик физиолозияни аниқлаш
4.	Суд өнгаптерлик экспертизаси	Суд өнгаптерлик текшириш		Халқ ҳужалитининг тармоқларида моддий таъминлаш, солик олиш ва қара бериш соҳасида коидаларни баъзини ва улардан четта чиқиши оғротларни юзасидан ҳуҷохатларни текшириш
5.	Суд молиявий кредит экспертизаси	Суд молиявий кредит текшириш		Уй-жойларни бўлиш, таъмирлаш ишларини нархини аниқлаш, уйга сув тошиш сабаларини аниқлаш, ўз иштё-ри билан қурилган қурилмаларни техник талабларга ях-доб бериш ёки бермаслигини, қурилишларда техника газбезлигини бузулганини, қурилмалар тойхха таълбалига, қурилиш меъбрарига жавоб бериш ёки бермаслигини аниқлаш.
6.	Суд қурилиш-техникиавий экспертизаси	Қурилиш объектларини текшириш		Ер участагарини улиша бинон қисмларга бўлиш, ер участагаридан фойдаланиш тартиби бўйича участагаридан фондданланыш, қушичка этапланган ёки майдонларни, (бир қўшични ва бошқалар ўргасида), уларнинг юзларини аниқлаш
7.	Суд дер экспертизаси			

№	Суд экспертизасининг турлари	Эксперт мутахассисликлар	Хал кипинадиган масалалар (асосийлари)
8.	Суд ёр экспертизаси	Ер участкаларига этагик хукуквари кийматини олган холда ер участкаларини жара хукуквари кийматини аниқлаш, курилмаларни инобатга фонддананинги хукуквари кийматини аниқлаш, бўш ер участкаларидан	Бўйи курилмаларориз) ёр участкаларини жара хукуквари кийматини аниқлаш, курилмаларни инобатга олган холда ёр участкаларидан
9.	Суд ёнгин-техникавий экспертизаси	Ёнгин марказини, оловни тараш кўлларни ва вактини текшириш	Ёнгин марказларини, уларни сонини аниқлаш, ёнининг бошланган вақти, оловни тараш кўлларни, ёнинни давом этган ваqtini аниқлаш.
10.	Суд ёнгин-техникавий экспертизаси	Электротехник сабабларга кўра келиб чиқкан ёнгинни текшириш	Киска туғаушу, авария холати бор-хўлдигини аниқлаш, электр асбоб-ускунапар ёнгин хавфисизлиги койдаларига тўғри келиш-жемистигини аниқлаш.
11.	Суд ёнгин-техникавий экспертизаси	Ёнгин юкламасини текшириш	Жихозларни, асбоб-ускунапар ва бошقا, ёнин содир бўлган жода мавжуд буюмларни ёниш вақти, унинг кучини аниқлаш.
12.	Суд-товаршунослик экспертизаси	Трикотаж, галантерея, тужимчалик саноати маҳсулотлари- Матолар, гипамлар ва башкандар), жиҳоз-тар, уйрузгор эпекти буюмлари, Ташкилий техника, ишлаб чигариш тизими ижтимоий техника	Махсулотларнинг турли, туркуми, номи, уччами, нави, тўлуклари (тўлик эшаситиги)ни, артикули ва нархини аниқлаш, уларни ўй шароитда ёки фабрикада ишлаб чиқарилганларини ва ишлаб чиқарган корхонани аниқлаш.
13.	Суд-фонография экспертизаси	Одам овози ва нутқини текшириш	Шахсни магнит ва видео тасмасига ёзиб олинган нутки бўйича идентификация қилиш, матн мазмунини сўзма-сўз аниқлаш
14.	Суд-фонография экспертизаси	Товушни мухит ва осоз ёзмни воситаларини текшириш	Фонограммани айлан шу ёни башка асбоб-ускунада ёзилтганларини аниқлаш, фонограммада механик ёки электроакустик монтаж белтиларини аниқлаш
15.	Видеодухжатлар экспертизаси	Тасвири мухитни айлан шу асбоб-ускунада ёзилтсанларини аниқлаш, видеотасмадаги механик ва электроакустик монтаж белтиларини аниқлаш	Тасвири мухитни айлан шу асбоб-ускунада ёзилтсанларини аниқлаш, видеотасмадаги механик ва



№	Суд экспертзасининг турлари	Эксперт	Мутакассисликлар	Хал қилинадиган масалалар (асосийлари)
16.	Суд-сийёсатшунослиқ-лингвистик экспертизаси	Экстремизмга караш кураш билан борлик, матнларни текшириш	Матнда күйда көттирилган сийёсий-лингвистик эксперт хусусиятларининг маҳсус белгилари бор бўйичидан аниклаш: саволда кептирилган муъъян харалатлари давлат ва ҳабекистон Республикаси Президентига тақовуз килиш, саволда кептирилган хусусият бўйича Уйбекистон Республикаси конституцион тузумига Тахковуз килиш, урушни тарғи килиш, сайловлар ёки референдумларни ташкил босча тақимланган ташкилларни бузалиши, диний, экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ва таҳдид соловчи материалларни тайёрлаш ва таржати.	
17.	Суд-филологик экспертизаси	Матнни мазмунни бўйича муаллифларини инкор этиш, матнни баҳартган шахс учун муаллифи ёки йўқигитини аниклаш.		
18.	Видеохуҷоатлар экспертизаси	Рахамли технологиялар асосида ёзиб олинган аудио ва видео-манбаларга тааллукли фактик маалумотларни аниклаш, улакали комплекс равишда текшириб эпекроакустик монтаж белгитарини аниклаш.		
19.	Комплекс экспертизанар	Иккя ва undan кўп эксперт мутакассисликлари чегарасида текшириш	Турли объектлар бўйича идентификацион, диагностик ва классификацион масалаларни ҳал этиш.	
20.	Суд-экологик экспертизаси	Атроф мухит обьектлари (атмосфера, сув, тупрок, ўсимлик опами) да заҳарли мордалар бор (йў)лигини кимёйин услулар ёдрамидда аниклаш, уларни муайян бир тур – заҳарли мордлар, сирор метагларга тааллукларини аниклаш, топилган объектларни тур. туркуми, кўлланиш соҳаси ва мақсадини аниклаш.		

### 3.2.21. Судда иш юритишни тўхтатиб туриш тартиби ва асослари

Фуқаролик тартибида судда иш юритишнинг вазифалари шахснинг бузилган ҳукуқларини ўз вақтида, қонунда белгиланган процессуал муддатлар доирасида тиклашга, сансалорлик ва фуқаролар сарсон-саргардонлигининг олдини олишига қаратилган. Бироқ барча ҳолатларда ҳам суд муҳокамасининг узлуксизлиги ҳамда ишларнинг белгиланган муддатларда кўрилиши суднинг ихтиёрига боғлиқ бўлмасдан, бундай ҳолатда суд томонидан иш юритиш тўхтатиб турилади.

Қонунга мувофиқ, иш юритиш тўхтатиб турилганида тугамаган ҳамма процессуал муддатларнинг ўтиши ҳам тўхтатиб турилади. Иш юритиш тикланган кундан эътиборан процессуал муддатларнинг ўтиши давом этади.<sup>79</sup>

Қонун суд иш юритишни тўхтатиб туриши шарт бўлган ва иш юритишни тўхтатиши суднинг ихтиёрига ҳавола қилган ҳолатларни белгилаган.

#### ИШ ЮРИТИШНИ ТЎХТАТИБ ТУРИШ (ФПК 92-96 моддалари)

Суднинг иш юритишни тўхтатиб туриш мажбурияти		Суднинг иш юритишни тўхтатиб туриш ҳукуки	
Асослар	Тўхтатиб туриш муддати	Асослар	Тўхтатиб туриш муддати
<ul style="list-style-type: none"> <li>агар ишда тараф бўлган фуқаро вафот этиб, низоли ҳукукий муносабат ҳукукий ворисликка йўл кўйса ёки ишда тараф бўлган юридик шахс қайта ташкил этилса.</li> <li>фуқаро (тараф) мумомала лаёқатини йўқотса.</li> </ul>	<p>ҳукукий ворис ишга киришгунига ёки ишга жалб қилингунига қадар ёхуд мумомалага лаёқатсиз шахсга қонуний вакил тайинлангунига қадар</p> <p>ҳукукий ворис ишга киришгунига ёки ишга жалб қилингунига қадар ёхуд мумомалага лаёқатсиз шахсга қонуний вакил тайинлангунига қадар</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>тараф Қуролли Кучлар таркибида муддатли ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган бўлса ёки мазкур шахслар давлатнинг бирорта мажбуриятини бажариш учун жалб қилинган бўлса.</li> <li>тараф даволаш муассасасида бўлса, шунингдек тарафлардан биринда судга келишига тўқсинглик қиласидаган, тиббёт муассасасининг маълумотномаси билан тасдиқланган касаллик мавжуд бўлса.</li> </ul>	<p>тегишлича, тарафнинг Қуролли Кучлар таркибида муддатли ҳақиқий ҳарбий хизматда бўлиши тугагунига ёки мазкур шахслар давлат мажбуриятини бажариб бўлгунига қадар</p> <p>тараф даволаш муассасасидан чиқунига ёки тарафнинг судга келишига тўқсинглик қиласиган касаллик тузалгунига қадар</p>

79 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 85-моддаси.



Суднинг иш юритиши тўхтатиб туриш мажбурияти		Суднинг иш юритиши тўхтатиб туриш хукуқи	
Асослар	Тўхтатиб туриш муддати	Асослар	Тўхтатиб туриш муддати
<ul style="list-style-type: none"> <li>жавобгар Қуролли Кучларнинг ҳаракатдаги қисмида бўлса ёки Қуролли Кучларнинг ҳаракатдаги қисмида бўлган дъявогар илтимос қилса.</li> <li>фуқаровий, жиноий ёки маъмурий суд ишларини юритиш тартибида кўрилаётган бошқа иш ҳал қилинмасдан олдин кўришнинг имкони бўлмаса.</li> </ul>	тараф Қуролли Кучларнинг ҳаракатдаги қисмида бўлиши тугагунига қадар	<ul style="list-style-type: none"> <li>Фуқаролик процессуал Кодекснинг 140-моддасида назарда тутилган ҳолларда жавобгар қидирилаётган бўлса.</li> <li>тараф узоқ муддатли хизмат сафарида бўлса ёки бошқа узрли сабабга кўра йўқ бўлса.</li> <li>суд томонидан экспертиза тайинланган бўлса.</li> <li>Фуқаролик процессуал Кодекснинг 65 ва 390-моддаларига мувофиқ суд томонидан суд топшириги юборилган бўлса.</li> </ul>	жавобгарни қидириш тамом бўлгунига қадар
<p><b>Иш юритиш уни тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар барҳам топгач, ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига мувофиқ ёки суднинг ташабbusи билан тикланади.</b></p> <p><b>Иш юритиш тикланганида суд ишда иштирок этувчи шахсларни умумий асосларда чақиради</b></p>			тараф қайтгунига қадар
<p>Суднинг иш юритиши тўхтатиб туриш тўғрисидаги ажрими устидан хусусий шикоят қилиниши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.<sup>80</sup></p> <p>Фуқаролик-процессуал кодексининг 96-моддасига кўра, иш юритиш уни тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар барҳам топгач, ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига мувофиқ ёки суднинг ташабbusи билан ажрим чиқарган ҳолда тикланади.</p> <p>Иш юритиш тикланганида суд ишда иштирок этувчи шахсларни умумий асосларда чақиради.</p>			экспертиза ўтказиш тугагунига қадар
<p><b>3.2.22. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг судга келмаслиги оқибатлари</b></p>			суд топширигини ижро этиш бўйича ҳаракатлар тугагунига қадар

Конунга мувофиқ ишда иштирок этувчи шахслар ўзларига берилган барча процессуал хукуқлардан инсофли равишда фойдаланишлари ва ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажаришлари шарт.<sup>81</sup>

80 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 95-моддаси.

81 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 34-моддасининг 3-қисми.

Суд амалиётида ишда иштирок этувчи шахсларнинг айрим ҳолатларда узрли сабабларга кўра, баъзида айрим ҳолатларда эса узрсиз сабабларга кўра, баъзида атайлаб ишни чўзишни кўзлаган ҳолда судга келмаслиги ҳолатлари кузатилади.

Қонун ишда иштирок этувчи шахслар суд мажлисига келмаганлигининг оқибатларини бунга асос бўлган ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда белгилаган.

Унга кўра агар ишда иштирок этувчи шахслар тегишли тартибда суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинган бўлиб, суд узрли деб топган сабабларга кўра суд мажлисига келмаган бўлсалар, суд ишни кўришни кейинга қолдиради.

Тарафлар судга келмаслик сабаблари ҳақида маълумот беришлари ва бу сабабларнинг узрлилигига далиллар тақдим этишлари шарт. Башарти жавобгарнинг келмаганлик сабаблари ҳақида маълумот бўлмаса ёки суд келмаганлик сабабларини узрсиз деб топса ёхуд жавобгар иш юритилишини қасддан чўзаётган бўлса, суд ишни кўришга ҳақли.<sup>82</sup>

Фуқаролик процессуал кодексининг 175-моддасига кўра, агар тарафлар (даъвогар ва жавобгар) узрсиз сабабларга кўра суд мажлисига келмаса ёхуд уларнинг бирортасидан ҳам ишни ўзининг иштирокисиз кўриш тўғрисида ариза тушмаган бўлса, суд ишни кўришни кейинга қолдиради.

Агарда тарафлар иккинчи чақирув бўйича ҳам узрсиз сабабларга кўра келмасалар, суд аризани кўрмасдан қолдиришга ҳақли.

Даъвогар иккинчи чақирув бўйича ҳам узрсиз сабабларга кўра судга келмаса, аризани кўрмасдан қолдириш учун суд жавобгарнинг розилиги талаб қилинади. Жавобгар суддан ишни кўришни талаб қилса, суд даъвогарнинг келмаганлигига қарамасдан ишни мазмунан кўриб чиқиши лозим.

Ишда иштирок этувчи шахслар узрсиз сабабларга кўра ишни кўришни қасддан чўзиш мақсадида судга келмасликка ҳақли эмаслар, зеро, қонун уларнинг ўз процессуал ҳукуқларидан инсофли равишда фойдаланишлари лозимлигини назарда тутади.

Суд инсофсизлик билан ишнинг тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилиши ва ҳал этилишига мунтазам қаршилик қилиб келган тараф зиммасига амалда йўқотилган вақт учун иккинчи тараф фойдасига ҳақ тўлаш мажбуриятини юклаши мумкин.<sup>83</sup>

82 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 174-моддаси.

83 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 115-моддаси.



Агар чақирилган гувоҳ суд узрсиз деб топган сабабларга кўра суд мажлисига келмаса, у судга хурматсизлик қилганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 180-моддасига асосан жавобгарликка тортилиши мумкин.

Агар чақирилган гувоҳ иккинчи чақирув бўйича ҳам суд мажлисига келмаса, у суднинг ажримига биноан мажбурий тартибда келтирилиши мумкин.

Эксперт ёки мутахассиснинг суд мажлисига суд узрсиз деб топган сабабларга кўра суднинг чақируви бўйича келмаслиги уларга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солишга асос бўлади.<sup>84</sup>

### **3.2.23. Ишни тарафнинг иштирокисиз кўриш асослари**

Шахснинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан судга мурожаат қилиши унинг ҳуқуқи бўлиб, ушбу мурожаатнинг натижаси аризачининг манфаатларига дахлдор бўлганлиги сабабли қонун ишнинг судда кўрилиши жараёнида аризачининг бевосита ёки вакил орқали иштирок этиш этмаслиги билан боғлиқ масалани аризачининг ихтиёрига ҳавола қилган.

Фуқаролик процессуал кодексининг 174-моддаси 4-қисмига кўра, тарафлар ишни ўзларининг иштирокларисиз кўришни ва ўзларига суднинг ҳал қилув қароридан нусха юборишини илтимос қилишга ҳақли. Агар ишнинг ҳолатлари бўйича зарур бўлса, суд тарафларнинг суд мажлисида иштирок этишини шарт деб топиши мумкин.

Суд тарафларнинг суд мажлисида иштирок этишини шарт деб топиши кўрилаётган ишнинг моҳиятига боғлиқ бўлади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 1998 йил 11 сентябрдаги 23-сонли “Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 12-бандининг 1-қисмига кўра, иш ҳолатларини, ота-онанинг болаларига муносабатлари хусусиятларини ҳар тарафлама аниқлаш мақсадида ота-оналий ҳукуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар, суд мажлисида жавобгарлар иштирокида кўрилиши лозимлиги белгиланган.


Фуқаролик процессуал қонунчилиги ўзининг талаблари ва эътиrozларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаш мажбуриятини тарафларнинг зиммасига юклashi сабабли, тарафларнинг судда иштирок этишлари уларнинг манфаатларига мос ҳисобланади.

84 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 176-моддаси.

### 3.2.24. Жавобгарнинг яшаш жойи номаълум бўлганда ишни судда кўриш тартиби

Фуқаролик процессуал қонунчилигига судловга тааллуқлиликнинг умумий қоидаларига кўра, аризалар жавобгар доимий яшаб турган ёки доимий машғул бўлган жойдаги судга берилади.

Амалиётда жавобгарнинг яшаш жойи номаълум бўлган ҳоллар учрайди ва аризачиларда судловга тааллуқлилик масаласини ҳал қилишда тушунмовчиликлар юзага келиши мумкин.



Қонунга кўра, яшаш жойи номаълум бўлган жавобгарга нисбатан даъволар унинг мол-мулки турган жойда ёки унинг сўнгги яшаган жойида тақдим этилиши мумкин.<sup>85</sup>

Бундай ҳолда аризада жавобгарнинг яшаш жойи номаълумлиги кўрсатилиши, буни тасдиқловчи ҳужжатлар аризага илова қилиниши лозим. Аризачининг яшаш жойи номаълумлигини тасдиқловчи далиллар жумласига унинг охирги яшаш жойидан олинган, тегишли тартибда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан тасдиқланган маълумотнома ёки далолатнома кабилар киради.

Фуқаролик процессуал қонунчилигига кўра, жавобгарнинг амалдаги яшаш жойи номаълум бўлган тақдирда, жавобгарнинг охирги яшаш жойидаги алоқа ташкилоти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёхуд охирги иш жойидаги иш берувчи (маъмуриятнинг мансабдор шахси) чақирив қофозининг иккинчи нусхасига чақирив қофози олинганлиги ва чақирилувчининг қаердалиги маълум эмаслиги сабабли уни топширишнинг имкони бўлмаганлиги ҳақида ёзиб юборган маълумот судга келиб тушгач, суд ишни қўришга киришади.

85 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 241-моддасининг 1-қисми.



ИШ ЮРИТИШНИ  
ТУГАТИШ АСОСЛАРИ  
(ФПК 100-102  
моддалари)

- иш судга тааллукли бўлмаса.
- айни бир тарафлар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича чиқкан низо юзасидан суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечишини қабул қилиш тўғрисидаги ёхуд тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрими мавжуд бўлса.
- даъвогар арз қилган талабларидан воз кечган ва суд бу воз кечишини қабул қилган бўлса.
- тарафлар келишув битими тузган бўлсалар ва у суд томонидан тасдиқланган бўлса.
- ишни судда кўришга тайёрлаш вақтида жавобгар даъвогарнинг талабларини тан олган бўлса ва бу тан олиш судья томонидан қабул қилинган бўлса.
- тарафлар ўртасида ушбу низоны ҳал қилиш учун ҳакамлик судига топшириш ҳақида ҳакамлик битими тузилган бўлса.
- иш бўйича тарафлардан бири бўлган фуқаронинг вафотидан сўнг низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворислика йўл қўйиласа.

Яшаш жойи номаълум бўлган жавобгарга нисбатан ариза судда иш юритишнинг умумий қоидаларига риоя қилинган ҳолда кўрилади.

### **3.2.25. Жавобгар Ўзбекистон Республикасидан ташқари бўлганида ёки озодликдан маҳрум қилиш муассасасида бўлганда ишни судда кўриш тартиби**

Юқорида қайд этилганидек, фуқаролик процессуал қонунчилигида судловга тааллуклилик масаласининг ҳал этилишини кўп жиҳатдан жавобгарнинг яшаш жойи билан боғлиқ қилиб қўйилган. Бироқ амалиётда ҳар доим ҳам жавобгарнинг яшаш жойи бўйича судга ариза тақдим этишнинг имкони бўлмайди. Бу ҳолат хусусан, Ўзбекистон Республикасида яшаш жойига эга бўлмаган, шунингдек озодликдан маҳрум қилиш муассасасида жазони ўтаётган жавобгарларга тааллуклидир.

Фуқаролик процессуал кодекси 241-моддасининг 2-қисмига кўра, Ўзбекистон Республикасида яшаш жойига эга бўлмаган жавобгарга нисбатан даъволар Ўзбекистон Республикасида унинг мол-мулки турган жойда ёки маълум бўлган сўнгги яшаш жойида тақдим этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 52-моддаси 2-қисми 7-бандига кўра, фуқаро қамалганда ёки ушбу турар жойда яшаш имкониятини истисно этувчи озодликдан маҳрум этиш ёки бошқа жазо чорасига маҳкум этилганда, **агар у яшаб келган турар жойда оиланинг бошқа аъзолари яшаш учун қолган бўлса**, унинг турар-жойи сақланиб

туради, яъни озодликдан маҳрум этилгунга қадар доимий яшаб келган жойи яшаш жойи сифатида эътироф этилади. Шу сабабли, озодликдан маҳрум қилиш муассасасида жазони ўтаётган жавобгарга нисбатан ҳам даъволар унинг мол-мулки турган жойда ёки маълум бўлган сўнгги яшаш жойида тақдим этилиши мумкин.

Бундай ҳолатда аризада жавобгарнинг озодликдан маҳрум қилиш муассасасида жазони ўтаётганини кўрсатилиб, агар аризачида мавжуд бўлса суд хукми илова қилинади.

Ўзбекистон Республикасида яшаш жойига эга бўлмаган жавобгарга нисбатан унинг чет давлатдаги яшаш жойи маълум бўлганда Фуқаролик процессуал кодексининг 390-моддаси тартибида, озодликдан маҳрум қилиш муассасасида жазони ўтаётган жавобгарга нисбатан эса ушбу кодекснинг 65-моддаси тартибида суд топшириғи юборилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ва озодликдан маҳрум қилиш муассасасида бўлган жавобгарларга нисбатан ариза судда иш юритишнинг умумий қоидаларига риоя қилинган ҳолда кўрилади.

### **3.2.26. Тараф судга келишга тўсқинлик қиласиган касал бўлганда ёки вафот этганда ишни судда кўриш тартиби**

Ишда иштирок этувчи шахслар уларга берилган процессуал ҳукуқларнинг асосий қисмини бевосита суд муҳокамасида амалга оширадилар. Хусусан, Фуқаролик процессуал кодексининг 34-моддасида белгиланган рад этиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашаётган шахсларга саволлар бериш, арз қилиш, илтимосномалар тақдим этиш, судга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, ишни судда кўриш давомида туғиладиган ҳамма масалалар бўйича ўзларининг важларини баён қилиш, бошқа шахсларнинг арзлари, илтимосномалари, важларига қарши эътиrozлар билдириш ҳукуқлари тарафларнинг суд муҳокамасида фаол иштирокини тақозо этади. Тараф узрли сабабларга кўра, хусусан, судга келишга тўсқинлик қиласиган касал бўлганда, унинг процессуал ҳукуқларини тўлиқ амалга ошириш имконияти чекланади.

Фуқаролик процессуал қонунчилиги тарафнинг суд муҳокамасида ўз процессуал ҳукуқларини тўлиқ амалга оширишини кафолатловчи нормаларни назарда тутган бўлиб, тараф даволаш муассасасида бўлса, шунингдек унда судга келишга тўсқинлик қиласиган касаллик мавжуд бўлса, судда иш юритиш тараф даволаш муассасасидан чиққунига ёки



тарафнинг судга келишига тўсқинлик қилаётган касаллик тузалгунига қадар тўхтатиб турилади.<sup>86</sup>

Бундай ҳолатга судга тарафнинг даволаш муассасасида эканлиги ҳақида тегишли маълумотнома ёки судга келишига тўсқинлик қиладиган касаллик мавжудлиги ҳақида тиббий хулоса тақдим этилиши лозим.

Агарда ишни судда кўриш жараёнида низоли ҳуқуқий муносабат тарафларидан бири вафот этса, суд бу шахслар уларнинг ҳуқуқий ворислари билан алмаштирилишига йўл қўяди. Бу жараён фуқаролик процессуал қонунчилигига процессуал ҳуқуқий ворислик деб юритилади. Процессуал ҳуқуқий ворисликка кўра, ишни судда кўриш жараёнида вафот этган шахснинг ўрнига унинг фарзандлари, ота-онаси ёки эри (хотини) ёки бошқа ворислари қонун бўйича ворисликка киришганларидан кейин тегишилига кўра даъвогар ёки жавобгар томонидан ишда иштирокчи давом эттирадилар.

Қонунга мувофиқ, агар ишда тараф бўлган фуқаро вафот этиб, низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўйса суд иш юритишни тўхтатиб туриши шарт. Иш юритиш ҳуқуқий ворис ишга киришгунига ёки ишга жалб қилингунига қадар тўхтатиб турилади.<sup>87</sup>

Ҳуқуқий ворис вафот этган тарафнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланади ҳамда мажбуриятларини зиммасига олади.

### **3.2.27. Сиртдан иш юритиш тушунчаси ва тартиби**

Сиртдан иш юритиш – бу суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишлича хабардор қилинган жавобгарнинг суд процессига узрсиз сабабларга кўра келмаслиги оқибатида унинг иштирокисиз даъвогарнинг розилиги билан ишни мазмунан кўриб чиқишидир.<sup>88</sup>

Фуқаролик процессида сиртдан иш юритишнинг мақсади жавобгарнинг ҳаракатсизлиги учун жавобгарликни ошириш, суд муҳокамасининг чўзилишининг олдини олиш, ишни ўз вақтида кўриш ва ҳал этиш орқали манфаатдор шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатdir.

Қонунга мувофиқ, суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаган тақдирда, даъвогар эътиroz билдирамаса, иш сиртдан иш юритиш тартибида кўрилиши мумкин. Ишни бундай тартибда кўриш ҳақида суд ажрим

86 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 93-94-моддалари.

87 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 92, 94-моддалари.

88 - М.Мамасиддиқов “Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм”, дарслик.



чиқаради. Жавобгар тегишли тартибда хабардор қилинганилиги ҳақида ишда маълумот бўлиши лозим.

Суд мажлисига барча жавобгарлар келмаган тақдирда иш сиртдан иш юритиш тартибида кўрилиши мумкин.<sup>89</sup>



### ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ СИРТДАН КЎРИШ (ФПК 224-236 моддалари)

#### АСОСЛАР

- суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилингандар жавобгар (барча жавобгарлар) суд мажлисига келмаган тақдирда;
- даъвогар иш сиртдан иш юритиш тартибида кўрилишига эътиroz билдиrmаса.

#### ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ СИРТДАН КЎРИШ ТАРТИБИ

Суд фуқаролик ишини сиртдан кўриш тўғрисида ажрим чиқаради.

Суд ишда мавжуд далилларни текшириш билан кифояланади, ишда иштирок этувчи шахсларнинг вази ва илтимосларини эътиборга олиб, ҳал қилув қарори чиқаради, бу ҳал қилув қарори сиртдан чиқарилган деб аталади.

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг нусхаси суд мажлисига келмаган тарафга шу қарор чиқарилган кундан эътиборан 5 кундан кечиқтирмай имзо қўйдириб топширилади ёки почта орқали ёхуд ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилади.

Жавобгар ҳал қилув қарорини сиртдан чиқарган судга шу ҳал қилув қарори чиқарилганидан кейин 15 кун ичида уни қайта куриш ҳақида ариза беришга ҳақли. Аризада жавобгар суд мажлисига узрли сабабларга кўра келмаганингдан далолат берувчи ҳолатлар рўйхати ва уларни тасдиқловчи далиллар, шунингдек, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг мазмунига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган далиллар рўйхати келтирилиши керак.

Суд сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайta кўриш ҳақидаги аризани ариза тушган пайтдан эътиборан 10 кун ичида суд мажлисида кўради.

#### Ариза каноатлантирилса

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиади ва фуқаролик иши аввали таркибда ёки бошқа таркибда ишни мазмунан кўришини тиклайди.

#### Аризани каноатлантириш рад қилинса

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайta кўриш рад қилинади.

Қайд этилганидек, ишни жавобгар иштирокисиз сиртдан иш юритиш тартибида кўриш учун даъвогарнинг розилиги талаб қилинади ҳамда даъвогар бунга эътиroz билдиrsa, суд ишни кўришни кейинга қолдиради ва келмаган жавобгарга судда такрор кўриладиган вақт ва жой ҳақида қайta хабар юборади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 226-моддасига кўра, иш сиртдан иш юритиш тартибида кўрилганида суд ишда мавжуд далилларни текшириш билан кифояланади, ишда иштирок этувчи шахсларнинг важи ва

89 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 224-моддаси.



илтимосларини эътиборга олиб, ҳал қилув қарори чиқаради, бу ҳал қилув қарори сиртдан чиқарилган деб аталади.

Иш сиртдан иш юритиш тартибида кўрилганида даъвонинг асоси ёки предмети ўзгартирилиши ёки даъво талабларининг миқдори кўпайтирилиши мумкин эмас.

Қонунга мувофиқ, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг нусхаси суд мажлисига келмаган тарафга шу қарор чиқарилган кундан эътиборан беш кундан кечитирмай имзо кўйдириб топширилади ёки поча орқали ёхуд ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши лозим.<sup>90</sup>

Жавобгар ҳал қилув қарорини сиртдан чиқарган судга шу ҳал қилув қарори чиқарилганидан кейин ўн беш кун ичидаги уни қайта кўриш ҳақида ариза беришга ҳақли.

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори устидан умумий тартибда юқори инстанция судига апелляция ёки кассация шикояти, назорат тартибида ариза берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Фуқаролик процессуал кодексининг 230-моддасига кўра, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризада қўйидагилар бўлиши керак:

- 1) сиртдан ҳал қилув қарори чиқарган суднинг номи;
- 2) ариза бераётган тарафнинг номи;
- 3) суд мажлисига узрли сабабларга кўра келмаганликдан далолат берувчи ҳолатлар рўйхати ва уларни тасдиқловчи далиллар, шунингдек, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг мазмунига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган далиллар рўйхати;
- 4) ариза берувчи тарафнинг илтимоси;
- 5) аризага илова қилинган материалларнинг рўйхати.

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги ариза тараф ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги ариза ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига мутаносиб миқдордаги нусхалари билан бирга судга берилади, ахборот тизими орқали электрон шаклда юбориладиган ариза бундан мустасно. Ариза берганлик учун давлат божи тўланмайди.

Суд сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризани кўриш натижасига кўра аризани қаноатлантирумай қолдириш ёки сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва аввалги таркибдаги

90 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 228-моддаси.

ёки бошқа таркибдаги суд томонидан ишни мазмунан кўришни тиклаш ҳақида ажрим чиқаради.<sup>91</sup>

Суднинг сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризани қаноатлантирумаслик ҳақида чиқарган ажрими устидан хусусий шикоят берилиши мумкин. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва ишни мазмунан кўришни тиклаш ҳақидаги суд ажримига нисбатан хусусий шикоят келтирилмайди.

Фуқаролик процессуал кодексининг 235-моддасига кўра, агар сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори шу қарорни чиқарган суд томонидан бекор қилинса, ишни мазмунан кўриш тикланади ва ушбу кодексда назарда тутилган қоидалар асосида олиб борилади.

### **3.2.28. Суд музокараси тушунчаси, музокара нутқи**

Суд музокараси фуқаролик тартибида иш юритишнинг энг асосий тамойилларидан бўлган тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳукуклигининг амалдаги ифодаси бўлиб, суд ишни мазмунан кўриш тамом бўлганлигини эълон қилганидан кейин суд музокарасига ўтилади.

Суд музокараси – ишда иштирок этувчи шахсларнинг ишни мазмунан кўриш якунига кўра талаб ва эътиrozлари бўйича нутқидир.

Қонунга мувофик, суд музокарасида қатнашувчилар ўз нутқларида суд аниқламаган ҳолатларни, шунингдек суд мажлисида текширилмаган далилларни важ қилиб келтиришга ҳақли эмаслар.

Суд музокарасида дастлаб даъвогар ва унинг вакили, кейин жавобгар ва унинг вакили сўзлайди. Низо предметига нисбатан мустақил талаби борлигини арз қилган учинчи шахс ва унинг вакили тарафлардан кейин сўзлайди. Низо предметига нисбатан мустақил талаби борлигини арз қилмаган учинчи шахс ва унинг вакили шу учинчи шахс ишда қайси даъвогар ёки жавобгар томонида иштирок этувчи бўлса, ана шу даъвогар ёки жавобгардан кейин сўзлайди.

Бошқа шахсларнинг ҳукуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат этган прокурор, ташкилот вакиллари ёки айрим фуқаролар суд музокараларида биринчи бўлиб сўзлайдилар.

91 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 233-моддаси.



Суд томонидан процессада иштирок қилишга жалб этилган ёки процессга ўз ташаббуси билан киришган давлат бошқаруви органларининг вакиллари суд музокараларида тарафлар ва учинчи шахслардан кейин сўзлайдилар.

Музокара иштирокчилари бир-бирларига луқма ташлашлари мумкин. Охирги луқма ҳуқуқига доимо жавобгар ва унинг вакили эга бўлади.<sup>92</sup>

Суд музокаралари ишда иштирок этувчи шахслар фаол иштирок этадиган охирги процессуал ҳаракат бўлиб, музокарани эшитгач, суд ҳал қилув қарори чиқариш учун алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киради, бу ҳақда раислик қилувчи суд мажлисида ҳозир бўлганларга эълон қилади.

### 3.2.29. Прокурор фикри тушунчаси

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг 2-моддасига кўра, прокуратура органларининг зиммасига қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш вазифалари юкландган бўлиб, прокуратура органларининг бу борадаги фаолияти суд муҳокамасини ҳам камраб олади.

Қонунга мувофиқ, ишда иштирок этувчи прокурорга фуқаролик иши бўйича ишни мазмунан кўриш якунланганидан кейин ишнинг моҳияти бўйича унинг қонунийлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига мувофиқлиги юзасидан фикрини баён этиш ваколати берилган.<sup>93</sup>

Прокурор бошқа шахслар ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берган аризаси бўйича фикр билдиришга ҳақли эмас. Бундай ишлар бўйича прокурор тараф сифатида музокара нутқи сўзлайди.

### 3.2.30. Ишни мазмунан кўришни тиклаш

Суднинг ҳал қилув қарори қонуний, асосли ва адолатли бўлиши лозим. Ушбу талабларига риоя қилиш одил судловни амалга оширишда суд томонидан иш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатларни тўлиқ текширишни талаб қилади. Баъзи ҳолатларда судга иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар суд муҳокамаси якунланганидан кейин ёки суд маслаҳатхонасида маълум бўлиб қолади. Мазкур ҳолатларда процессуал қонун суднинг ишни судда кўришни тиклаш ҳуқуқини назарда тутади.

92 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 198-моддаси.

93 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 199-моддаси.

Фуқаролик процессуал кодексининг 200-моддасига кўра, суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг музокараларини эшитгач, суд иш учун аҳамиятга эга бўлган янги ҳолатларни аниқлаш ёки янги далилларни текширишни зарур деб топса, ишни мазмунан кўришни тиклаш тўғрисида ажрим чиқаради. Ишни мазмунан кўриш тамом бўлганидан кейин, суд музокаралари умумий тартибда ўтказилади.

Ушбу кодекснинг 205-моддасига кўра, агарда суд музокараси якунланиб, суд маслаҳатхонасига кирганидан кейин суд ҳал қилув қарорини чиқараётганида агар иш учун аҳамиятга эга бўлган янги ҳолатларни аниқлаш ёки янги далилларни текшириш зарур бўлиб қолса, суд ҳал қилув қарори чиқармасдан, ишни судда кўришни тиклади ва бу ҳақда ажрим чиқаради. Бундай ҳолда суд ишни фақат қўшимча текширишга муҳтоҷ ҳолатлар доирасидагина кўради.

### **3.2.31. Суд маслаҳатлашувининг сир тутилиши тушунчаси ва талаблари**

Суд қарорларининг таъсирчанлиги ва кучи мазкур қарорларнинг қонуний, асосли ва адолатли бўлиши билан боғлиқ бўлиб, буни таъминлаш аввало, судьяларнинг мустақиллиги, қарорларни қабул қилишда четдан бўладиган таъсирлардан холи бўлиши билан боғлиқдир.

Суд томонидан ҳал қилув қарорининг маслаҳатхонада қабул қилинишидан кўзланган мақсад ушбу жараёнда судьяга четдан бўладиган ҳар қандай таъсирлардан ҳимояланишини таъминлашдир.

Қонунга мувофиқ, ҳал қилув қарори судья томонидан алоҳида хонада (маслаҳатхонада) қабул қилинади, ёзма равишда тузилади ва судья томонидан имзоланади. Ҳал қилув қарорини қабул қилиш вақтида бошқа шахсларнинг ҳозир бўлишига йўл қўйилмайди.<sup>94</sup>

Ҳал қилув қарори қабул қилишда суд маслаҳатининг сир сақланиши зарурий талаб бўлиб, маслаҳатнинг сир сақланишига доир қоидаларнинг бузилиши ҳал қилув қарорининг мажбурий тартибда бекор қилинишига асос бўлади.


Фуқаролик процессуал кодексининг 205-моддасига кўра, маслаҳатхонада суд ҳал қилув қарорини чиқараётганида иш ҳужжатларида мавжуд далилларга баҳо беради, иш учун аҳамиятга эга бўлган қандай ҳолатлар аниқланганлигини, қандайлари аниқланмаганлигини, бу ишга нисбатан қандай қонун қўлланилиши лозимлигини ва арз қилинган талабни қаноатлантириш лозимлиги ёки лозим эмаслигини аниқлади.

94 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 204-моддаси.



Суд, шунингдек, тарафлар ўртасида суд харажатларини тақсимлайди, даъво қаноатлантирилган тақдирда ҳал қилув қарорини ижро этиш тартиби ва муддатини белгилайди, бошқа қўшимча масалаларни ҳал этади.<sup>95</sup>

Суд ҳал қилув қарори имзоланганидан кейин суд мажлиси ўтказилаётган залга қайтиб киради ва раислик қилувчи суднинг ҳал қилув қарорини ўқиб эшиттиради.



95 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 205-моддаси.

## §3.3. СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ ТУШУНЧАСИ

### 3.3.1. Суднинг ҳал қилув қарори тушунчаси

Судга мурожаат қилган шахсларнинг талабларини суд муҳокамасида кўриб чиқиш натижалари бўйича суднинг якуний муносабати – хуносаси ҳал қилув қарори ҳисобланади.

Бу борада қонунда берилган таърифга кўра биринчи инстанция судининг ишни мазмунан ҳал қиладиган қарори ҳал қилув қарори шаклида чиқарилади.

Суд ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси номидан чиқаради.<sup>96</sup>

Ҳал қилув қарорининг Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилиши унинг қатъий, мажбурий ва муҳокама қилинмайдиган сифатга эгалигини билдиради.



Суднинг ҳал қилув қарори иш кўриб бўлинганидан сўнг дарҳол чиқарилади. Алоҳида ҳолларда жуда мураккаб ишлар юзасидан асослантирилган ҳал қилув қарорини тайёрлаш кўпи билан уч кунга кечиктирилиши мумкин, лекин ҳал қилув қарорининг хулоса қисмини суд ишни кўриш тамомланган мажлиснинг ўзидаёқ зълон қилиши керак.

Қонунга мувофиқ суд ишни даъвогарнинг даъво талаблари доирасида ҳал қилади. Шу сабабли даъвогар судга ариза билан мурожаат қилишда ундан кўзлаган барча талабларни келтириши, ўз даъво талабларининг доирасини аниқлаши лозим.

Айрим ҳолатларда суд даъвогарнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриклиандиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур деб топса, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда даъвогарнинг арз қилган талаблари доирасидан четга чиқиши мумкин.<sup>97</sup>

96 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 203-моддаси

97 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 207-моддаси.



Ҳал қилув қарори кириш, баён, асослантирувчи ва хулоса қисмларидан иборат бўлади.

#### ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ ЧИҚАРИШ ВАҚТИДА СУД:

- далилларга баҳо беради.
- иш учун аҳамиятга эга бўлган қандай ҳолатлар аниқланганлигини, қандайлари аниқланмаганлигини аниқлайди.
- ишга нисбатан қандай қонун қўлланилиши лозимлигини аниқлайди.
- арз қилинган талабни қаноатлантириш лозимлиги ёки лозим эмаслигини аниқлайди.
- суд харажатларини тақсилайди.
- ҳал қилув қарорини ижро этиш тартиби ва муддатини белгилайди.

Ҳал қилув қарорининг кириш қисмида ҳал қилув қарори чиқарилган вақт ва жой, ҳал қилув қарори чиқарган суднинг номи, судьянинг фамилияси (суд таркиби), суд мажлисининг котиби, тарафлар, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар кўрсатилади.

Ҳал қилув қарорининг баён қисмида даъвогарнинг талаби, жавобгарнинг эътиrozлари ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг тушунтиришлари кўрсатилиши керак.


Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида ишнинг суд томонидан аниқланган ҳолатлари, ишнинг ҳолатлари тўғрисидаги суд хулосаларига асос бўлган далиллар, суд у ёки бу далилни рад қилишда асосланган хулосалар, суд амал қилган моддий ва процессуал ҳукуқ нормалари кўрсатилмоғи лозим. Агар жавобгар арз қилинган талабни тан олса, асослантириш қисмида фақат арз қилинган талабнинг тан олинганлиги ва унинг суд томонидан қабул қилинганлиги кўрсатилиши мумкин.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида суднинг арз қилинган талабларни қаноатлантириш ёхуд бутунлай ёки қисман рад этиш тўғрисидаги хулоаси,

суд харажатларининг тақсимланиши, ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш муддати ва тартиби кўрсатилиши лозим.<sup>98</sup>



### СУД ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАР ОРИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИС МЛАРИ



Ҳал қилув қарорининг қатъийлиги ва суднинг иш бўйича бўйича якуний хулосаси эканлиги шунда кўринадики, иш бўйича ҳал қилув қарори ўқиб эшилтирилганидан кейин шу қарорни чиқарган суднинг ўзи уни бекор

98 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 206-моддаси.



### III БОБ. АРИЗАЛАРНИНГ СУДДА КҮРИЛИШИ

Қилишга ёки ўзgartиришга ҳақли эмас, сиртдан чиқарилган қарор бундан мустасно.

#### СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ ЎЗГАРМАСЛИГИ ТАМОЙИЛИДАН ЧЕКИНИШ

<b>Ҳал қилув қарорининг ёзувидаги хатолар ва очиқ күриниб турган арифметик хатоларни тузатиш</b>	<b>Қўшимча ҳал қилув қарори</b>	<b>Ҳал қилув қарорини тушунтириш</b>
Суд ўз ташаббуси билан ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига биноан	Суд ўз ташаббуси билан ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига биноан	Ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига, шунингдек суд ижроқисининг аризасига биноан
<b>АСОСЛАР</b>		<b>АСОСЛАР</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>хукуқ тўғрисидаги масалани ҳал қилиб, ундириладиган сумма микдорини, топширилиши лозим бўлган мулкни ёки жавобгар бажариши лозим бўлган ҳаракатларни кўрсатмаган бўлса</li> <li>арз қилинган талабларнинг бирортаси бўйича ишда иштирок этувчи шахслар далиллар келтирган ва тушунтиришлар берган бўлсалар-у, лекин бу хусусда ҳал қилув қарори чиқарилмаган бўлса</li> <li>ҳал қилув қарорида суд ҳаражатларини тақсимлаш кўрсатилмаган бўлса</li> </ul>		<ul style="list-style-type: none"> <li>ҳал қилув қарори тушуннарли бўлмаса</li> <li>ҳал қилув қарори ижро қилинмаган ва уни мажбурий ижро килдириш мумкин бўлган муддат ўтмаган бўлса</li> </ul>
<b>МУДДАТ</b>		<b>МУДДАТ</b>
Қўшимча ҳал қилув қарори чиқариш масаласи ҳал қилув қарори чиқарилган кундан эътиборан <b>10 кундан</b> кечиктиримай қўзғатилиши мумкин.		Суд ҳал қилув қарорини тушунтириб бериш тўғрисидаги аризани у тушган кундан эътиборан <b>10 кунлик</b> муддатда кўриб қиқади.
<b>Шикоят бериш / Протест келтириш</b>		<b>Шикоят бериш / Протест келтириш</b>
Ҳал қилув қарорига тузатиш киритиш тўғрисидаги суднинг ажрими устидан хусусий шикоят берилishi ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.		Ҳал қилув қарорини тушунтириш масаласи юзасидан суднинг чиқарган ажрими устидан хусусий шикоят берилishi ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

Қонун суд фақат ҳал қилув қарорининг ёзувидаги хатоларни ва очиқ күриниб турган арифметик хатоларни тузатиши мумкинлигини назарда

тутади, бироқ бу тузатишлар суднинг иш бўйича хулосасига таъсир этмаслиги лозим.

### **3.3.2. Қўшимча ҳал қилув қарори чиқариш ва ҳал қилув қарорини тушунтириш тартиби**

Суднинг ҳал қилув қарорининг кучи унинг мажбурий характерга эгалиги, қатъий ва ўзгармаслигида ифодаланади. Шу билан бирга фуқаролик процессуал қонунчилигига иш бўйича ҳал қилув қарори чиқарган суднинг ишда иштирок этаётган шахсларнинг аризаларига кўра ёки ўз ташаббуси билан қўшимча ҳал қилув қарори чиқариши мумкинлиги белгиланган.

Бироқ суд қўшимча ҳал қилув қарори чиқариши чоғида ҳал қилув қарорининг мазмунини ўзгартиришга ёки суд мажлисида текширилмаган янги масалаларни ҳал қилишга ҳақли эмас.<sup>99</sup>

Қонун қўшимча ҳал қилув қарори чиқариш мумкин бўлган ҳоллар доирасини қатъий белгилаган бўлиб, унга кўра:

- 1) ҳуқуқ тўғрисидаги масалани ҳал қилиб, ундириладиган сумма миқдорини, топширилиши лозим бўлган мулкни ёки жавобгар бажариши лозим бўлган ҳаракатларни кўрсатмаган бўлса;

- 2) арз қилинган талабларнинг бирортаси бўйича иштирок этувчи шахслар далиллар келтирган ва тушунтиришлар берган бўлсалар-у, лекин бу хусусда ҳал қилув қарори чиқарилмаган бўлса;

- 3) ҳал қилув қарорида суд ҳаражатларини тақсимлаш кўрсатилмаган бўлса қўшимча ҳал қилув қарори чиқарилиши мумкин.<sup>100</sup>

Айрим ҳолатларда ҳал қилув қарорининг мазмуни тушунарсиз бўлиб, ижро ҳаракатларини амалга оширишда қийинчилкларни юзага келтириши мумкин. Бундай ҳолатда қонун ҳал қилув қарорини суд томонидан тушунтиришга йўл қўяди. Ҳал қилув қарорини тушунтиришда унинг мазмунини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Агар ҳал қилув қарори ижро қилинмаган ва уни мажбурий ижро қилдириш мумкин бўлган муддат ўтмаган бўлсагина, ҳал қилув қарорини тушунтиришга йўл қўйиллади.

Суд ҳал қилув қарорини тушунтириб бериш тўғрисидаги аризани у тушган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда кўриб чиқади.

99 - Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида”ги қарори 15-бандининг 3-қисми.

100 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 206-моддаси.



Ҳал қилув қарорини тушунтириш масаласи юзасидан суднинг чиқарган ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.<sup>101</sup>

### **3.3.3. Ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши тушунчаси**

Ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши унинг мазкур қарор билан ўрнатилган муносабатларга нисбатан таъсир этиш жараёнининг бошланиши, мажбурий кучининг ҳаракатга келишидир.

Қонунга кўра, суднинг ҳал қилув қарори, агар унинг устидан шикоят берилмаган ёки протест келтирилмаган бўлса, апелляция шикояти бериш ва протест келтириш муддати (йигирма кун) ўтганидан кейин қонуний кучга киради. Ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти берилган ёки апелляция протести келтирилган тақдирда, ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаган бўлса, ишни юкори инстанция суди кўриб чиққанидан кейин қонуний кучга киради.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин тарафлар ва ишда иштирок этган бошқа шахслар, шунингдек уларнинг ҳукуқий ворислари судга ўша талаблар билан, ўша асослар бўйича янгидан арз қилишлари, шунингдек, бошқа процессда суд аниқлаган фактлар ва ҳукуқий муносабатлар ҳақида низолашишлари мумкин эмас.<sup>102</sup>

### **3.3.4. Ҳал қилув қарорининг ва ижро варақасининг тарафларга берилиши тартиби**

Суд томонидан қабул қилинган қарорлар бевосита тарафларнинг манфаатларига дахлдор бўлганлиги сабабли улар суд қарорларининг нусхаларини олишга ҳақлидирлар.

Тарафларнинг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг **илтимосига кўра**, уларга суд ҳал қилув қарорининг ёки иш юритишни тўхтатиб туриш, тугатиш тўғрисидаги ёхуд аризани кўрмай қолдириш ҳақидаги суд ажримининг нусхаси имзо қўйдириб топширилади ёки почта орқали ёхуд ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилади.

Суд ҳал қилув қарорининг ёки иш юритишни тўхтатиб туриш, тугатиш тўғрисидаги ёхуд аризани кўрмай қолдириш ҳақидаги суд ажримининг нусхаси суд мажлисига келмаган тарафларга ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ҳал қилув қарори ёки ажрим чиқарилган кундан эътиборан

101 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 215-моддаси

102 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 217-моддаси.

беш кундан кечиктирмай почта орқали ёки ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилади.<sup>103</sup>

Фуқаролик процессуал кодексининг 371-моддасига кўра, суд қарорининг мажбурий ижроси қарорни қабул қилган суд берадиган ижро варақаси асосида амалга оширилади.

Ижро варақаси ҳал қилув қарори қонуний қучга кирганидан сўнг суд томонидан **ундирувчига берилади**, дарҳол ижро этиш ҳоллари бундан мустаснодир, бунда ижро варақаси ҳал қилув қарори чиқарилганидан кейин дарҳол берилади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 372-моддасига кўра, ҳар бир ҳал қилув қарори бўйича битта ижро варақаси берилади. Бироқ, агар ижро турли жойларда ёки бир неча ундирувчининг фойдасига амалга ошириладиган бўлса, суд ундирувчиларнинг илтимосига биноан ижро жойини ёки ҳал қилув қарори ижросининг ҳар бир ижро варақасига тегишли қисмини аник кўрсатган ҳолда бир неча ижро варақаси беради.

Бир неча жавобгардан пул суммаларини ундириш тўғрисидаги ҳукм ёки ҳал қилув қарори асосида жавобгарларнинг сони бўйича бир неча ижро варақаси берилади.

103 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 223-моддаси.





## IV БОБ. СУД ҚАРОРЛАРИНИНГ ИЖРОСИ



## § 4.1. Ҳал қилув қарорини ижрого қаратиш тартиби ва муддатлари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддасига кўра, суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

### ИЖРО ВАРАҚАСИ

Суд қарорининг мажбурий ижроси қарорни қабул қилган суд берадиган ижро варақаси асосида амалга оширилади.

Ижро варақаси ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан сўнг суд томонидан ундирувчига берилади, дарҳол ижро этиш ҳоллари бундан мустаснодир, бунда ижро варақаси ҳал қилув қарори чиқарилганидан кейин дарҳол берилади.

Ижро ҳужжатида қўйидагилар кўрсатилиши лозим:

Суд буйрганинг мазмуни қонун ҳужжатлари билан белгиланади (ФПК 238-8 моддаси).

- ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органнинг номи;
- ижро ҳужжатининг қайси иш бўйича берилганлиги ва унинг тартиб рақами;
- ижро этилиши шарт бўлган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжати қабул қилинган сана;
- ундирувчи ва қарздорнинг номи, уларнинг манзиллари; жисмоний шахслар учун - қарздорнинг туғилган санаси ва жойи, иш жойи;
- суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатининг қарор қисми;
- суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжати кучга кирган сана;
- ижро ҳужжати берилган сана ва уни ижрого топшириш муддати.

Суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжати судья томонидан имзоланади ва суднинг гербли муҳри билан тасдиқланади.

Суднинг ҳал қилув қарори, агар қонунда бошқа муддат белгиланмаган бўлса, қонуний кучга кирган пайтидан бошлаб уч йил ичida мажбурий тартибда ижро этиш учун топширилиши мумкин.

Фуқаролик тартибida судда иш юритишнинг мақсади фуқароларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, бузилган ҳукуқларни тиклаш бўлиб, ушбу вазифалар суднинг ҳал қилув қарорини ижро қилиш, яъни низоли ҳукуқий муносабатга нисбатан мажбурий таъсир




кучини қўллаш орқали амалга оширилади. Суд қарорларининг ҳақиқий кучи ва самараси ҳал қилув қарори билан белгиланган муносабатларнинг амалдаги ижроси билан белгиланади ва ҳал қилув қарори амалда тўлиқ ижро қилинмас экан, фуқаронинг бузилган хуқуқлари тикланган, қонуний манфаатларининг ҳимояси таъминланган, деб баҳолаш мумкин эмас.

Фуқаролик процессуал кодексининг 370-моддасига кўра, қонуний кучга кирган суд қарорлари барча давлат органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ушбу Кодекс ва бошқа қонунларда белгиланган тартибда ижро этилади.

Суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан сўнг ижро этилади.<sup>104</sup>

Суд қарорининг мажбурий ижроси қарорни қабул қилган суд берадиган ижро варақаси асосида амалга оширилади.



Суднинг ҳал қилув қарори, агар қонунда бошқа муддат белгиланмаган бўлса, қонуний кучга кирган пайтидан бошлаб уч йил ичида мажбурий тартибда ижро этиш учун топширилиши мумкин.


Даврли тўловларни ундириш учун берилган ижро варақалари бу тўловлар ундириладиган бутун давр ичида ижрога топширилиши мумкин.<sup>105</sup> Бундай тўловлар жумласига ота-онанинг вояга етмаган болаларига алимент тўлаши мисол бўлиб, алимент ундириш ҳақидаги ижро варақаси бора вояга етгунига қадар ижрога топширилиши мумкин.

Фуқаролик процессуал кодексининг 379-моддасининг 2-қисмига кўра, ижро варақасини ижрога топширишнинг ўтказиб юборилган муддати, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, суд узрли деб топган сабабларга кўра тикланиши мумкин. Ижро варақасини ижрога топширишнинг ўтказиб юборилган муддати тикланган тақдирда, бу ҳақида суд томонидан тегишли ажрим чиқарилади.

104 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 218-моддаси.

105 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 377-моддаси.

Ҳал қилув қарорларининг ижроси Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ амалга оширилади.



#### **§ 4.2. Дарҳол ижро этилиши лозим бўлган ҳал қилув қарорлари**


Фуқаролик процессуал қонунчилиги талабларига кўра ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин амалга оширилади. Бироқ процессуал қонунчилиқда ҳал қилув қарори дарҳол, яъни ҳал қилув қарори қонуний кучга кирмасдан туриб ижро этилиши шарт бўлган ҳамда дарҳол ижро этилиши мумкин бўлган ҳолатлар белгиланган. Бундан фуқароларнинг оиласвий, моддий аҳволидан келиб чиқиб, ишнинг моҳиятини инобатга олган ҳолда ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, фуқаролик ишларининг давлат ва жамият учун аҳамиятини ошириш мақсади кўзланган.

Ҳал қилув қарори чиқарилгандан сўнг апелляция шикояти бериш ва протест келтириш муддати ичida ҳал қилув қарорининг дарҳол ижро этилишига йўл қўйиш масаласи ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинган ҳолда суд мажлисида кўриб чиқилади. Бироқ, бу шахсларнинг келмаслиги дарҳол ижро этиш масаласини ҳал қилишга тўсқинлик қилмайди.

Ҳал қилув қарорини дарҳол ижро этиш масаласи бўйича суднинг чиқарган ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин. Ҳал қилув қарорини дарҳол ижро этиш тўғрисидаги



ажрим устидан берилган хусусий шикоят ёки келтирилган протест бу ажримнинг ижросини тұхтатмайды.



### § 4.3. Дарҳол ижро этилиши мумкин бўлмаган ҳал қилув қарорлари

Фуқаролик процессуал қонунчилигига дарҳол ижро этилиши мумкин бўлмаган ҳал қилув қарорлари тоифаси ҳам белгиланган бўлиб, бундан ҳал қилув қарори келгусида бекор бўлганда келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларнинг олдини олиш мақсади кўзланган.

Қонунга кўра, қуидаги ҳолларда ҳал қилув қарорининг дарҳол ижро этилишига йўл қўйилмайди:

- 1) дарҳол ижро этиш натижасида мулкнинг ҳолати ўзгариб, ҳал қилув қарори бекор қилинган тақдирда мулкни илгариги ҳолатига келтириш мумкин бўлмаса ёки жуда қийин бўлса;
- 2) фуқароларни бинодан кўчириш тўғрисидаги ишларга тааллуқли бўлса.<sup>106</sup>

### § 4.4. Ҳал қилув қарорининг қайтарма ижроси тушунчаси, амалга ошириш тартиби

Суд амалиётида ҳал қилув қарори ижро этилганидан кейин бекор қилиниши ҳолатлари мавжуд бўлиб, фуқаролик процессуал қонунчилиги мазкур ҳолатларда жавобгарнинг ҳуқук ва қонуний манфаатларини тиклаш мақсадида ҳал қилув қарорининг қайтарма ижросини назарда тутади. Ҳал қилув қарорининг қайтарма ижроси ҳал қилув қарорининг қандай тартибда (кассация, назорат тартибida ёки янги очилган ҳолатларга кўра) бекор қилинганилигидан қатъий назар амалга оширилиши мумкин.

#### СУД ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИНИНГ ҚАЙТАРМА ИЖРОСИ

Ижро этилган ҳал қилув қарори бекор қилинган ва иш янгидан кўриб чиқилганидан кейин талабларни қаноатлантиришни тўлиқ ёки қисман рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилган тақдирда

Бекор қилинган ҳал қилув қарори бўйича жавобгардан даъвобарнинг фойдасига ундирилган нарсаларнинг ҳаммаси жавобгарга яна қайтариб берилиши лозим.

Ижро этилган ҳал қилув қарори бекор қилинган ва иш янгидан кўриб чиқилганидан кейин иш юритишни тугатиш тўғрисида чиқарилган тақдирда

Ижро этилган ҳал қилув қарори бекор қилинган ва иш янгидан кўриб чиқилганидан кейин аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқарилган тақдирда

Фуқаролик процессуал кодексининг 382-моддасига кўра, ижро этилган ҳал қилув қарори бекор қилинган ва иш янгидан кўриб чиқилганидан кейин талабларни қаноатлантиришни тўлиқ ёки қисман рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилган ёхуд иш юритишни тугатиш тўғрисида ёки

106 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 221-моддаси.



аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқарилган тақдирда, бекор қилинган ҳал қилув қарори бўйича жавобгардан даъвогарнинг фойдасига ундирилган нарсаларнинг ҳаммаси жавобгарга яна қайтариб берилиши лозим.

Конунга мувофиқ ишни янгидан кўриш учун топширилган суд ўз ташаббуси билан қайтарма ижро тўғрисидаги масалани кўриши ва уни янги ҳал қилув қарорида ёки иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажримда ҳал қилиши шарт.

Ишни янгидан кўраётган суд бекор қилинган ҳал қилув қарорининг қайтарма ижроси масаласини ҳал қилмаган тақдирда, жавобгар бу судга қайтарма ижро тўғрисида ариза беришга ҳақли. Ҳал қилув қарорининг қайтарма ижроси тўғрисидаги ариза давлат божи тўланмаган ҳолда умумий даъво муддати давомида берилиши мумкин.

Ҳал қилув қарорининг қайтарма ижроси тўғрисидаги масала бўйича суднинг чиқарган ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.<sup>107</sup>

Фуқаролик процессуал кодексининг 384-моддасига кўра, ишни апелляция, кассация шикояти бўйича ёки назорат тартибидаги протест бўйича кўриб чиқаётган суд, агар ўзининг ажрими ёки қарори билан ҳуқук тўғрисидаги низони узил-кесил ҳал қилса ёки иш юритишни тамомласа, ҳал қилув қарорининг қайтарма ижроси тўғрисидаги масалани ҳал қилиши ёки уни ҳал қилиш учун биринчи инстанция судига топшириши шарт.

Агар юқори суднинг ажримида ёки қарорида қайтарма ижро тўғрисидаги масала бўйича ҳеч қандай кўрсатма бўлмаса, жавобгар биринчи инстанция судига тегишли ариза беришга ҳақли. Биринчи инстанция суди бу аризани ушбу Кодекс 383-моддасининг қоидаларига биноан кўриб чиқади ва ҳал қиласди.

Қуидаги тоифадаги фуқаролик ишлари бўйича ҳал қилув қарорлари бекор қилинган тақдирда, агар бекор қилинган ҳал қилув қарори даъвогар берган сохта маълумотларга ёки у тақдим этган қалбаки ҳужжатларга асосланган бўлса, қайтарма ижрога йўл қўйилади:

- меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича пул суммаси ундириш тўғрисидаги;
- интеллектуал мулк объектларидан фойдаланганлик учун ҳақ ундириш тўғрисидаги;
- алимент ундириш тўғрисидаги;

107 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 383-моддаси.

– майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик, шунингдек боқувчининг ўлими натижасида кўрилган зарар ўрнини қоплаш учун ҳак ундириш тўғрисидаги.

Мазкур тоифадаги ишлар бўйича ҳал қилув қарорлари бошқа асосларга кўра бекор қилинганда, ҳал қилув қарорининг қайтарма ижросига йўл қўйилмайди. Қонунчиликда белгиланган ушбу қоидалар ундирувларнинг ижтимоий-иқтисодий табиати билан боғлиқдир.

Мазкур қоидалар қайд этилган муносабатларни тартибга солувчи маҳсус қонунларда ҳам белгиланган бўлиб, Оила кодексининг 143-моддасига кўра:

- алимент олувчи томонидан ёлғон маълумотлар бериш ёки қалбаки хужжатлар тақдим этиш оқибатида алимент ундириш тўғрисида чиқарилган суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинган;

- алимент олувчи томонидан алдаш, кўрқитиш ёки зўрлик таъсири остида тузилган алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ҳақиқий эмас деб топилган;

- алимент тўланишига асос бўлган суднинг ҳал қилув қарори, алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ёки ижро варақаси қалбакилиги факти суд ҳукми билан аниқланган ҳолатлардан ташқари алиментни қайтариб олишга йўл қўйилмайди.

Меҳнат кодексининг 278-моддасига кўра, меҳнат низолари юзасидан меҳнат низолари комиссияси чиқарган қарор, шунингдек суд чиқарган қарор асосида тўланган суммаларни, башарти қарор ходимнинг берган ёлғон маълумотларига ёки тақдим этган сохта хужжатларига асосан қабул қилинган бўлиб, пировардида у назорат тартибида бекор қилинган ҳоллардагина, ходимдан қайта ундиришга йўл қўйилади.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 1030-моддасида ҳам ҳал қилув қарорининг қайтарма ижросини истисно этадиган ҳолатлар белгиланган бўлиб, унга кўра, қуйидагилар асоссиз орттирилган бойлик сифатида қайтариб берилмайди:

- ижро этиш муддати тўлгунга қадар мажбуриятни бажариш юзасидан топширилган мол-мулк, агар мажбуриятда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса;

- даъво муддати ўтганидан кейин мажбуриятни бажариш юзасидан топширилган мол-мулк;

- иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, ҳаёт ёки соғлиққа етказилган зарар товони, алиментлар ва фуқарога турмуш кечириш воситаси сифатида берилган бошқа пул




маблағлари, унинг томонидан виждонсизлик қилинмаганда ва ҳисобитобда хатолар бўлмаганда;

– мавжуд бўлмаган мажбуриятни бажариш учун берилган пул суммалари ва бошқа мол-мулк, агар қўлга киритувчи мол-мулкни қайтаришни талаб қилаётган шахснинг мажбурият йўқлигини билганинги ёхуд мол-мулкни хайрия мақсадларида берганлигини исботласа.

Ҳал қилув қарорини қайтарма ижро қилиш жараёнида моддий ва маънавий зарарни, шунингдек давлат фойдасига мусодара қилинган маблағлар ва бошқа қимматликларни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаш “Давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплашда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан пул тўловларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномага мувофиқ амалга оширилади.



**У БОБ.  
СУД ҚАРОРЛАРИ  
УСТИДАН ШИКОЯТ  
БЕРИШ ВА УЛАРНИ  
ҚЎРИШ ТАРТИБИ**





## § 5.1. СУД ҚАРОРЛАРИГА НИСБАТАН ШИКОЯТ БЕРИШНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

### 5.1.1. Суд қарорларига нисбатан шикоят бериш ҳуқуқи

Суд қарорларига нисбатан шикоят бериш фуқароларнинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқининг узвий давоми ҳисобланади. Қонун одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилишини эътироф этса-да, иш бўйича қабул қилинган суд қарорининг мутлақо қатъий ва якуний табиатини истисно этиб, биринчи инстанция судлари қарорларининг манфаатларига дахл қилувчи шахслар ҳамда прокурорнинг аризасига асосан юқори инстанция судлари томонидан қонунийлиги, асослилиги ва адолатлиигини текшириш имконини беради.

Яъни бошқача таъриф бериладиган бўлса, ишда иштирок этувчи шахслар нафақат ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш, шунингдек ушбу мурожаат бўйича қабул қилинган суд қарорларининг қонунийлигини ҳам низолашишга ҳақлидирлар.

Фуқаролик процессуал кодексининг 310-моддасига мувофиқ, ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар суднинг қарори қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текшириш ҳақидаги шикоят (ариза) билан қонунда белгиланган тартибда мурожаат қилишга ҳақли.

Ҳуқуқий атамаларга кўра суд қарорларига нисбатан фуқаро томонидан келтирилган эътиroz аризаси “шикоят” деб, прокурор томонидан келтирилган эътиroz эса “протест” деб номланади.


Суд қарорларига нисбатан шикоят келтириш қабул қилинган суд қарорининг тури, шикоят келтириш мuddати ҳамда босқичига кўра таснифланади.

Фуқаролик процессуал қонунчилигига кўра, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорларига нисбатан шикоят ёки протест, ажримларига нисбатан эса хусусий шикоят ёки хусусий протест келтирилади.

Прокурор муайян ишда иштирок этган-этмаганлигидан қатъи назар, суднинг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори устидан ўз ваколати доирасида протест келтиради.



Суд қарорларига нисбатан шикоят келтириш қабул қилинган суд қарорининг тури, шикоят келтириш муддати ҳамда босқичига кўра таснифланади.



Суднинг қарори қонуний, асосли ва адолатли эканлиги юзасидан назорат тартибида текширув қўзгатиш учун қонунда ўзига хос талаблар ва босқичлар белгиланган бўлиб, мазкур жараён қўлланманинг 5.3-мавзузида батафсил ёритилган.

### 5.1.2. Суд қарорларига нисбатан протест келтириш ҳақида прокуратурага мурожаат қилиш ҳукуқи

Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни 4-моддаси нинг 7-қисмига кўра, прокурор судларда фуқаролик ишларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш ҳукуқига эга.

Шунингдек, мазкур қонун 35-моддасининг 1-қисми прокурорнинг белгиланган тартибида ўз ваколатлари доирасида суднинг ҳал қилув қарорига протест келтиришга ваколатини эътироф этади.

Фуқаролар суд қарорларига нисбатан бевосита шикоят келтиришлари, шунингдек, протест келтириш ҳақида прокуратура идораларига ариза билан мурожаат қилишлари мумкин. Суд қарорларига нисбатан ҳам фуқаро томонидан шикоят берилган ва ҳам прокурор томонидан протест келтирилган тақдирда, улар биргаликда кўриб чиқилади.

Қонунга мувофиқ прокуратура органлари давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда



берилган аризалар юзасидан давлат божини тўлашдан озод қилинган бўлиб, ушбу қоида фуқароларнинг аризаларига асосан суднинг ҳал қилув қарорига прокурор томонидан протест келтиришга нисбатан ҳам тадбик этилади. Яъни прокурор протести асосида ишни юқори инстанция судида кўриш учун давлат божи тўлови амалга оширилмайди.<sup>108</sup>

Бироқ назарда тутиш лозимки, фуқаролар томонидан процескуал қонун талабларига мувофиқ келтирилган апелляция ёки кассация шикоятлари мазкур инстанция судлари томонидан барча ҳолатларда кўриб чиқилади.

Фуқароларнинг прокуратурага мурожаатлари асосида суд қарорларининг юқори инстанция судларида кўрилиши учун эса прокурор томонидан ушбу ариза асосида ҳал қилув қарорига нисбатан протест келтирилиши лозим. Прокурор мурожаат бўйича ҳал қилув қарорига протест келтиришни лозим топмаганда, фуқаронинг прокуратурага аризаси ҳал қилув қарорини юқори инстанцияда кўришга асос бўлмайди. Яъни фуқароларнинг прокуратурага суднинг ҳал қилув қарорига нисбатан протест келтириш ҳақидаги аризаси ҳал қилув қарорининг барча ҳолатларда ҳам юқори инстанция судларида кўрилишини англатмайди.

Қонунга мувофиқ:

- фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суди томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорига нисбатан туман прокурори;

- Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари томонидан биринчи инстанцияда кўрилган ишлар бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорларига нисбатан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурори протест келтиришга ваколатли бўлиб, прокуратура органларига ҳал қилув қарорига протест келтириш ҳақидаги ариза ишни биринчи инстанцияда кўрган суднинг судлар тизимидағи ўрнидан келиб чиқиб юқоридаги тартибга мувофиқ берилиши лозим.

Суд қарорларига нисбатан протест келтириш ҳақида прокуратурага мурожаат қилиш нафақат мазкур қарорларнинг юқори инстанция судларида кўрилишини таъминлайди, шу билан бирга фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда қонунийликка риоя қилиниши жараёнида прокуратура идораларининг фаол иштирокига замин яратади.

108 - Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 329-моддаси 1-қисмнинг 31-банди.



### 5.1.3. Суд қарорларига нисбатан шикоят беришда тұланаңдиган суд ҳаражатлари

Амалдаги қонунчилік суд қарорларига нисбатан шикоят беришда ҳам давлат божи тұланишини назарда тутади.

Үзбекистон Республикасы Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат божи ставкалари ҳақида”ғы қарорининг “ж” бандига күра, судларнинг қарорларига кассация ва назорат шикоятларидан даъво аризаси ёки бошқа аризалар, шикоятлар берилгандан тұланаңдиган ставканинг 50 фоизи, мулкий низолар бўйича эса — талашилаётган суммадан ҳисоблаб чиқариладиган ставкалар миқдорида давлат божи тұланаңди.<sup>109</sup>

Яъни суд қарорларига нисбатан шикоят келтиришда мазкур иш бўйича биринчи инстанция судига ариза билан мурожаат қилишда тұланиши белгиланған ёки ишни кўриш натижасига кўра ҳал қилув қарори чиқаришда ундирилған давлат божи миқдорининг teng ярми (50 фоизи) миқдорида бож тұланиши лозим.

Судларга даъво аризаси ёки бошқа аризалар, шикоятлар беришда тұланаңдиган давлат божи ставкалари, уни ҳисоблаш тартиби қўлланманинг 2.4.3-мавзусида батафсил ёритилган.

Қонунга мувофиқ, суднинг ҳал қилув қарорига нисбатан шикоят келтиришда давлат божи тұланаңмаганлиги апелляция, кассация ва назорат тартибидаги шикоятларининг ҳаракатсиз қолдирилишига асос бўлади.<sup>110</sup>

### 5.1.4. Суд қарорларини бекор қилиш асослари

Суднинг ҳал қилув қарори низолашаётган тарафларнинг ҳуқук ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларини ҳимоя қилувчи ўта муҳим хужжат бўлиб, бу судлардан уни қабул қилишда алоҳида масъулият ва эътибор билан ёндашишни тақозо қилади.


Ҳал қилув қарорида иш учун ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳамма ҳолатлар баён этилган, тегишли далиллар келтирилган ва иш бўйича

109 - Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 328-моддасининг 1-бандига кўра, судларнинг қарорлари устидан бериладиган апелляция тартибидаги шикоятлар учун ҳам давлат божи ундирилиши назарда тутилган бўлиб, миқдори Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарорида кассация шикоятлари учун белгиланған ставкалар билан бир хилда белгиланади.

110 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 324, 3485, 350-моддалари.

аниқланган ҳолатлар ҳамда тарафларнинг ҳуқук ва бурчлари бўйича тўғри холосага келинган тақдирдагина, у асосли бўлиб ҳисобланади.<sup>111</sup>

Қонунда ўрнатилган талабларига риоя қилинмасдан қабул қилинган суд қарорлари бекор қилинади.



111 - Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида”ги қарорининг 3-банди.



## § 5.2. СУД ҚАРОРЛАРИНИНГ АПЕЛЛЯЦИЯ ВА КАССАЦИЯ ТАРТИБИДА КҮРИЛИШИ

### 5.2.1. Суд қарорларига нисбатан апелляция шикояти келтириш тартиби ва муддатлари

Суд қарорларига нисбатан шикоят келтиришнинг биринчи босқичи апелляция шикояти бериш бўлиб, суд томонидан ҳал қилув қарори чиқарилган кундан эътиборан йигирма кун ичда тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилингандан бошқа шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳукуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар ҳал қилув қарори устидан апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Фуқаролик процессуал кодексининг 322-моддасига кўра апелляция шикоятлари ва протестлари апелляция инстанцияси номига ёзилади, лекин ҳал қилув қарори чиқарган судга (биринчи инстанция судига) берилади.

Ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти берилганда, ҳал қилув қарори қонуний кучга кирмайди. Лекин Фуқаролик процессуал кодексининг 219-моддасида белгиланган дарҳол ижро этилиши лозим бўлган ҳал қилув қарорлари устидан апелляция тартибида шикоят бериш уларнинг ижросини тўхтатмайди.<sup>112</sup>

Апелляция тартибида шикоят берилмайдиган суд хужжатлари

- биринчи инстанция судларининг Фуқаролик процессуал кодексида устидан шикоят бериш назарда тутилмаган ажримлари устидан;
- иш кўришни кейинга қолдириш тўғрисидаги ажримлар;
- никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлар бўйича эр-хотинга ярашиш учун муддат белгиланганлиги муносабати билан иши кўришни кейинга қолдириш тўғрисида чиқарилган ажримлар.

- сайловлар ва референдумларда иштирок этаётган фуқароларнинг сайлов ҳукуки бузилганингани аниқлаган судларнинг ҳал қилув қарорлари устидан

- суд буйруқлари устидан

112 - Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми “Фуқаролик ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти ҳақида”ги қарорининг 37-банди.

## 5.2.2. Апелляция шикояти келтириш учун ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тартиби ва асослари

Суднинг ҳал қилув қарорига нисбатан апелляция шикоятини келтириш бўйича белгиланган муддат ўтказиб юборилган тақдирда қонун ушбу муддатни тиклаш эҳтимолини назарда тутади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 130-моддасига мувофиқ, ишда иштирок этувчи шахслар қонунда белгиланган муддатни суд узрли деб топган сабабларга кўра ўтказиб юборган бўлсалар, мазкур муддат тикланади.

Суд томонидан узрли деб топилиши мумкин бўлган сабаблар жумласига ишда иштирок этувчи шахсларнинг ўз вақтида шикоят келтириш имконига эга бўлмаганини тасдиқловчи ҳолатлар, хусусан, уларнинг бунга имкон бермайдиган даражада касаллиги, хизмат сафарига кетганини, ҳал қилув қарорини ўз айбига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра кеч олганлиги, яқин қариндошининг вафот этганлиги каби асосли сабабларни киритиш мумкин. Бундай ҳолатларнинг қатъий рўйхати қонун билан белгиланмаган бўлиб, суд томонидан шикоят бериш учун ўтказиб юборилган муддатнинг узрли эканлиги ҳақиқий ҳолатлардан келиб чиқиб баҳоланади.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза процессуал ҳаракат бажарилиши ёки ҳужжат топширилиши лозим бўлган судга берилади. Мазкур аризада апелляция шикояти келтириш учун ўтказиб юборилган муддатнинг узрлигини асословчи ҳолатлар кўрсатилиши ҳамда уларни тасдиқловчи далиллар илова қилиниши лозим.

## 5.2.3. Апелляция шикоятининг мазмунига қўйиладиган талаблар

Фуқаролик тартибида судда иш юритиш жараёнида судга аризалар тақдим этишда мазкур аризаларнинг мазмунига нисбатан процессуал қонунчиликда муайян талаблар ўрнатилган бўлиб, ушбу талаблар апелляция шикоятига нисбатан ҳам тааллуқлидир.



### Апелляция шикояти ёки протестида қўйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- 1) шикоят берилаётган ёки протест келтирилаётган суднинг номи;
- 2) шикоят ёки протест келтирилаётган шахснинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми);
- 3) шикоят қилинаётган ёки протест келтирилаётган ҳал қилув қарори ва уни чиқарган суд;
- 4) ҳал қилув қарорининг хотүғрилиги нимадан иборат эканлиги;
- 5) шикоят бералаётган ёки протест келтирилаётган шахснинг илтимоси;
- 6) шикоят ёки протестга илова қилинган ёзма материалларнинг рўйхати.



Апелляция шикоятини шикоят берәётган шахс ёки унинг вакили имзолайди. Апелляция протести ушбу ишда иштирок этганилигидан қатъий назар прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан келтирилади ва имзоланади.

Апелляция шикоятида ёки протестида шикоят берган ёки протест келтирган шахснинг ёхуд унинг вакилининг телефонлари ва факслари рақамлари, электрон манзили кўрсатилиши мумкин.

## 5.2.4. Апелляция шикоятининг ва назорат тартибида протест келтириш түғрисида аризанинг намуналари

Фуқаролик ишлари бўйича  
Тошкент шаҳар суди апелляция  
инстанциясига

Иш бўйича даъвогар:  
Абдуллаев Абдулла Абдуллаевичдан  
Манзил: Тошкент шаҳар, Миробод  
тумани, Темирчилар 4-тор кўчаси, 31-  
уй.  
Тел: +9989X XXX XX XX

### АПЕЛЛЯЦИЯ ШИКОЯТИ

Кўйидагиларга кўра фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлароро  
судининг 2013 йил 26 июлдаги хал килув қарорини конун талаблари  
бузилган холда қабул қилинган деб хисоблайман.

Маълумки, ЎзР. Уй-жой Кодекси 74-моддаси 1-кисмига кўра, агар тураржойни ижарага олувчи (мулкдор шу жумладан), унинг оила аъзолари ёки у билан доимий яшаётган фуқаролар тураржойни бузაётган ёхуд шикастлантираётган ёки ундан ўз максади бўйича фойдаланмаётган ёхуд турмуш қондаларини мунтазам бузиб бошқаларнинг у билан бир квартира ёки бир уйда яшаш имконини бермайтган бўлсалар, бунда огоҳлантиришлар ва жамоат таъсир чоралари натижка бермаган бўлса, манфаатдор шахсларнинг талаби бўйича айборларни кўчириш бошқа тураржой бермасдан амалга оширилади.

Ушбу модда талабига таяниб, мен ўзимга мулк ҳукуки асосида тегишли бўлган низоли уйда укам Абдужалил ва унинг оила аъзолари билан биргаликда яшаш имкониятимиз йўқлигини важ қилиб, судга даъво билан мурожаат килдим.

Албатта, талабларимга асос қилиб, бир ёки икки эмас, балки тўрт (4) маротаба укам ва унинг оила аъзоси менинг оила аъзоларимга нисбатан жиноят ишлари бўйича судлар томонидан чиқарилган қарорларни илова килдим.

Жумладан, 2012 йил 29 декабрь куни асосий жавобгар спиртли ичимлик истеъмол қилиб, мени ёмон сўзлар билан ҳақоратлаб, майда безорилик содир этди. Натижада, укам жиноят ишлари бўйича туман судининг қарори билан маъмурий жазога тортилиб, 3 сутка камоқ жазосини олди.

Ушбу таъсир чораси укамнинг хулк-атворига ҳеч қандай натижка бермай, орадан бир оз вакт ўтиб, 2013 йил 13 февраль куни укам маст холда ўғлимга тухмат қилиб, унга нисбатан майда безорилик содир этди, окибатда



суднинг қарори билан яна бир бор маъмурӣ жавобгарликка тортилиб, жарима жазоси тайинланди.

Бундан ташкари, жавобгар судга тақдим этган эътирозномасида ҳақиқатдан ҳам тез-тез спиртли ичимликлар истеъмол килишини кўрсатган ва бу холат суд мажлисида ҳам ўз тасдигини топган.

Мен ва укам ўртасидаги низо, оила аъзоларимиз ўртасидаги муносабатларга ҳам таъсир этмай колмади, натижада 2013 йил 3 март куни менинг турмуш ўрготиги ва укамнинг турмуш ўрготиги уйда бўла туриб, ўзаро келишмовчилик натижасида бир-бирларига тан жароҳати етказиши.

Оқибатда, суднинг ажрими билан ҳар иккалasi маъмурӣ жавобгарликка тортилиб, тегишли хулқ-атворда бўлиш ҳақида огохлантириш олиши.

Бу орада улар ўртасида юзага келган жанжалга ўғлим ҳам аралашиб, иш бўйича жавобгар баданига енгил тан жароҳати етказган.

Жавобгарнинг аризасига биноан кўзгатилган жиноят иши, суднинг ажрими билан томонлар ярашганилиги муносабати билан ЖКК 66 (1)-моддасига асосан харакатдан тутгатилган.

Буларнинг барчasi иккита оила бир уй-жойда яшай олмаслигидан далолат эмасми, оиласаримиз ўртасида юзага келган келишмовчиликни бошка тинч йўл билан ҳал этиб бўлмайди, барча келишувларнинг якуни жанжал билан тугайди, натижада кимdir маъмурӣ ёки жиноий жавобгарликка тортилади.

Лекин укам ва унинг оила аъзоларига судларнинг қарорлари бир тийинга киммат, уларнинг хулқ-атворига ҳеч ким – на маҳалла, на кўни-кўшини на суднинг қарорлари таъсир килади.

Ҳаёт тарзи ба қаби давом этаверса, бир куни ўргада оғир жиноят содир бўлиб қолиши мумкин, ўшандা, афсус, кеч бўлади.

Бу ҳолда, суднинг жавобгар маъмурӣ жазога тортилиши у томонидан турмуш қоидаларни мунтазам равишда бузаятганлигидан далолат бермайди, деган хуносаси асоссизидир.

Ваҳоланки, мен факат укамнинг жавобгарликка тортилганлигини эмас, балки, унинг турмуш ўрготиги ҳаракатларига баҳо беришни, ўртадаги жанжаллар туфайли менинг оила аъзоларим ҳам ҳукуқбузар бўлиб колаётганликларини таъкидламокчиман.

Юзага келган нотинч ҳолатни батамом ҳал этиш мақсадида ва биз ака-ука эканлигимизни эътиборга олиб, суд жараёни давомида мен даъво талабларимни ўзгартиридим, укам оиласи билан кўчада қолиб кетмасин деб, ўғлим номига расмийлаштирилган уйга кўчиришини талаб қилдим.

Бундай талабни илгари суришга юқорида кайд этилган модданинг 2-кисми йўл кўяди.

Яъни, бирга яшаш имкони бўлмаганлиги сабабли бошка тураржой бермасдан кўчирилиши лозим бўлган шахслар ўзлари эгаллаб турган тураржойдан кўчирилиш ўрнига уни алмаштиришдан манфаатдор тараф кўрсатган бошка тураржоига алмаштиришга суд томонидан мажбур этилишлари мумкинлиги белгиланган.

Суд ўзининг қарорида ушбу моддани келтириб ўтган, лекин нима учундир унинг талабини нотўғри талкин килган.

Наҳотки, суд учун маҳалла фаоллари томонидан тузилган актлар, судлар томонидан чиқарилган қарорларнинг мавжудлиги оиласаларимиз бир ўй-жойда бирга яшашга имкони йўқлигини, огоҳлантириш ва тасир чоралари натижага бермаётгандигини англатмаса.

Таъкидлаш жоизки, суд мажлисида укам ҳамда унинг оила аъзолари ўзаро яшаш имконияти йўқлигини айтиб ўтди, лекин суд жавобгарнинг ҳам бу важига ахамият бермади.

Уйлайманки, суд юзага келган иш ҳолатини тўлик, синчковлик билан ўрганиб чикмади, ўртамиизда шаклланиб бўлган муносабатларнинг туб моҳияти ва даражасини англамади, акс ҳолда дъявоимни рад этишини қандай изоҳласа бўлади.

Жавобгарлар уй-жой фойдаланувчиси сифатида яшаб келаётгандилклари дъявони рад килиш учун яна бир асос сифатида келтирилган бўлса-да, бунда суд, фойдаланувчи бўлган жавобгар ва унинг оила аъзолари хеч бир коммунал хизмат бўйича тўловни амалга оширмаётгандилкларини инобатга олмади.

Нега энди жавобгар уйдан ва коммунал хизмат фойдаланувчиси сифатида ўзи ва оила аъзоси нормал шароитда яшаши учун тўловларни амалга оширмаслиги керак экан, мен эсам мулкдор сифатида барча жарималарни тўлаб келишим керак.

Ахир жавобгарлар ҳам коммунал хизматлардан биз каби тенг фойдаландилар-ку.

Бу ҳолатлар мен – мулкдорнинг мулк ҳуқуқимнинг бузилиши эмасми?

ЎзР. ФК 164-моддасига кўра, мулк ҳуқуки шахснинг ўзига карашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик килиш, ундан фойдаланиш ва уни тасаруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишини талаб килиш ҳуқуқидан иборатдир.

Ушбу моддага биноан мен ўзимга мулк ҳуқуки асосида тегишли уйдан ўз хоҳишимга кўра фодаланишим мумкин, лекин бунда менга жавобгар ўз оиласи билан халакит бераяти, шу сабабли мен уларни бошқа уй-жой билан таъминлаган ҳолда кўчиришни сўрайпман.

Юкоридаги вожларимни бирлаштирган ҳолда эътиборни, биринчи инстанция суди томонидан ҳал қилув қарорида баён қилинган хulosалар иш ҳолатларига мувофиқ келмаслигига ҳамда моддий ҳуқук нормалари нотўғри кўлланганлигига, бу эса ўз навбатида ФПК 312-моддаси 3- ва 4-банди талабига кўра ҳал қилув қарорини бекор килиш учун асос бўлишилигига қаратмоқчиман.

Шу муносабат билан ФПК 343-моддаси 2-бандига кўлланган ҳолда Миробод туманлараро суди томонидан 2013 йил 26 июлдаги куни чиқарилган ҳал қилув қарорининг мени даъво талабларимни рад этиш ҳақидаги қисмини бекор килиб, ушбу қисми бўйича даъво талабларимни тўлик қаноатлантириб, жавобгарни оила аъзолари билан берилаётган бошқа



тураржойга күчирис ҳақида янги ҳал қилув карори қабул қилишингизни сўрайман.

Илова:

1. Жиноят ишлари бўйича суднинг карорлари.
2. Коммунал тўловлардан қарздорлик борлиги ҳақида огохлантириш ҳамда ўчириш далолатнома нусхалари.
3. ....
4. ....

ЖАМИ: \_\_\_\_\_ варакда.

Иш бўйича даъвогар

ИМЗО

Ф.И.Ш

сана

Фуқаролик ишлари бўйича  
Тошкент вилоят суди раисига

Иш бўйича даъвогар  
Соҳибов Соҳиб Соҳибовичдан  
Манзил: Тошкент шаҳри, Бектемир тумани,  
Тошкент кўчаси, 2-йй, 4-кв.  
Тел: +9989X XXX XX XX

### НАЗОРАТ ТАРТИБИДА ПРОТЕСТ КЕЛТИРИШ ТЎҒРИСИДА АРИЗА

Зангиота туманлашаро судининг 2012 йил 24 декабрдаги ҳал килув қарорининг бир кисмини бекор килиш хакидаги фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2013 йил 29 январдаги ажрими билан кўйидаги асосларга кўра норозиман.

Апелляция инстанцияси иш материалларини эътибор билан ўрганмаган, чунончи, мен судга мурожаат килишимдан олдин кўчар ва кўчмас мулкни рўйхатга олувчи барча идораларга тегизли адвокатлик сўрвономалари билан мурожаат килиб, қарздорнинг номида мол-мулк бор ёки йўклигини текшириб кўрдим.

Натижада барча аниланган мулклар карздор ва унинг турмуш ўртоғи билан биргалиқда орттирган мулки бўлиб чиқди.

Агарда ушбу фуқарода бошқа мол-мулк ёки пул маблағи бўлганида эди, у менга қарзни тўлашни бошлаган, ёхуд бошка бир катор қарздорларининг қарзини тўлаган бўларди.

Айнан “аҳволи ночор, пули йўклигидан” эмасми, апелляция инстанцияси суди жавобгарнинг апелляция шикоятини қабул қилишда тўланиши керак бўлган давлат божидан озод этиди. Ваҳоланни, шикоят кўриб чиқилиши учун жавобгар давлат бюджетига 60.000.000 давлат божи тўлаши керак эди. Апелляция инстанцияси давлат божини тўлашга жавобгарнинг имконияти йўклигини асос килиб олди. Бирор апелляция инстанциясининг ушбу дастлабки ажрими билан кейин қабул килган ажрими бир-бирига мантиқан мос эмас, яъни 6000.000 сўм давлат божини тўлай олмаган жавобгар менга 321.452.210 сўм қарзни тўлай оладими.

Фирибгарлик жиноятини содир килгандиги учун жавобгарга бир неча бор жиноят ишлари кўзатилган, эътиборли томони шундаки, аксарият фуқароларга бир хил мазмундаги тиҳлат ёзиб берган.

Жиноят ишлари бўйича судларнинг чиқарган қарорлари жабрланувчиларга ҳеч кандай натижага бермаган, барча жабрланувчилар мен каби фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат килишга маҳбур бўлишган, чиқарилган ҳал килув қарорлари эса ижро килинмасдан турибди, сабаби жавобгарда ундириладиган пул йўқ, бўлса ҳам унинг қаердагигина ҳеч ким билмайди.

Мен конституцияий хукукимдан фойдаланиб, фуқаролик ишлари бўйича судига мурожаат килдим ва қарз суммасини жавобгарнинг хотини билан умумий бўлган мулкидан ундиришини талаб килдим, башарти бундай талаб билан мурожаат килишим мумкинлиги Оила кодексининг 27-моддасида қайд этилган.

Апелляция инстанциясининг фикрига, мен пул ундирилиши белгиланган қарор ва у асосида берилган ижро варака билан аввал пулни ундириш чораларини кўришим керак, агарда пул ундирилмаса, ундан кейин мол-мулкга даъвогарлик килишим мумкин экан.

Жавобгардан бир тийин ҳам ундириш ололмаслигим иш материалларида тўплланган барча хужжатлар билан исботланади. Бир суд жараёнида конун доирасида ҳал этилиши мумкин бўлган ишни нима сабабдан бир неча боскичларга ажратиш керак.



Бундан ташкари апелляция инстанцияси судининг яна бир хуносаси, яъни ўргатда бўлган муносабатлар юзасидан жавобгарга нисбатан жиноят иши йўклиги билан келишмайман.

Жавобгарнинг менга нисбатан килган алдовида жиноят оломатлари бор ёки йўклиги келажакда тегишил идоралар томонидан текшириб чикилади, шундай бўлса-да, хозирда судда ўртамиздаги фуқаролик муносабатлари кўриб чикилмоқда, ва ушбу холатда мен жабрланувчи деб топилган жиноят ишининг мавжудлиги хеч қандай аҳамиятга эга эмас. Зоро, апелляция инстанцияси тақроран бир фикрига қарама-карши фикр келтириб, ўргатда карз муносабатлари мавжудлигини кайд этган холда, жиноят иши бор ёки йўклигига ургу бералгити.

Агарда мен ва жавобгар ўртасида карз муносабатлари вужудга келган бўлса, жиноят иши ҳакида гапиришнинг нимага кераки бор.

Ўйлайманки, апелляция инстанцияси суди ишни етарлича ўрганмасдан, конун нормасини нотўғри талқин килди ва бу билан ФПК 313-моддаси талабини бузди.

Нима учундир апелляция инстанцияси суди мени мол-мулк бўйича алоҳида мурожаат қилишимни истаяпти, демак, менда бундай хукук борлиги инкор этилмаяпти, лекин суднинг фикрича, бу талаблар бир ишда кўрилиши мумкин эмас экан.

Ушбу хуроси билан мен мутлақо келишмайман. Апелляция инстанциясининг мазкур хуносаси ишнинг ҳакиқи ҳолатига мувофиг келмайди.

Фикримнинг исботи сифатида Зангигота туман суд ижрочилари туманлараро судининг қарорини ижро қилиш имкони йўклиги, қарздорнинг хеч қандай мол-мулки йўклиги шу сабабли ижро варака “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Конуннинг 40-моддаси 3-қисмига асосан ижросиз кайталиши ҳакида хабар берди (хат нусхаси илова килинади).

Бундай холда, мен на ишни янги очилган ҳолат бўйича бекор қилиш ҳакида ариза бера оламан, на янги давво ариза билан мурожаат кила олмайман, чунки бундай давво ФПК 100-моддасига кўра иш юритишдан тутатилади, бундан ташкари ортиқча давлат бўжини талаб этади.

Натижада, мени билглан хукукларим тикланмасдан колиб кетаверади.

Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб, апелляция инстанцияси томонидан ФПК 312 ва 313-моддаларни талаблари бузилган деб хисоблайман, бу эса ўз навбатида қарорни назорат тартибида бекор қилишга асос бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ФПК 353-моддасини инобатга олиб, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят суди апелляция инстанциясининг 2013 йил 29 январдаги ажримини бекор қилиб, фуқаролик ишлари бўйича Зангигота туманлараро судининг 2012 йил 24 декабрдаги ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳакида протест келтиришингизни СЎРАЙМАН.

Илова:

1. Суд қарорлари нусхалари.
2. Давлат божи туланганилиги паттаси.
3. ....
4. ....

Жами \_\_ варакда

Даъвогар

ИМЗО

С.Сохибов

Сана

## **5.2.5. Апелляция шикоятига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар**

Фуқаролик процессуал қонунчилигига мувофиқ, апелляция шикояти ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига мутаносиб миқдордаги нусхалари билан бирга судга тақдим этилиши лозим (ахборот тизими орқали электрон шаклда юбориладиган апелляция шикояти ёки протести бундан мустасно).

Апелляция шикояти вакил томонидан берилган тақдирда, шикоятга ишончнома ёки вакил ҳуқуқларини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат илова қилиниши лозим.

Зарур ҳолларда судья, апелляция шикояти берган шахс зиммасига апелляция шикоятига илова қилинган ёзма ҳужжатларнинг нусхаларини ҳам ишда иштирок этувчи шахслар сонига мутаносиб миқдорда топшириш мажбуриятини юклаши мумкин.<sup>113</sup>

Қонунга мувофиқ, ҳар бир тарафга ўзининг талаблари ва эътиrozларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаш мажбурияти юклангандиги сабабли, апелляция шикояти берган шахс томонидан шикоятда келтирилган важларини тасдиқловчи далиллар илова қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек апелляция шикоятига давлат божи тўланганлиги ҳақидаги квитанция ёки бошқа тўлов ҳужжати илова қилинишини лозим (давлат божидан озод қилинган ҳолатлардан ташқари).

Қонунда бевосита кўрсатилган апелляция шикоятига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатларга оид талабларга риоя қилинмаслиги (шикоят вакил томонидан берилганда вакил ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатнинг илова қилинмаслиги, апелляция шикояти нусхаларининг ишда иштирок этувчи шахслар сонига мутаносиб равишда берилмаганлиги, шунингдек давлат божи тўлови амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг топширилмаганлиги) апелляция шикоятини ҳаракатсиз қолдиришга асос бўлади.<sup>114</sup>

## **5.2.6. Апелляция шикоятидан воз кечиш тушунчаси, тартиби ва оқибатлари**

Судга мурожаат қилиш фуқаронинг ҳуқуқи бўлиб, ушбу мурожаат натижаси бўйича қабул қилинган суд қарорига нисбатан шикоят келтириш

113 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 320-моддаси.

114 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 324-моддаси.



ҳам ушбу ҳуқуқ мажмасига киради. Шу сабабли қонун апелляция шикояти берган шахсга ундан воз кечиш ҳуқуқини беради.

Апелляция шикояти берилгандан кейин шикоятдан воз кечиш ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда, апелляция инстанцияси судига топширилиши лозим. Агар ишни күриш вақтида шикоятдан воз кечилса, бу ҳақда суд мажлисининг баённомасига ёзib кўйилади ва баённома шикоятдан воз кечган тегишли тараф томонидан имзоланади.

Шикоят берувчи шахс ўз шикоятидан воз кечиш ҳуқуқидан шикоят берилган вақтдан эътиборан апелляция инстанцияси суди маслаҳатхонага киргунга қадар бўлган муддатда фойдаланиши мумкин.

Суд апелляция шикоятидан воз кечишни, агар бундай воз кечиш қонунга зид бўлмаса ёки бирорнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларига хилоф бўлмасагина, қабул қилишга ҳақли.<sup>115</sup>

Агар ҳал қилув қарори устидан бошқа шахслар шикоят бермаган бўлса, шикоятдан воз кечиш қабул қилинганида ва протест қайтариб олинганида, апелляция инстанцияси суди ажрим чиқариб, апелляция тартибида иш юритишни тутгатади.

Агар апелляция шикояти берган шахсга процессада тарафдорлик қилаётган ишда иштирок этувчи шахслар ёки учинчи шахслар берилган апелляция шикоятига қўшилган бўлсалар, апелляция шикоятидан воз кечишнинг қабул қилиниши апелляция тартибида иш юритишни тутгатишга олиб келмайди. Шикоятга қўшилиш ҳақидаги ёзма ариза мустақил шикоят сифатида кўрилади.

#### **5.2.7. Ишни апелляция тартибида кўришда даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечиши, жавобгарнинг даъвогар талабларини тан олиши ва тарафларнинг келишув битими тушунчаси ва амалга ошириш тартиби**

Ишни судда кўриш жараёнида даъвогарнинг даъво талабларидан воз кечиш ҳуқуқи ишни апелляция тартибида кўриш жараёнига нисбатан ҳам тадбиқ қилинади. Яъни даъвогар ишни апелляция тартибида кўриш жараёнида ҳам арз қилган талабларидан воз кечишга ҳақлидир.

115 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 329-моддасининг 1-қисми.



Апелляция шикоятидан воз кечиш ҳамда ишни апелляция тартибida күришда арз қилингандан талаблардан воз кечиш тартиби ва оқибатларини бир-бираидан фарқлаш лозим.

Апелляция шикояти биринчи инстанция суди томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин берилиши сабабли, ундан воз кечиш шикоят берган тарафнинг биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан келишганилигини, унга розилигини ҳамда ҳал қилув қарорининг қонунийлиги юзасидан низолашмаслигини англатади.

Апелляция тартибida иш юритишида даъвогарнинг арз қилган талаблардан воз кечиши эса биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан боғлик бўлмасдан, даъвогарнинг умуман фуқаролик иши қўзғатилишига асос бўлган талаблардан воз кечишини англатади.

Апелляция шикоятидан воз кечиш апелляция тартибida иш юритишини тугатиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилишини англатса, даъвогарнинг арз қилган талаблардан воз кечиши биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, фуқаролик иши бўйича иш юритишини тугатишга олиб келади.

Ишни апелляция тартибida кўриш жараёнида апелляция шикоятидан воз кечишга фақат шикоят берган шахс ҳақли бўлса, даъвогар арз қилган талабларидан воз кечишга апелляция шикояти жавобгар томонидан келтирилганидан қатъий назар ҳақлидир.

Фуқаролик процессуал қонунчилигига мувофиқ, апелляция шикояти берилгандан кейин даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечиши ёзма шаклда баён этилиб, апелляция инстанцияси судига топширилиши лозим. Агар ишни кўриш вақтида даъвогар арз қилган талабларидан воз кечса, бу ҳақда суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўйилади ва баённомани тегишинча даъвогар имзолайди.

Даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлиги иш юритишини тугатишга асос бўлиши сабабли, ушбу мазмундаги аризани қабул қилишдан олдин суд даъвогарга мазкур процессуал ҳаракатлар қилишнинг оқибатларини тушунтиради.

Апелляция инстанция суди даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечишини қабул қилганида ҳал қилув қарорини бекор қиласди ва иш юритишини тугатади.

Агар даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечиши қонунга зид бўлса ёхуд бирорнинг ҳукуклари ва қонун билан қўриқланадиган



манфаатларига хилоф бўлса, суд воз кечишини рад қилиб, ишни апелляция тартибида кўради.<sup>116</sup>

Ишни апелляция тартибида кўришда жавобгарнинг дайвогар талабларини тан олиши ва тарафларнинг келишув битими тузилиши процессуал жиҳатдан биринчи инстанция судида ишни кўриш жараёнидаги каби амалга оширилади (кўлланманинг 3.2.12 - 3.2.13-мавзуларида батафсил ёритилган).

Апелляция инстанцияси суди тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаганида чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қиласида ва иш юритишни тугатади.

Агар тарафларнинг келишув битими қонунга зид бўлса ёхуд бирорнинг хукуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига хилоф бўлса, суд тузилган келишув битимини тасдиқламай, ишни апелляция тартибида кўради. Апелляция инстанцияси суди томонидан жавобгарнинг арз қилинган талабларни тан олиши қабул қилинмаса ҳам бу ҳақида асослантирилган ажрим чиқарилиб, иш апелляция тартибида кўрилади.

### 5.2.8. Апелляция шикоятини судда кўриш тартиби ва муддатлари

Фуқаролик процессуал қонунчилигига мувофиқ, апелляция шикояти ёки протестини кўриш муддати **бир ой**. Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларида апелляция шикояти ёки протестини кўриш муддати иш ўта мураккаб бўлган ёки бошқа алоҳида ҳолларда тегишли суднинг раиси томонидан кўпি билан **яна ўн кунга** узайтирилиши мумкин.

Апелляция шикояти ёки протестини кўриш муддати муддатлари	
Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларида	
Ўзбекистон Республикаси Олий судида	
Умумий муддат	Иш ўта мураккаб бўлган ёки бошқа алоҳида ҳолларда (тегишли суднинг раиси томонидан узайтирилади)
1 ой	10 кун
Умумий муддат	Алоҳида ҳолларда (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси ёки унинг ўринбосари томонидан узайтирилади)
1 ой	1 ой

Апелляция шикоятини кўриш муддати иш Ўзбекистон Республикаси Олий судида кўрилиши жараёнида алоҳида ҳолларда Ўзбекистон

116 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 330-моддаси.

Республикаси Олий судининг Раиси ёки унинг ўринбосари томонидан кўпичилган яна бир ойга кечиктириши мумкин.

Ишни апелляция инстанциясида кўриш муддати кечиктирилган тақдирда, ишда иштирок этувчи шахсларга иш кўриладиган кун олдиндан хабар қилиб қўйилиши лозим.<sup>117</sup>

Фуқаролик процессуал қонунчилигига мувофиқ, суд ишни апелляция тартибида кўраётганда биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори қай даражада қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текширади. У янги далилларни ўрганиб чиқиши ва янги фактларни аниқлаши мумкин. Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ текшириб чиқиши шарт.<sup>118</sup>

Апелляция инстанцияси судининг мажлисида раислик қилувчи Фуқаролик процессуал кодексининг 164, 165 ва 166-моддаларига амал қилган ҳолда, суд мажлисида тегишли тартибни таъминлаш чораларини кўради.

Фуқаролик процессуал кодексининг 334-моддасига кўра, раислик қилувчи суд мажлисини очади ва кимнинг шикояти ёки протести бўйича ҳамда қайси суднинг ҳал қилув қарори юзасидан қандай иш кўрилишини эълон қилади. Раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахсларнинг қайси бири келмаганлигини, келмаганлик сабаблари тўғрисида қандай маълумотлар борлигини аниқлайди, судга келганларнинг шахсини аниқлайди, шунингдек мансабдор шахслар ҳамда вакилларнинг ваколатини текширади.

Раислик қилувчи суд таркибини эълон қилади, суд мажлисининг котиби, прокурор, эксперт, таржимон сифатида кимлар қатнашаётганлигини маълум қилади ва ишда иштирок этувчи шахсларга рад қилиш ҳақида арз қилиш ҳукуқларини тушунтиради.

Рад қилиш учун асослар, рад қилиш ҳақидаги арзни ҳал қилиш тартиби ва бундай арзларни қаноатлантириш оқибатлари ушбу Кодекснинг 3-бобига мувофиқ белгиланади.<sup>119</sup>

Фуқаролик процессуал қонунчилигига мувофиқ, раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг процессуал ҳукуқлари ва мажбуриятларини тушунтириши лозим.<sup>120</sup>

*Ишда иштирок этувчи шахслар суд мажлисига келмаганлигининг оқибатлари.*

117 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 331-моддаси.

118 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 332-моддаси.

119 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 335-моддаси.

120 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 336-моддаси.



Ишда иштирок этувчи шахслардан бирортаси суд мажлисига келмаган бўлса ва у ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишлича хабардор қилинганилиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлмаса, суд ишни кўришни кейинга қолдиради.

Ишда иштирок этувчи, иш кўриладиган вақт ва жой тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган шахсларнинг келмаслиги ишни кўриш учун тўсқинлик қилмайди. Бироқ, суд бундай ҳолларда ҳам келмаганлик сабабларини узрли деб топса, ишни кўришни кейинга қолдиришга ҳақли.<sup>121</sup>

#### *Ишни апелляция инстанциясида кўришининг бошлананиши.*

Фуқаролик процессуал кодексининг 339-моддасига кўра, ишни апелляция инстанцияси судида кўриш раислик қилувчи ёки судьялардан бирининг маъруzasи билан бошланади.

Маърузачи ишнинг ҳолатини, биринчи инстанция суди чиқарган ҳал қилув қарорининг мазмунини, апелляция шикояти ёки протестида келтирилган далилларни ва улар юзасидан берилган тушунтиришларни (эътирозларни), келтирилган янги далилларнинг мазмунини, шунингдек ҳал қилув қарорининг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текшириш учун суд кўриши зарур бўлган барча маълумотларни баён қиласи.

#### *Ишнинг суд мажлисига кўрилиши.*

Суд раислик қилувчи ёки судьян бирининг маърузасидан кейин суд мажлисига келган ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришини тинглайди, бу шахслар апелляция шикояти ёки протестида кўрсатилмаган важлар келтиришга ва қўшимча материаллар тақдим этишга ҳам ҳақли.

Даставвал, апелляция шикоятини берган шахс ва унинг вакили ёки агар иш протест бўйича кўриб чиқилаётган бўлса, прокурор сўзга чиқади. Ҳал қилув қарори устидан ҳар икки тараф ҳам шикоят берган бўлса, биринчи бўлиб даъвогар сўзга чиқади.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларидан кейин прокурор ҳал қилув қарори қай даражада қонуний, асосли ва адолатли эканлиги тўғрисида фикрини баён қиласи.<sup>122</sup>

Апелляция инстанцияси суди томонидан иш юритиш тегишли асос бўлган тақдирда Фуқаролик процессуал кодексининг 7-бобида назарда тутилган тартибда тўхтатиб турилиши мумкин (кўлланманинг 3.2.21-мавзусида иш юритишни тўхтатиш асослари келтирилган).

121 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 337-моддаси.

122 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 340-моддаси.

## 5.2.9. Апелляция шикояти юзасидан суд томонидан қарор қабул қилиш тартиби

Ишни апелляция тартибida күриш натижасига кўра апелляция инстанцияси судининг хulosаси ажрим шаклида қабул қилинади. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари ва прокурорнинг фикри тинглаб бўлинганидан кейин апелляция инстанцияси суди ажрим чиқариш учун маслаҳатхонага чиқади.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими иш кўрилганидан кейин дарҳол чиқарилади.

Алоҳида ҳолларда асослантирилган ажрим тайёрлаш кўпи билан уч кунга кечиктирилиши мумкин, лекин ажримнинг хуласа қисмини суд ишни апелляция тартибida муҳокама қилиш тамомланган мажлиснинг ўзидаёқ эълон қилиши керак.<sup>123</sup>

Судъяларнинг маслаҳатлашуви, ажрим чиқариш ва уни эълон қилиш тартиби биринчى инстанция судида иш юритиш тартибida белгилангани каби амалга оширилади.



123 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 342-моддаси.



## 5.2.10. Апелляция инстанцияси қарорларининг қонуний кучга кириши ва ижрота қаратилиши тартиби

Фуқаролик процессуал кодексининг 318-моддасига кўра, апелляция инстанцияси судининг ажрими чиқарилиши биланоқ дарҳол қонуний кучга киради.

Фуқаролик процессуал қонунчилиги суд қарорларининг ижросини унинг қонуний кучга кириши билан боғлайди, апелляция инстанциясининг ажримлари дарҳол қонуний кучга кириши сабабли эълон қилинганидан кейин ижрота қаратилади.

Апелляция инстанциясининг ажримларини ижрота қаратиш тартиби ҳал қилув қарорларини ижрота қаратишнинг фуқаролик процессуал қонунчилиқда белгиланган тартибига мувофиқ амалга оширилади (қўлланманинг 5-бобида суд қарорларининг ижроси масаласи батафсил ёритилган).

## 5.2.11. Биринчى инстанция судининг ажримлари устидан апелляция тартибида шикоят бериш ҳамда уларни күриш тартиби

Фуқаролик процессуал қонунчилигига мувофиқ, ишда иштирок этувчи шахслар суд ажримларига нисбатан ҳам апелляция тартибида шикоят беришлари мумкин.

Унга кўра:

1) Фуқаролик процессуал кодексида шикоят келтирилиши мумкинлиги бевосита назарда тутилган ҳолларда;

2) Суднинг ажрими ишнинг кейинги ҳаракатланишига тўсқинлик қиласидаган ҳолларда, суд томонидан ажрим топширилган кундан эътиборан ўн кун ичida тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар апелляция инстанцияси судига шикоят беришлари мумкин.

Алоҳида процессуал ҳужжат кўринишида чиқариладиган ажримлар устидан суднинг ҳал қилув қароридан ажратилган ҳолда куйидаги ҳолларда апелляция тартибида шикоят берилиши мумкинлиги белгиланган:

– ажрим устидан шикоят бериш хуқуки Фуқаролик процессуал кодексининг муайян нормасида назарда тутилган бўлса;

– ажрим устидан шикоят бериш хуқуки Фуқаролик процессуал кодексининг муайян нормасида назарда тутилмаган бўлсада, бироқ суднинг ажрими ишнинг кейинги ҳаракатланишига тўсқинлик қиласа.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми “Фуқаролик ишлари бўйича биринчى инстанция суди ажримлари тўғрисида”ти қарорининг



6-бандида суднинг ҳал қилув қароридан ажратилган ҳолда шикоят берилиши мумкин бўлган ажримлар рўйхати келтирилган.

Фуқаролик процессуал қонунчилигига мувофиқ, биринчи инстанция судининг хусусий шикоят берилмайдиган ва протест келтирилмайдиган ажримларга қарши эътиrozлар апелляция шикояти ёки протестига киритилиши мумкин.<sup>124</sup>

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг юқоридаги “Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция суди ажримлари тўғрисида”ги қарорининг 7-бандида биринчи инстанция судининг ҳал қилув қароридан ажратилган ҳолда шикоят берилмайдиган ажримлар рўйхати келтирилган.

Апелляция тартибидаги хусусий шикоятлар Фуқаролик процессуал кодексида ҳал қилув қарорига нисбатан белгиланган тартибда берилади ва кўрилади.<sup>125</sup>



### 5.2.12. Суд қарорларига нисбатан кассация тартибида шикоят келтириш ва шикоятни судда кўриш тартиби

Фуқаролик процессуал қонунчилигига кўра, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари устидан шикоятларни кўришнинг навбатдаги босқичи кассация тартибида иш юритиш бўлиб, бундай тартибда иш юритиш қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорининг ёки ажримнинг устидан келтирилган шикоятлар бўйича амалга оширилади.

Кассация тартибида иш юритишнинг апелляция тартибида иш юритишдан асосий фарқи, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорларининг устидан келтирилган шикоятларнинг кўрилишидир. Маълумки, апелляция

124 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 346-моддасининг 2-қисми.

125 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 347-моддаси.



шикояты қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорлариға нисбатан, яғни ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин йигирма кунлик муддат давомида келтирилади. Кассация шикояти эса қонунга кўра, ҳал қилув қарори чиқарилган кундан эътиборан бир йил ичида келтирилиши мумкин.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари устидан кассация шикояти бериш тартиби, кассация шикоятининг мазмунига қўйиладиган талаблар, шикоятга илова қилиниши лозим бўлган хужжатлар, давлат божи тўлови масаласининг ҳал этилиши, кассация шикоятидан воз кечиш, даъвогарнинг арз қилган талаблардан воз кечиши, жавобгарнинг даъво талабларини тан олиши ва тарафларнинг келишув битими, кассация шикоятини суд мажлисида кўриш тартиби ҳамда шикоятни кўриш натижасига кўра кассация инстанциясининг ваколатлари ушбу процессуал жараёнларга тааллуқли ишни апелляция тартибида кўриш учун белгиланган тартиб ва талаблар билан бир хилдир.

*Кассация шикояти берилганда суд қарорларининг ижроси.*

Фуқаролик процессуал кодексининг 348-моддасининг 1-қисми 3-бандига кўра, судья кассация шикоятини олгандан сўнг суд қарори ижросини (агар у ижро этилмаган бўлса) иш кассация тартибида кўрилгунига қадар тўхтатиб қўйиши ва бу хусусда манфаатдор шахслар, ташкилотларни хабардор этиши шарт.

*Ишни кассация инстанциясида кўриш муддатлари.*

Фуқаролик процессуал қонунчилигига мувофиқ, кассация шикояти ёки протестини кўриш муддати бир ой. Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шахар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судида кассация шикояти ёки протестини кўриш муддати иш ўта мураккаб бўлган ёки бошқа алоҳида ҳолларда тегишли суднинг раиси томонидан кўпи билан яна йигирма кунга узайтирилиши мумкин.

Кассация шикоятини кўриш муддати иш Ўзбекистон Республикаси Олий судида кўрилиши жараёнида алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси ёки унинг ўринбосари томонидан кўпи билан яна бир ойга кечикириши мумкин.

Ишни кассация инстанциясида кўриш муддати кечикирилган тақдирда, ишда иштирок этувчи шахсларга иш кўриладиган кун олдиндан хабар қилиб қўйилиши лозим.<sup>126</sup>

126 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 348<sup>12</sup>-моддаси.

## § 5.3. НАЗОРАТ ТАРТИБИДА ПРОТЕСТ КЕЛТИРИШ ТҮГРИСИДА АРИЗА ВА ПРОТЕСТЛАРНИ КҮРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

### 5.3.1. Суд қарорларига нисбатан назорат тартиби протест келтириш ҳақида ариза келтириш тартиби ва муддатлари

Фуқаролик процессуал қонунчилигида суд қарорларига нисбатан шикоят келтиришнинг охирги босқичи суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан назорат тартибида шикоят келтиришдир.

Суднинг ҳал қилув қарорлари ва ажримларини апелляция ёки кассация тартибида кўриш учун шикоят келтиришдан фарқли равишда, иш назорат тартибида кўрилиши учун ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризаси етарли бўлмайди. Фуқаролик ишлари назорат тартибида судда кўрилиши учун суд қарорларига протест келтириш түгрисида ариза қаноатлантирилиши, суд қарорларига нисбатан протест келтирилиши лозим. Яъни ишни апелляция ёки кассация тартибида кўриш учун ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризалари асос бўлса, назорат тартибида кўриш учун ваколатли шахсларнинг протести асос бўлади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 350-моддасига кўра, назорат тартибида протест келтириш түгрисидаги ариза тегишли юқори суднинг раисига ёки протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган прокурорга берилади.

Қонунга мувофиқ,

1) фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг, округ ва худудий ҳарбий судларнинг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари устидан ҳамда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судлов ҳайъатлари апелляция, кассация ажримлари устидан назорат тартибида протест келтириш ҳақида аризалар:

а) Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди раиси, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисларига;

б) Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорига;



2) Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорларидан ташқари, Ўзбекистон Республикаси судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорларига устидан назорат тартибида протест келтириш ҳақида аризалар:

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринbosарларига;
- ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринbosарларига;

в) Ўзбекистон Республикаси барча судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан назорат тартибида протест келтириш ҳақида аризалар Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисига берилади.



Фуқаролик процессуал кодексининг 349-моддасида белгиланган истиснога мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан биринчи инстанция бўйича кўриб чиқилган ишлар юзасидан суд қарорларига нисбатан назорат тартибидаги шикоятлар ушбу судлар раисларига эмас, тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг



ўринбосарлари ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларига берилади.<sup>127</sup>

*Суд қарорларига нисбатан назорат тартибида шикоят келтириш муддати.*

Суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан уч йил ўтгандан кейин берилган аризалар кўрилмайди.

### **5.3.2. Назорат тартибида протест келтириш ҳақидаги аризанинг мазмуни ҳамда илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар**

Назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги ариза мазмун жиҳатидан Фуқаролик процессуал кодексининг 323-моддасига мувофиқ бўлиши лозим (апелляция шикоятининг мазмунига қўйиладиган талабларга мос).

*Назорат тартибида протест келтириш ҳақидаги аризага илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар.*

Аризага суд чиқарган ҳал қилув қарорининг нусхаси, агар иш апелляция, кассация ёки назорат тартибида ҳам кўриб чиқилган бўлса, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судларининг ажримлари (қарорлари) нусхалари ҳам илова қилинади.

Шунингдек аризага давлат божи тўланганлиги ҳақидаги квитанция ёки бошқа тўлов ҳужжати илова қилинишини лозим (давлат божидан озод қилинган ҳолатлардан ташқари).

Юқоридаги талабларга риоя қилинмаган ёки давлат божи тўланмаган тақдирда, назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги ариза ҳаракатсиз қолдирилади, аризачига эса, камчиликларни бартараф этиш тартиби ва муддати тушунтирилади.<sup>128</sup>

Фуқаролик процессуал қонунчилигига мувофиқ, ҳар бир тарафга ўзининг талаблари ва эътиrozларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаш мажбурияти юклanganлиги сабабли, ариза берган шахс томонидан унда келтирилган важларини тасдиқловчи далиллар илова қилиниши мақсадга мувофиқдир.

127 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 349-моддаси.

128 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 350-моддаси.



### 5.3.3. Назорат тартибида протест келтириш ҳақидаги аризани ўрганиб чиқиш тартиби

Фуқаролик процессуал кодексининг 350-моддаси 5-қисмига кўра, протест келтириш тўғрисидаги ариза бир ойлик муддатда, иш талаб қилиб олинадиган ва текшириладиган ҳолларда иккى ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилиши керак. Протест келтириш учун асос бўлмаса, ариза берган шахсга аризани қаноатлантирмасдан қолдириш сабаблари кўрсатилиб, ёзма жавоб берилади.

Қонунга мувофиқ назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқи берилган суд раислари ва раис ўринбосарлари тегишли ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларнинг ижросини назорат тартибида иш юритиш тамом бўлгунига қадар тўхтатиб туришлари мумкин.<sup>129</sup>

Суд қарорларининг ижросини тўхтатиб туриш юқоридаги мансабдор шахсларнинг мажбурияти эмас, ҳуқуқи бўлиб, бу ҳақида иш ҳолатларидан келиб чиқиб тўхтамга келади.

Прокурорлар тегишли суд қарорларига нисбатан назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқига эга бўлсада, лекин суд қарорларининг ижросини тўхтатиш ваколатига эга эмас.

Фуқаролар ижро ҳаракатлари тўхтатиш зарурати бўлганда суд қарорларига нисбатан назорат тартибида протест келтириш ҳақидаги аризада суд қарорларининг ижросини тўхтатиб туриш масаласини алоҳида сўрашлари ҳамда бундай заруратни асословчи ҳолатларни кўрсатишлари мақсадга мувофиқдир.

Фуқаролик процессуал кодексининг 219-моддасида белгиланган дарҳол ижро этилиши лозим бўлган ҳал қилув қарорларининг тўхтатилишига йўл кўйилмайди.

Протест келтириш учун асос бўлмаган тақдирда, шу мансабдор шахслар тегишли ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларнинг ижросини тўхтатиб туришни бекор қиласидилар. Тўхтатиб туриш ва тўхтатиб туришни бекор қилиш ҳақида манфаатдор шахсларга, ташкилотларга ва судга маълум қилинади.

129 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 352-моддаси.



**Назорат тартибида протест келтириш тұғрисидаги аризаларни күриб чиқыш тартиби**

Назорат тартибида протест келтиришга ваколатли шахс номига ёзилған назорат тартибида протест келтириш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилиш

Назорат тартибида протест келтириш ҳақидаги аризани ваколатли шахс томонидан күриб чиқилиши

Назорат тартибида протест келтиришга ваколатли шахс томонидан тегишли судға назорат тартибида протест киритиш

Назорат тартибида протест келтиришга ваколатли шахс томонидан назорат тартибида протест келтиришиңи рад қилиш

Тегишли суд томонидан назорат тартибида келтирилған протестни күриб чиқыш

Назорат тартибида протест келтиришиңи рад қилингандыгын устидан юқори түрүвчи назорат тартибида протест келтиришга ваколатли шахсга шикоят қилиш

**ЕКИ**

Назорат тартибида протест келтиришга ваколатли юқори түрүвчи мансабдор шахс номига назорат тартибида протест келтириш ҳақида ариза билан мурожаат қилиш

#### **5.3.4. Назорат тартибидаги шикоятни қаноатлантириш рад қилингандан шикоят қилиш тартиби**

Фуқаролик процессынал қонунчилиги талабларига мувофик, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг, округ ва худудий ҳарбий судларнинг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари устидан ҳамда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судлов ҳайъатлари апелляция, кассация ажримлари устидан назорат тартибида протест келтириш ҳақида аризалар:

1) Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди раиси, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисларига;

2) Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорига берилади.



Юқоридаги мансабдор шахслар томонидан назорат тартибida протест келтириш рад қилинган тақдирда, ушбу мазмундаги ариза билан аризачи Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ёки унинг ўринbosарларига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринbosарларига шикоят бериш мумкин.<sup>130</sup>

### 5.3.5. Назорат тартибидаги шикоят қаноатлантирилганда ишни күриш тартиби

Қонунга кўра, назорат тартибida протест келтириш ҳақида ариза қаноатлантирилган тақдирда, Фуқаролик процессуал кодексининг 349-моддасида санаб ўтилган мансабдор шахслар протест ёзиб, уни иш билан бирга тегишли судга юборадилар.<sup>131</sup>

Судларнинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорларига келтирилган протестлар фуқаролик ишини назорат тартибida кўриш учун асос бўлади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 354-моддасига кўра Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раёсатлари тегишинча мазкур судларнинг:

- фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари томонидан кўрилган ишлар юзасидан чиқарган ҳал қилув қарорлари;

- апелляция ва кассация ажримлари устидан келтирилган протестлари бўйича ишларни кўради.

Биринчи инстанция судлари томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари улар апелляция ёки кассация тартибida кўрилмаган бўлса, кассация шикояти келтириш муддати (бир йил) ўтганидан кейин назорат тартибидаги протест асосида бевосита суд раёсатида кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати:

- 1) Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раёсатларининг қарорлари устидан;

- 2) юқоридаги судлар томонидан биринчи инстанцияда кўрилган ишлар бўйича апелляция ва кассация ажримлари устидан келтирилган протестлар бўйича ишларни кўради.

130 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 350-моддасининг 6-қисми.

131 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 353-моддаси.



Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раёсати мазкур суднинг округ ва худудий ҳарбий судлар томонидан кўрилган ишлар устидан чиқарган апелляция ва кассация ажримлари устидан келтирилган протестлар бўйича ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ҳарбий ҳайъати:

1) Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раёсатининг қарорлари устидан;

2) Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг мазкур суд томонидан биринчи инстанцияда кўрилган ишлар устидан келтирилган апелляция ва кассация ажримлари юзасидан келтирилган протестлари бўйича ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг апелляция ва кассация ажримлари;

2) Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг назорат тартибида чиқарган ажримлари устидан келтирилган протестлар бўйича ишларни кўради.

#### НАЗОРАТ ТАРТИБИДА ПРОТЕСТЛАРНИ КЎРАДИГАН СУД БОСҚИЧЛАРИ

<b>Қорақалпогистон Республикаси (ҚР) фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг РАЁСАТЛАРИ</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Тегишли ФИБ туманлараро, туман (шаҳар) судларининг хал қилив қарорлари ва ажримлари устидан келтирилган назорат тартибидаги протестлар;</li> <li>- Ушиб судларнинг судлов ҳайъатлари томонидан кабул қилинган апелляция, кассация ажримлари устидан келтирилган назорат тартибидаги протестлар.</li> </ul>
<b>Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Қорақалпогистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раёсатларининг қарорлари устидан келтирилган назорат тартибидаги протестлар;</li> <li>- Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг назорат тартибида чиқарган ажримлари кўрилган ишлар бўйича апелляция ва кассация ажримлари устидан келтирилган назорат тартибидаги протестлар.</li> </ul>
<b>Ўзбекистон Республикаси Олий судининг РАЁСАТИ</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг апелляция ва кассация ажримлари устидан келтирилган назорат тартибидаги протестлар;</li> <li>- Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг назорат тартибида чиқарган ажримлари устидан келтирилган назорат тартибидаги протестлар.</li> </ul>
<b>Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ПЛЕНУМИ</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарорлари устидан назорат тартибида келтирилган протестлар.</li> </ul>



Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарорлари устидан назорат тартибида келтирилган протестлар бўйича ишларни кўради.

Зарур ҳолларда протестлар бўйича ишлар Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини четлаб ўтиб, назорат тартибида бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан кўриб чиқилиши мумкин.<sup>132</sup>

Ишни назорат тартибида кўришга тайёргарлик жараёнида тарафларга ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга уларнинг иши бўйича келтирилган протестнинг нусхаси юборилади. Тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинади.

Протестнинг нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга суд томонидан юборилади. Суд ишни кўриш вақтими тайинлаганида ишда иштирок этувчи шахслар протест юзасидан ёзма тушунтиришларини (эътиrozларини) ва қўшимча материалларни судга тақдим қилиш имкониятига эга бўлишларини ҳисобга олади.<sup>133</sup>

Фуқаролик процессуал қонунчилигига мувофиқ, суд ишни назорат тартибида кўрганида биринчи инстанция ва апелляция ёки кассация инстанцияси судларининг моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини ишдаги мавжуд материаллар бўйича протестда келтирилган важлар доирасида қанчалик тўғри қўллаганликларини текширади.

Башарти, суд қарорида бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатлари бузилган бўлса, суд протест доирасидан четга чиқиши мумкин.<sup>134</sup>

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раёсатларининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг ажримлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари Фуқаролик процессуал кодексининг 14 ва 204-моддаларида назарда тутилган тартибда чиқарилади (қўлланманинг 3.2.31-мавзусида суд маслаҳатлашуви сири батафсил ёритилган).

Протест қаноатлантирилишини ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар тенг бўлиб қолса, протест рад этилган ҳисобланади.

132 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 354-моддаси.

133 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 355-моддаси.

134 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 357-моддаси.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатининг назорат тартибидаги протест бўйича чиқарган ажрими суднинг тўлиқ таркиби томонидан имзоланади.

Назорат инстанцияси судининг ваколатлари	Ҳал қилув қарорини, ажрим ёки қарорни ўзгаришсиз, протестни эса қаноатлантирумай қолдириш ваколатига эга.
	Ҳал қилув қарорини, ажрим ёки қарорни бутунлай ёхуд қисман бекор қилиш ва ишини янгидан кўриш учун бирини инстанция суди ёки апелляция ёхуд кассация инстанцияси судига юбориш ваколатига эга.
	Ҳал қилув қарорини, ажрим ёхуд қарорни бутунлай ёки қисман бекор қилиш ва иш юритишин тутатиш ёхуд аризани кўрмасдан қолдириш ваколатига эга.
	Иш бўйича илгари чиқарилган ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарордан бирини ўз кучида қолдириш ваколатига эга.
	Ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни ўзгартириш ёхуд бекор қилиш ва ишини янгидан кўриб чиқиш учун юбормасдан, янги ҳал қилув қарори чиқариш ваколатига эга.

Суд раёсатининг қарори раёсат мажлисида раислик қилувчи томонидан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори эса, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ва котиби томонидан имзоланади.

Ажрим ёки қарор ишда иштирок этувчи шахсларга имзо қўйдириб топширилади ёки уларга почта орқали ёхуд ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилади.

## § 5.4. ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРГАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ, АЖРИМЛАР ВА ҚАРОРЛАРНИ ЯНГИ ОЧИЛГАН ҲОЛАТЛАР БЎЙИЧА ҚАЙТА КЎРИШ

### 5.4.1. Қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тушунчаси ва асослари

Фуқаролик қонунчилигида белгиланган суд қарори қонуний, асосли ва адолатли эканлиги юзасидан текширув қўзғатишнинг асосларидан бири қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақида ариза бўлиб, суд қарорларининг



қонунийлигини текширишнинг процессуал қонунчиликда белгиланган асосларидан тубдан фарқ қиласди.

Қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришдан фарқли тарзда бошқа ҳолатлар бўйича текширув қўзғатилганда суднинг қарорини бекор қилишга Фуқаролик процессуал кодексининг 312-моддаси 1-кисмида белгиланган ҳолатлар, яъни суднинг иш юритиш ва қарор қабул қилишда йўл қўйган муайян процессуал ва моддий хукуқ нормалари бузилиши асос бўлади. Яъни суд қарорларининг бекор қилинишига ишни кўрган суд томонидан йўл қўйилган камчиликлар сабаб бўлади.

Ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги ариза қаноатлантирилиб, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор бекор қилинганда эса бунга ишни кўрган суднинг хатоси ёки иш юритишда йўл қўйилган камчиликлар сабаб бўлмайди.

Ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш асослари	Янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза бериш муддати
Аризачига номаълум бўлган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган, лекин иш учун мухим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар	Иш учун жиддий аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар очилган кундан эътиборан 3 ой ичida.
Суднинг қонуний кучга кирган хукми билан аниқланган ва ноконуний, асоссиз ёки адолатсиз қарор чиқарилишига сабаб бўлган ҳолатлар, яъни гувоҳнинг била туриб берган ёлгон кўрсатуви, экспертнинг била туриб берган ёлгон хуласаси, атайнот тутуба қилинган таржима, қалбаки ҳужжатлар ёки ашёвий далиллар	Суднинг хукми қонуний кучга кирган кундан эътиборан 3 ой ичida.
Суднинг қонуний кучга кирган хукми билан аниқланган тарафларнинг, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг ёки судъяларнинг муайян ишни кўришда содир этган жиной қилмишлари	
Суд чиқарган ҳал қилув қарори, хукм, ажрим ёки қарорнинг ёхуд шу ҳал қилув қарори, ажрим ва қарор чиқарилишига сабаб бўлган бошқа органлар қарорининг бекор қилиниши	Қайта кўрилаётган ҳал қилув қарорига, ажрим ёки қарорга асос бўйлан хукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорга мазмунан қарама-қарши бўлган суд хукми, ҳал қилув қарори, ажрими, қарор қонуний кучга кирган кундан ёхуд бошқа органнинг ана шундай қарори чиқарилган кундан эътиборан 3 ой ичida.

### Қайта кўриш асослари.

Фуқаролик процессуал қонунчилигига кўра, ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун қўйидагилар асос бўлади:



1) аризачига номаълум бўлган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган, лекин иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар;

2) суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган ва ноқонуний, асоссиз ёки адолатсиз қарор чиқарилишига сабаб бўлган ҳолатлар, яъни гувоҳнинг била туриб берган ёлғон кўрсатуви, эксперктнинг била туриб берган ёлғон хулосаси, атайин нотўғри қилинган таржима, қалбаки ҳужжатлар ёки ашёвий далиллар;

3) суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган тарафларнинг, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг ёки судьяларнинг муайян ишни кўришда содир этган жиноий қилмислари;

4) суд чиқарган ҳал қилув қарори, ҳукм, ажрим ёки қарорнинг ёхуд шу ҳал қилув қарори, ажрим ва қарор чиқарилишига сабаб бўлган бошқа органлар қарорининг бекор қилиниши.<sup>135</sup>

Процессуал қонунчиллик суд буйругини янги очилган ҳолат бўйича қайта кўришни назарда тутмайди. Зоро, қонун суд буйругини бекор қилиш қилишининг ўзига хос бўлган тартибини белгилаган бўлиб, белгиланган мuddатда қарздордан арз қилинган талабга қарши эътироzlар тушса, судья суд буйругини бекор қилиб, бу ҳақда ажрим чиқаради.<sup>136</sup>

#### **5.4.2. Қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тартиби**

Фуқаролик процессуал қонунчилигига кўра, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги ариза ишда иштирок этган шахслар ёки прокурор томонидан шу ҳал қилув қарорини чиқарган судга берилади.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгартирилган ёки янги ҳал қилув қарори чиқарилган бўлса, ариза ҳал қилув қарорини ўзгартирган ёки янги ҳал қилув қарори чиқарган апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси судига берилади.<sup>137</sup>

Фуқаролик процессуал кодексининг 365-моддасига кўра, ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризани бериш муддати:

135 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 362-моддаси.

136 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 238<sup>10</sup>-моддаси.

137 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 363-364-моддалари.



Ишда иштирок этувчи шахслар ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризани ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни қайта кўриш учун асос бўладиган ҳолатлар маълум бўлган кундан эътиборан уч ой муддат ичida беришлари мумкин.

- 1) Фуқаролик процессуал кодексининг 362-моддаси 1-бандида назарда тутилган ҳолларда - иш учун жиддий аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар очилган кундан эътиборан;
- 2) Фуқаролик процессуал кодексининг 362-моддаси 2 ва 3-бандларида назарда тутилган ҳолларда - суднинг ҳукми қонуний кучга кирган кундан эътиборан;
- 3) Фуқаролик процессуал кодексининг 362-моддаси 4-бандида назарда тутилган ҳолларда - қайта кўрилаётган ҳал қилув қарорига, ажрим ёки қарорга асос бўлган ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорга мазмунан қарама-қарши бўлган суд ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими, қарори қонуний кучга кирган кундан ёхуд бошқа органнинг ана шундай қарори чиқарилган кундан эътиборан ҳисобланади.

Масалан, битимни алдаш асоси билан ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво талаби суд томонидан қаноатлантиришдан рад қилиниб, ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин иш бўйича жавобгарнинг қилмиши юзасидан уни фирибгарлик жиноятини содир этганлик учун айблаш бўйича суднинг ҳукми чиқарилса, мазкур ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин юқоридаги (битимни алдаш асоси билан ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво талаби суд томонидан қаноатлантиришдан рад қилинган) ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолат бўйича бекор қилишга асос бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аризачига номаълум бўлган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган, лекин иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар **суднинг ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин юз берса**, судга янги очилган ҳолат бўйича суд қарорларини қайta кўриш ҳақидаги ариза билан эмас, бошқа асослар билан янгидан ариза билан мурожаат қилинади.



### *Аризанинг кўрилиши ва суднинг ажрими.*

Суд янги очилган ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни қайта кўриш тўғрисидаги аризани аризачини ва ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилган ҳолда кўради.


Суд янги очилган ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни қайта кўриш тўғрисидаги аризани кўриб, уни қаноатлантиради ва ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни бекор қилади ёхуд ишни қайта кўришни рад қилади.<sup>138</sup>

Ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризани қаноатлантириш ёки рад қилиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят берилиши мумкин.

Ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни қайта кўриш тўғрисидаги ариза қаноатлантирилган тақдирда, иш суд томонидан умумий асосларда кўрилади. Яъни фуқаролик иши бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор бекор қилиниб, ишни мазмунан кўриш тикланади.

138 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 366-367-моддалари.





**Фуқаролик ишлари бўйича  
Қорақалпоғистон Республикаси  
Олий суди, фуқаролик ишлари  
бўйича Тошкент шаҳар  
ва вилоят судлари ҳамда  
туманларо, туман (шаҳар)  
судлари билан боғланишга доир  
маълумотлар**



## СУДЛАР БИЛАН БОГЛАНИШГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР

Фуқаролик ишлари бўйича  
Қорақалпогистон Республикаси  
Олий суди

- Нукус шаҳри, О. Дўсназаров кўчаси, 159-үй
- Почта индекси: 230100
- (361) 226-03-29, 226-03-38
- fib.qr@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Нукус туманлараро суди

- Нукус шаҳри, А. Темур кўчаси, 187-үй
- Почта индекси: 230103
- (361) 222-85-68, 222-84-69
- e-mail:fib.qr.nkt@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Чимбой туманлараро суди

- Чимбой тумани, Дослық кўчаси, рақамсиз уй
- Почта индекси: 231400
- (361) 444-17-48, 444-01-06
- fib.qr.chm@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Қўнғирот туманлараро суди

- Қўнғирот тумани, Р. Абдуллаев кўчаси, рақамсиз уй
- Почта индекси: 230600
- (361) 312-25-96, 312-12-77
- fib.qr.qnt@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Беруний туманлараро суди

- Беруний тумани, Беруний кўчаси, рақамсиз уй
- Почта индекси: 230200
- (361) 524-80-04, 524-55-17
- fib.qr.ber@sud.uz


Фуқаролик ишлари бўйича  
Амударё туман суди

- Амударё тумани, Янгиобод кўчаси, рақамсиз уй
- Почта индекси: 230700
- (361) 515-38-15, 515-38-17
- fib.qramu@sud.uz



# Қоракалпоғистон Республикаси

фуқаролик ишлари бўйича судлар



Туман (шахар)лар сони: 15  
Судлар сони: 5  
Судъялар сони: 9  
Суд ва энг ўзоқ аҳоли пункти  
уртасидаги масофа: 41 км.  
Аҳоли сони: 171.1798  
Майдони: 166.590 км<sup>2</sup>



## СУДЛАР БИЛАН БОГЛАНИШГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР

Фуқаролик ишлари бўйича  
Андижон вилоят суди

- Андижон шаҳри, Бобур шоҳ кўчаси, 26-уй
- Почта индекси: 170100
- (374) 228-38-51, 228-17-19
- fib.and@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Андижон туманлараро суди

- Андижон шаҳри, Бобур шоҳ кўчаси, 26-уй
- Почта индекси: 170100
- (374) 228-28-11, 228-16-06
- fib.and.ant@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Асака туманлараро суди

- Асака тумани, “Зарбдор” ҚФЙ, Янгисор кўчаси, 1-уй
- Почта индекси: 170200
- (374) 232-13-40, 232-22-71
- fib.and.ask@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Бўз туманлараро суди

- Бўз шаҳарчаси, А. Икромов кўчаси, 36-уй
- Почта индекси: 170400.
- (374) 333-14-37, 333-14-75
- fib.and.bz@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Избоскан туманлараро суди

- Избоскан тумани, Пойтуғ шаҳри,  
Мирзо Улуғбек кўчаси, 2-уй
- Почта индекси: 711500
- (374) 312-29-28, 312-26-97
- fib.and.ibz@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Хўжаобод туманлараро суди


- Хўжаобод тумани, Хўжаобод шаҳри,  
Анхор бўйи кўчаси, 2-уй
- Почта индекси: 171400
- (374) 741-12-58, 741-12-50
- fib.and.hjb@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Қўргонтепа туманлараро суди

- Қўргонтепа шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 50 А-уй
- Почта индекси: 170700
- (374) 723-23-00, 723-34-00
- fib.and.qrt@sud.uz

## Андижон вилояти

Фуқаролик ишлари бўйича судлар





## СУДЛАР БИЛАН БОГЛАНИШГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР

Фуқаролик ишлари бўйича  
Бухоро вилоят суди

- Бухоро шаҳри, Янгиобод кўчаси, 29-уй
- Почта индекси: 200120
- (365) 224-49-89, 224-59-89
- fib.bux@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Бухоро туманларапо суди

- Бухоро шаҳри, Фиждувон кўчаси, 12-уй
- Почта индекси: 200111
- (365) 224-47-07, 224-34-04
- fib.bux.bxr@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Фиждувон туманларапо суди

- Фиждувон тумани, Ю. Ҳамадоний кўчаси, 54-уй
- Почта индекси: 200501
- (365) 572-53-96, 572-73-08
- fib.bux.gdv@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Когон туманларапо суди

- Когон шаҳри, Қоровулбозор шоҳ кўчаси, 19-уй
- Почта индекси: 200705
- (365) 524-68-33, 524-62-26
- fib.bux.kog@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Қорақўл туманларапо суди

- Қорақўл тумани, Сарбозор кўчаси, 8-уй
- Почта индекси: 200800
- (365) 565-42-23, 565-42-44
- fib.bux.qrk@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Ромитон туманларапо суди

- Ромитон тумани, Чориқулбой кўчаси, 51-уй
- Почта индекси: 201000
- (365) 552-19-34
- fib.bux.rom@sud.uz


Фуқаролик ишлари бўйича  
Пешку туманларапо суди

- Пешку тумани, Амир Темур кўчаси, 5-уй
- Почта индекси: 201200
- (365) 353-18-17, 353-18-18
- fib.bux.psh@sud.uz



## Бухоро вилояти

фуқаролик ишлари бўйича судлар



Туман (шаҳар)лар сони: 13

Судлар сони: 6

Судьялар сони: 19

Суд ва энг узоқ аҳоли пункти ўртасидаги масофа: 29 км.

Аҳоли сони: 1.729.718

Майдони: 40.320 км<sup>2</sup>

- Туман маркази
- Суд жойлашган туман
- ▲ Энг узоқ аҳоли пункти



Фуқаролик ишлари бўйича  
Жиззах вилоят суди

Жиззах шаҳри, О.Азимов кўчаси, 15-үй  
Почта индекси: 708000  
(372) 222-29-43, 222-38-17  
fib.jiz@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Жиззах туманлараро суди

Жиззах шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси,  
«Қассоблик» маҳалласи, рақамсиз уй  
Почта индекси: 104300  
(372) 226-71-96, 226-71-98  
fib.jiz.jzt@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Дўстлик туманлараро суди

Дўстлик тумани, Дўстлик шаҳарчаси,  
Дўстлик кўчаси, 17-үй  
Почта индекси: 130500  
(372) 335-40-66, 335-40-61  
fib.jiz.dst@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Зарбдор туманлараро суди

Зомин тумани, А. Сатторов кўчаси, 1-үй  
Почта индекси: 130800  
(372) 392-12-51  
fib.jiz.zar@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Ғаллаорол туманлараро суди

Сарибозор МСИ худуди, рақамсиз уй  
Почта индекси: 130400  
fib.jiz.gal@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Фориш туман суди

Осмонсой КФЙ, Тутак массиви, рақамсиз уй  
Почта индекси: 130100  
(372) 221 50 45  
fib.jiz.for@sud.uz

## Жиззах вилояти

фуқаролик ишлари бўйича судлар



- Туман маркази
- Суд жойлашган туман
- ▲ Энг узоқ аҳоли пунктни

Туман (шаҳар)лар сони: 13  
 Судлар сони: 5  
 Судъялар сони: 9  
 Суд ва энг узоқ аҳоли пункти  
 ўртасидаги масофа: 35 км.  
 Аҳоли сони: 1.204.961  
 Майдони: 21.210 км<sup>2</sup>



Фуқаролик ишлари бўйича  
Қашқадарё вилоят суди

- 🏠 Жиззах шаҳри, О.Азимов кўчаси, 15-үй
- ✉️ Почта индекси: 708000
- ☎️ (372) 222-29-43, 222-38-17
- 🌐 fib.jiz@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Қарши туманлараро суди

- 🏠 Жиззах шаҳри, Халқлар дўстлиги шох кўчаси,  
«Қассоблик» маҳалласи, рақамсиз уй
- ✉️ Почта индекси: 104300
- ☎️ (372) 226-71-96, 226-71-98
- 🌐 fib.jiz.jzt@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Косон туманлараро суди

- 🏠 Дўстлик тумани, Дўстлик шаҳарчаси,  
Дўстлик кўчаси, 17-үй
- ✉️ Почта индекси: 130500
- ☎️ (372) 335-40-66, 335-40-61
- 🌐 fib.jiz.dst@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Яккабог туманлараро суди

- 🏠 Зомин тумани, А. Сатторов кўчаси, 1-үй
- ✉️ Почта индекси: 130800
- ☎️ (372) 392-12-51
- 🌐 fib.jiz.zar@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Ғузор туманлараро суди

- 🏠 Зомин тумани, А. Сатторов кўчаси, 1-үй
- ✉️ Почта индекси: 130800
- ☎️ (372) 392-12-51
- 🌐 fib.jiz.zar@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Шаҳрисабз туманлараро суди


- 🏠 Осмонсой КФЙ, Тутак массиви, рақамсиз уй
- ✉️ Почта индекси: 130100
- ☎️ (372) 221 50 45
- 🌐 fib.jiz.for@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Касби туманлараро суди

- 🏠 Осмонсой КФЙ, Тутак массиви, рақамсиз уй
- ✉️ Почта индекси: 130100
- ☎️ (372) 221 50 45
- 🌐 fib.jiz.for@sud.uz

## Қашқадарё вилояти

Фуқаролик ишлари бўйича судлар



- Туман маркази
- Суд жойлашган туман

Туман шахарлар сони: 14  
Судлар сони: 7  
Судъялар сони: 18  
Суд ва ёнгизук ахоли пункти  
уртасидаги масофа: 38 км.  
Ахоли сони: 2,831,272  
Майдони: 28,570 км<sup>2</sup>



Фуқаролик ишлари бўйича  
Навоий вилоят суди

Навоий шаҳри, С. Айний кўчаси, 1-уй  
Почта индекси: 210100  
(436) 225-17-74, 225-17-80  
fib.nav@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Кармана туманлараро суди

Навоий шаҳри, С. Айний кўчаси, 1-уй  
Почта индекси: 210100  
(436) 225-17-79, 225-17-82  
fib.nav.kar@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Зарафшон туманлараро суди

Зарафшон шаҳри, Марварид кўчаси, 19-уй  
Почта индекси: 210300  
(436) 573-39-75, 573-39-61  
fib.nav.zrf@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Навбаҳор туманлараро суди

Навбаҳор тумани, Бобур шоҳ кўчаси, рақамсиз уй  
Почта индекси: 210200  
(436) 562-12-70  
fib.nav.nvb@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Учқудуқ туман суди

Учқудуқ тумани, Навruz кўчаси, рақамсиз уй  
Почта индекси: 210900  
(436) 593 23 93

## Навоий вилояти

фуқаролик ишлари бўйича судлар



Туман (шаҳар)лар сони: 10

Судлар сони: 4

Судъялар сони: 10

Суд ва энг узоқ аҳоли пункти  
ўртасидаги масофа: 68 км.

Аҳоли сони: 884.300

Майдони: 110.990 км<sup>2</sup>



Фуқаролик ишлари бўйича  
Наманган вилоят суди

- Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 105-үй
- Почта индекси: 160111
- (369) 228-43-60, 228-41-70
- fib.nam@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Чуст туманлараро суди

- Чуст шаҳри, Чустий кўчаси, 5-үй
- Почта индекси: 161100
- (369) 423-36-34, 423-13-10
- fib.nam.chs@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Наманган туманлараро суди

- Наманган шаҳри, 2-кичик туман,  
Тўқимачилар кўчаси, 1-үй
- Почта индекси: 160127
- (369) 232-94-31, 232-93-46
- fib.nam.nmt@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Янгиқўргон туманлараро суди


- Янгиқўргон шаҳарчаси, Тошкент кўчаси, 10-үй
- Почта индекси: 161200
- (369) 632-39-03, 632-10-96
- fib.nam.ynq@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Учқўргон туманлараро суди

- Учқўргон шаҳри, Нодира кўчаси, 4-үй
- Почта индекси: 160900
- (369) 462-22-47, 462-10-66
- fib.nam.uqr@sud.uz

## Намангандаро

Фуқаролик ишлари бўйича судлар





Фуқаролик ишлари бўйича  
Самарқанд вилоят суди

- ❖ Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 3-үй
- ❖ Почта индекси: 140157
- ❖ (366) 233-10-53, 233-00-49
- ❖ fib.sam@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Самарқанд шаҳар суди

- ❖ Самарқанд шаҳри, А. Баҳодирхон кўчаси, 1 А-үй
- ❖ Почта индекси: 140103
- ❖ (366) 234-83-22, 234-32-37
- ❖ fib.sam.smq@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Каттақўргон туманлараро суди

- ❖ Каттақўргон тумани, Кадан кўрғони,  
Навоий кўчаси, 3-үй
- ❖ Почта индекси: 141400
- ❖ (366) 414-30-33, 414-30-70
- ❖ fib.sam.kqt@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Иштихон туманлараро суди

- ❖ Иштихон шаҳри, Иштихон кўчаси, 11-үй
- ❖ Почта индекси: 140700
- ❖ (366) 629-15-61, 629-12-58
- ❖ fib.sam.ist@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Тайлоқ туманлараро суди

- ❖ Тайлоқ тумани, Беруний кўчаси, 1-үй
- ❖ Почта индекси: 141500
- ❖ (366) 666-56-95, 666-51-12
- ❖ fib.sam.tay@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Жомбай туманлараро суди

- ❖ Жомбай тумани, Катта ўзбек тракти,  
Тошкент кўчаси, 35-үй
- ❖ Почта индекси: 140400
- ❖ (366) 475-19-87, 475-28-21
- ❖ fib.sam.jom@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Пастдарғом туман суди

- ❖ Пастдарғом тумани, Гўзалкент кўрғони
- ❖ Почта индекси: 140504
- ❖ (366) 462-11-40, 462-11-13
- ❖ fib.sam.pst@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Пайариқ туманлараро суди


- ❖ Пайариқ тумани, Пайариқ шаҳри,  
Пайариқнинг 50-йиллиги кўчаси, 4-үй
- ❖ Почта индекси: 141300
- ❖ (366) 425-27-21, 425-27-20
- ❖ fib.sam.pay@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Нуробод туман суди

- ❖ Нуробод тумани, Нуробод шаҳри,  
Амир Темур кўчаси, 14-үй
- ❖ Почта индекси: 141100
- ❖ (366) 633-16-15, 633-12-15
- ❖ fib.sam.nur@sud.uz

## Самарқанд вилояти

### Фуқаролик ишлари бўйича судлар



- Туман маркази
- Суд жойлашган туман



Фуқаролик ишлари бўйича  
Сурхондарё вилоят суди

- 🏠 Термиз шахри, Ш. Рашидов кўчаси, 67-үй
- ✉️ Почта индекси: 190100
- ☎️ (376) 223-02-79, 223-03-39
- 🌐 fib.sur@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Термиз туманлараро суди

- 🏠 Термиз шахри, Исо ат-Термизий кўчаси, 5-үй
- ✉️ Почта индекси: 190106
- ☎️ (376) 223-75-87, 223-63-17
- 🌐 fib.sur.ter@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Денов туманлараро суди

- 🏠 Денов шахри, Й. Охунбобоев кўчаси, 63-үй
- ✉️ Почта индекси: 190503
- ☎️ (376) 413-73-18
- 🌐 fib.sur.den@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Қумкўргон туманлараро суди

- 🏠 Қумкўргон шахри, Марказий Ойдин кўчаси, рақамсиз уй
- ✉️ Почта индекси: 190900
- ☎️ (376) 465-21-03
- 🌐 fib.sur.qmq@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Шеробод туманлараро суди

- 🏠 Шеробод тумани, Мустақиллик кўчаси, 41-үй
- ✉️ Почта индекси: 191400
- ☎️ (376) 322-29-76
- 🌐 fib.sur.shb@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Сариосиё туманлараро суди

- 🏠 Сариосиё тумани, “Ойбек” маҳалласи, рақамсиз уй
- ✉️ Почта индекси: 191000
- ☎️ (376) 487-30-45
- 🌐 fib.sur.sar@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Бойсун туман суди

- 🏠 Мустақиллик маҳалласи, Олмазор кўчаси, рақамсиз уй
- ✉️ Почта индекси: 190100
- ☎️ (376) 335 45 41

## Сурхондарё вилояти

фуқаролик ишлари бўйича судлар



Туман (шаҳар)лар сони: 14  
Судлар сони: 6  
Судьялар сони: 16  
Суд ва энг узоқ аҳоли пункти ўртасидаги масофа: 41 км.  
Аҳоли сони: 2.260.551  
Майдони: 20.100 км<sup>2</sup>

- Туман маркази
- ▣ Суд жойлашган туман



Фуқаролик ишлари бўйича  
Сирдарё вилоят суди

- Гулистан шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 68-уй
- Почта индекси: 120100
- Тел.: (367) 227-55-42, 227-55-32
- fib.sir@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Гулистан туманлараро суди

- Гулистан шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 1-уй
- Почта индекси: 120100
- Тел.: (367) 227-64-70, 227-55-56
- fib.sir.gls@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Сирдарё туманлараро суди

- Сирдарё шаҳри, Хондамир кўчаси, 1 А-уй
- Почта индекси: 120600
- (367) 377-47-29, 377-43-77
- fib.sir.srt@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Оқолтин туманлараро суди


- Сардоба шаҳарчаси, Гулистан кўчаси, рақамсиз уй
- Почта индекси: 120500
- (367) 243-11-52
- fib.sir.oqt@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Боёвут туманлараро суди

- Боёвут шаҳарчаси, Тинчлик кўчаси, 26-уй
- Почта индекси: 120200
- (367) 390-19-17, 390-19-16
- fib.sir.bvt@sud.uz

## Сирдарё вилояти

Фуқаролик ишлари бўйича судлар



• Туман маркази  
■ Суд жойлашган туман



Фуқаролик ишлари бўйича  
Фаргона вилоят суди

- Фаргона шаҳри, Янгисой кўчаси, 2-й
- Почта индекси: 150100
- (373) 243-16-79, 243-16-94
- fib.far@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Фаргона туманлараро суди

- Фаргона шаҳри, Хўжанд кўчаси, 12 А-й
- Почта индекси: 150100
- (373) 244-14-65
- fib.far.frt@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Қўқон туманлараро суди

- Қўқон шаҳри, Бухорий кўчаси, 37-й
- Почта индекси: 150700
- (373) 542-11-92, 542-11-29
- fib.far.qqn@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Марғилон туманлараро суди

- Марғилон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 414-й
- Почта индекси: 151100
- (373) 253-69-43
- fib.far.mar@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Риштон туманлараро суди


- Риштон тумани, Оқ ер қишлоғи,  
А. Темур кўчаси, 7-й
- Почта индекси: 150301
- (373) 452-28-37, 452-42-02
- fib.far.rsh@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Ўзбекистон туманлараро суди

- Ўзбекистон тумани, Конизар қишлоғи,  
А. Навоий кўчаси, 18-й
- Почта индекси: 151802
- (373) 539-18-94
- fib.far.uzb@sud.uz

## Фарғона виллояти

Фуқаролик ишлари бўйича судлар



Туман (шаҳар)лар сони: 19

Судлар сони: 5

Судъялар сони: 19

Суд ва ёнг узоқ ахоли пункти  
уртасидаги масофа: 23 км.

Ахоли сони: 3.329.685

Майдони: 6.760 км<sup>2</sup>



## СУДЛАР БИЛАН БОГЛАНИШГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР

Фуқаролик ишлари бўйича  
Хоразм вилоят суди

- Урганч шаҳри, Машъал кўчаси, 3-үй
- Почта индекси: 220100
- (362) 228-12-27, 228-12-44
- fib.xor@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Урганч туманлараро суди

- Урганч шаҳри, Машъал кўчаси, 3-үй
- Почта индекси: 220100
- (362) 228-12-45
- fib.xor.urg@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Шовот туманлараро суди


- Шовот тумани, Туркистон кўчаси, 77-үй
- Почта индекси: 221000
- (362) 345-27-71
- fib.xor.shv@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Боғот туманлараро суди

- Боғот тумани, Боғот шаҳарчаси, Наврўз кўчаси, 3-үй
- Почта индекси: 220200
- (362) 315-10-18, 315-16-02
- fib.xor.bog@sud.uz

## Хоразм вилояти

фуқаролик ишлари бўйича судлар



Туман (шаҳар)лар сони: 11

Судлар сони: 3

Судьялар сони: 9

Суд ва энг узок аҳоли пункти

ўртасидаги масофа: 24 км.

Аҳоли сони: 1.653.837

Майдони: 6.050 км<sup>2</sup>



Фуқаролик ишлари бўйича  
Тошкент вилоят суди

- Тошкент шахри, Ш. Руставели кўчаси, 93-үй
- Почта индекси: 100059
- (371) 253-91-95, 253-89-40
- fib.tv@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Чирчик туманлараро суди

- Чирчик шахри, Истиқбол кўчаси, 8-үй
- Почта индекси: 111700
- (370) 715-01-84, 716-55-59
- fib.tv.chr@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Зангигота туманлараро суди

- Зангигота тумани, Эшонгузар кўргони,  
Й. Охунбобоев кўчаси, рақамсиз уй
- Почта индекси: 111800
- (370) 230-45-63
- fib.tv.zan@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Ўртачирчиқ туманлараро суди

- Ўртачирчиқ тумани, “Қорасув” ҚФЙ,  
Темирчи кўчаси, 3 А-үй
- Почта индекси: 111507
- (370) 762-31-54, 762-31-78
- fib.tv.urt@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Оҳангарон туманлараро суди

- Оҳангарон шахри, Ф. Хўжаев кўчаси, 13-үй
- Почта индекси: 110300
- (370) 645 20 42
- fib.tv.ohn@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Бекобод туманлараро суди

- Бекобод шахри, Истиқлол кўчаси, 16-үй
- Почта индекси: 110503
- (370) 214-66-57, 214-66-59
- fib.tv.bek@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Юқоричирчиқ туманлараро суди

- Юқоричирчиқ тумани, “Оқ овул” ҚФЙ,  
Султонравот даҳаси
- Почта индекси: 111900
- (370) 983 01 80
- fib.tv.yqr@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Қўйичирчиқ туманлараро суди

- Қўйичирчиқ тумани, “Майдонтол” ҚФЙ,  
Дўйстлик даҳаси
- Почта индекси: 111507
- +998 (95) 142 94 88
- fib.tv.qch@sud.uz



## Тошкент вилояти

фуқаролик ишлари бўйича судлар



Туман (шаҳар)лар сони: 18  
Судлар сони: 7  
Судъялар сони: 34  
Суд ва энг узок ахоли пункти  
Ўртасидаги масофа: 27 км.  
Аҳоли сони: 2.695.737  
Майдони: 15.260 км<sup>2</sup>



Фуқаролик ишлари бўйича  
Тошкент шаҳар суди

- >Toшкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 26-үй
- Почта индекси: 100170
- (371) 269-00-10, 262-80-93
- fib.tsh@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Учтепа туманлараро суди

- Toшкент шаҳри, Учтепа тумани,  
Фозилтепа кўчаси, 42үй
- Почта индекси: 100126
- (371) 272-90-22, 272-45-90
- fib.tsh.uch@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Мирзо-Уlugбек туманлараро суди

- Toшкент шаҳри, Юнусобод тумани,  
Богишамол кўчаси, 57/10-үй
- Почта индекси: 100202
- (371) 235-32-70, 235-63-09
- fib.tsh.mu@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Шайхонтоҳур туманлараро суди

- Toшкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,  
А. Навоий кўчаси, 7-үй
- Почта индекси 100011
- (371) 241-50-79
- fib.tsh.sha@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Яккасарой туманлараро суди

- Toшкент шаҳри, Сергели тумани,  
Янги Сергели кўчаси, рақамсиз үй
- Почта индекси: 100085.
- (371) 215-24-67, 215-25-99
- fib.tsh.yak@sud.uz

Фуқаролик ишлари бўйича  
Миробод туманлараро суди

- Toшкент шаҳри, Миробод тумани,  
1-тор Иноқобод кўчаси, 1-үй
- Почта индекси: 100005.
- (371) 291-08-92
- fib.tsh.mir@sud.uz

## Тошкент шаҳри

### фуқаролик ишлари бўйича судлар



Туманлар сони: 11  
Судлар сони: 5  
Судьялар сони: 39  
Суд ва энг узоқ аҳоли пункти ўртасидаги масофа: 7 км.  
Аҳоли сони: 2.340.940  
Майдони: 331 км<sup>2</sup>

■ Суд жойлашган туман

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БҮЙИЧА  
СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ  
амалий құлланма

Мұхаррир: У. Раджабова

Компьютерда тайёрловчи: А. Латкович

Нашриёт лицензияси АI № 263 от 31.12.2014  
Босиша рухсат этилди 28.10.2016 й. Бичими 60x90 1/16  
«Arial» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.  
Босма табоғи 13, 12. Нашр табоғи 12,20.  
Адади 1000 нұсха

«BAKTRIA PRESS» МЧЖ Нашриёт уйи  
100000, Тошкент, Буюк Ипак Йули мавзеси, 15-25  
тел.: +998 (71) 233-23-84

MEGA BASIM босмахонасида чоп этилди

ISBN 978-9943-4570-7-2



ISBN: 978-9943-4570-7-2



9 789943 457072